




**АБДУЛЛА  
ОРИПОВ**

таваллудининг  
80 йиллиги кенг  
нишонланади



Маҳаллада  
**ЎТКИР  
ХОШИМОВГА**  
ёдгорлик  
ўрнатилади




**БОТИР  
ЗОКИРОВ**  
номидаги  
оркестр ташкил  
етилади  
**2.**

[@mahalladoshuz](#)

[@mahalladosh\\_uz](#)

[www.mahalladosh.uz](http://www.mahalladosh.uz)

**№45-46**  
(1975-1976) 2020 йил  
3 – 10 декабрь



МАНЛАЛА — ADOLAT TAROZISI  
**Mahalla**

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета



# **МАҲАЛЛАЛАР ЗИММАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?**

4-45.

**МАҲАЛЛАНИ «МАНЛАЛА» СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...  
ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

**2021**

**ОБУНА**  
ИНДЕКСИ: 148

## Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланади



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 2 декабрь куни «Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Хужжатга кўра, ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг бетакорр ижодий мероси, унинг Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни мадҳ этган етук бадиий асарлари, сермазмун ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, шоир таваллудининг 80 йиллиги муносиб нишонланади ва хотираси абадийлаштирилади.

2021 йил март ойининг учинчи ўн кунлигига Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида Абдулла Орипов хотирасига бағишлиган тантанали адабий-бадиий хотира кечаси ўтказилади. Шунингдек, шоирнинг ўзбек тилидаги икки жилдлик «Танланган асарлар», қорақалпок, рус, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган шеърий тўпламлари, шунингдек, «Абдулла Орипов – замондошлари хотирасида» китоби нашрга тайёрланиб, чоп этилади.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида «Абдулла Орипов

ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий-назарий конференция ўтказилиб, анжуман материаллари алоҳида тўплам ҳолида чоп этилади.

Тошкент вилояти Қиброй тумани «Аргин» маҳалласидаги Абдулла Орипов яшаган хонадонда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилиб, ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида хужжатли фильм яратилади. Шунингдек, мамлакатимиз театрларида Абдулла Орипов асарлари асосида спектакллар саҳналаштирилиб, ўқувчилар ҳамда талабалар ўртасида Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишлиган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» мавзусида иншолар танловлари ўтказилади.

Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги ижод мактабида ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида «Митти юлдуз жилолари» шеърият беллашуви ўтказилиб, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиллар хиёбонида таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндлари иштирокида Абдулла Орипов ижодига бағишлиган учрашувлар, давра сухбатлари, китобхонлик ва шеърият кечалари ташкил этилади.

Президентимизнинг 2020 йил 2 декабрь куни «Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2021 йил декабрь ойининг биринчи ўн кунлигига Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини бағишлиган хотира кечаси ўтказилади. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада олий мактаби ташкил этилиб, у ерда хонанда хотирасига бағишлиган ёдгорлик мажмуаси ва музейи барпо этилади.

Бадиий академия томонидан Ботир Зокиров ҳайкалини яратиш бўйича танлов эълон қилинади ва Ботир Зокиров яшаган Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани

## Маҳаллада Ўткир Ҳошимовга ёдгорлик ўрнатилади



Давлатимиз раҳбари 2020 йил 2 декабрь куни «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорни имзолади. Хужжатга кўра, атоқли адаб ва жамоат арбоби таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланади ва хотираси абадийлаштирилади.

Қарорга биноан, 2021 йил август ойининг биринчи ўн кунлигига Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигига бағишлиган адабий-бадиий хотира кечаси ўтказилади. Адабнинг ўзбек тилидаги «Танланган асарлар», қорақалпок, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган асарлари, шунингдек, «Ўткир Ҳошимов – замондошлари хотирасида» китоби нашрга тайёрланиб, чоп этилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Замонавий ўзбек адабиёти ривожида Ўткир Ҳошимов ижодининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилади. Тошкент шаҳри Чилонзор тумани «Дўмбиробод» маҳалласидаги адаб яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрна-

тилади. Ўткир Ҳошимовнинг асарлари асосида спектакллар саҳналаштирилиб, янги фильмлар яратилади.

Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Ўткир Ҳошимов номи берилди, республика ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида «Ўткир Ҳошимов асарларининг билимдонлари» танлени ўтказилади. Шунингдек, мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида адаб асарлари асосида иншолар танловлари ташкил этилади.

Таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиллар хиёбонида Ўткир Ҳошимов ижодига бағишлиган учрашувлар, давра сухбатлари ҳамда китобхонлик кечалари ташкил этилади.

## Ботир Зокиров номидаги оркестр ташкил этилади



Президентимизнинг 2020 йил 2 декабрь куни «Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Навоий кўчаси, 3-ўйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилади.

Ботир Зокиров таҳсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага Ботир Зокиров номи берилади. Ўзбекистон давлат филармониясининг Миллий эстрада-симфоник оркестри билан Ботир Зокиров номидаги эстрада оркестри бирлаштирилиб, Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада-симфоник оркестри ташкил этилади.

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси иштирокида «Ботир Зокиров – замондошлари хотирасида» номли китоб нашрга тайёрланиб, чоп этилади. Ботир

Зокиров ижодига мансуб тасвирий санъат намуналари ҳамда адабий асарлардан иборат китобальбом ўзбек, қорақалпок, рус ва инглиз тилларида нашр этилади. Ботир Зокиров номидаги замонавий эстрада кўшиқчилари танлови ўтказилади.

Ботир Зокировнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида янги хужжатли фильм яратилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали Ботир Зокиров ва Зокировлар ижодий сулоласи ҳақида ҳикоя қилювчи хужжатли фильмлар намойиш этилади. Республика театрларида Ботир Зокиров ҳаёти ва фаолиятига бағишлиган спектакллар саҳналаштирилади.

**ЎзА материаллари асосида тайёрланди.**



**Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси делегациясини қабул қилди.**

## АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРИ ТИЗИМЛИ ҲАЛ ҚИЛИНМОҚДА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлиги мутасаддилари иштирокида маҳаллаларда учраётган ижтимоий муаммолар, соҳанинг ҳукуқий асослари ва бу борадаги режаларга бағишиланган матбуот анжуманида бугунги кунда тизимда олиб борилаётган ишлар, мавжуд камчиликлар, соҳанинг ҳукуқий асосларини янада такомилластириш бўйича кўрилаётган чоралар хусусида сўз юритилди.



— Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломластириш, маҳалла институтини янада қўллаб-кувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқди, — дейди Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маъруфова. — Жўмладан, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини янада ошириш, уларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш самардорлигини ошириш йўналишида тегишли ишлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг бизнес ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида улардан 11 минг нафарига банклар томонидан 1 трлн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилишига кўмаклашилгани шулар сирасидандир. Қолаверса, Хотин-қизлар ва оиласи қўллаб-кувватлаш жамғармаси томонидан 3335 нафар хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳалари учун 70 млрд. 922 млн. сўм миқдорида маблаг ажратилди.

Аҳамиятли жиҳатлардан яна бири, Тадбиркорлик марказлари кўмагидаги 20696 нафар аёл тикувчилик, пандачилик, тадбиркорлик кўникмалари каби йўналишлар бўйича ўқув курсларида ўқитилди. 26247 нафар хотин-қиз касбга ўқитиш марказларида касбга тайёрланди. 17448 нафари хунармандчilik, 12101 нафари касаначилик соҳаларига жалб этилди. Жорий йилнинг ўзида 1127 нафар хотин-қизга ўй-жой сотиб

олиш учун Хотин-қизлар ва оиласи қўллаб-кувватлаш жамғармаси ҳисобидан 19 млрд. 426 млн сўм миқдоридаги бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш тизими вакиларининг саъй-ҳаракати билан шу йилнинг ўтган 11 ойи давомида ажralиш ёқасига олиб қолган 16818 та оила яраштирилди, 11725 та оиласи нукоҳи қонунийлаштирилди, оиласи ажralишлар сонини 3230 тага камайтиришга эршилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорлиқда 797,1 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланишига эришилди. Шунингдек, 508,2 минг нафар фуқаро жамоат ишларига жалб қилинган бўлса, 178,8 минг нафар кишининг ўзини ўзи банд қилиш орқали уларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари расмийлаштиришга кўмаклашилди. Шунинг баробарида, оиласи тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада аҳолига янада кулагай яратиш мақсадида 90200 нафар фуқарога кредит олишга, 41230 нафарига субсидиялар ажратишга, аҳоли томорқаларидан смарали фойдаланиш учун 10741 нафар фуқарога кредит олишга, 34268 нафарига субсидиялар ажратишга ёрдам берилди.

Анжуманда маҳалла тизими томонидан амалга оширилаётган шу каби кенг кўламли ишларга тўхталиб ўтилиб, берилган саволларга атрофлича жавоб қайтарildi.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлигида куз-қиши мавсумида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллаларда ижтимоий-маший муаммоларни аниқлаш, ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш якунлари масалаларига бағишилаб видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Афсуски, худудлардаги қўп қаватли ва якка тартибдаги ўй-жойларни куз-қиши мавсумига тайёрлаш ҳамда хонадонларни иситишда табиий ва суюлтирилган газ, қаттиқ ёқилғидан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш қоидаларига риоя этмаслик натижасида кўнгилсиз ҳолатлар юзага келмоқда. Видеоселекторда ана шу масалалар билан бир қаторда, аҳолини кўмир билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Унда фуқароларга кўмир маҳсулотини сотиб олиш бўйича маҳалла ходимларининг жойларда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини қай тартибда олиб бориш тўғрисида масъулларга керакли



## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАҲАЛЛАНИНГ ИШТИРОКИ ҚАНДАЙ?

тавсиялар берилди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Давлат ёнғин назоратини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Даврон Қамбаров келтириб ўтилган масалалар, шунингдек, маҳалла тизими ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифаларга ҳам тўхталиб ўтди.

Тадбир давомида жойларда аҳоли муаммоларини ҳал этишда «маҳалла – сектор – Ҳалқ қабулхонаси – маҳалла» тизими, шунингдек, фуқаро мурожаатлари билан ишлаш бўйича олиб борилаётган ишлар борасида ҳам алоҳида фикр юритилди.

Таъкидланганидек, 2020 йилнинг 11 ойи давомида вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан 170 минг 262 та мурожаат

келиб тушган. Уларнинг аксарияти Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри худудларидан қилинган аҳоли мурожаатларидир. Вазирликнинг 11 46 ишонч телефони орқали жорий йилнинг 27 октябрдан бугунги кунга қадар 4731 та мурожаат келиб тушган.

Йиғилиш сўнггида аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш, уларда кўрсатилган масалаларнинг ижобий ечим топишида мутасадди вакиллар масъулиятини янада ошириш, шунингдек, йиғилишда келтириб ўтилган бошлиға вазифалар ижроси бўйича масъул раҳбар ва ходимларга зарур топшириқ ва кўрсатмалар бериб ўтилди.

Фарҳод ЭШМЎМИНОВ.

## МУРУВВАТ

### «БИЗ – БИРГАМИЗ!»

Учтепа туманидаги «Диёробод» маҳалласида 3 декабрь – «Ҳалқаро ногиронлар куни» муносабати билан «Биз – биргамиз!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Бундан кўзланган мақсад, ногиронлиги бўлган кишиларни бошлиға соғлом фуқаролар билан тенг ҳукукли эканлиги, уларнинг манфаатлари, ҳукуклари инобатта олинишини кўрсатиш, қолаверса, эътибор, меҳр ва мурувватдан бебаҳра қолмасликлари, жамиядта улар ҳам ўз ўрнига эта эканини намойиш этишдир.

— Бутун туманимизда ногиронларнинг ҳукуқ ва манфаатларини химоялаш, уларга фан, таълим, маданият соҳасида кўмаклашиб келинмоқда, — дейди Учтепа тумани ҳокими Фарҳод Абдуллаев. — Туман ҳокимлиги билан бир қаторда «Қизил Ярим Ой» жамияти, «Ногиронлар жамияти», «Кўзи ожизлар жамияти», 199-сонли

умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Айниқса, «Найман» маҳалласида кўзи ожизлар учун мўлжалланган кутубхона фаолият юритаёттани ногиронлиги бўлган инсонларнинг ҳам билим олиши, ўқиб, ўрганишига барча шароит борлигининг исботи. Ҳозирда ҳамкор ташкилотлар билан биргалиқда 2927 нафар ногирон ва имконияти чекланган фуқароларга ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Маънавий-маърифий тадбирда 200 та яқин ногиронлиги бўлган фуқаролар иштироқ этди. Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими мута-



саддилари ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан барча иштироқчиларга эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, «Энг меҳрибон ота», «Энг матонатли она», «Энг сабрли оила» номинациялари асосида ногиронларнинг қаровчиларига ҳам ташаккурномалар тақдим этилди. Иштироқчилар учун ёзилган дастурхон, таникли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-күшилар барчага кўтаринки руҳ бағишилади.

Ноила АҲАДОВА.

# БАРЧА ЙИГИН РАИСЛАРИ ИРДЕК МУНОСИБ



**П**резидентимизнинг 2020 йил 26 майдаги «Мехр-саховат» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасининг жонкуяр вакиллари, саховатли тадбиркорлар, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг фидойи ходимлари мазкур нишон билан тақдирландилар. Ана шундай саховатли, меҳр-мурувватли инсонлар сафида бугун маҳалла фуқаролар йигини раислари ҳам борлиги қувонарли. Ҳалқнинг муаммоларини, дардини ўрганишнинг ilk остонаси, уларни ҳал этишдаги дастлабки маскан айнан маҳалладир.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улугбек туманида мавжуд 54 та маҳалла фуқаролар йигини раисларининг барчаси ана шундай «Мехр-саховат» кўкрак нишонига лойик кўрилди. Жонбозлик, бирдамлик, фидойилик билан фаолият юритиб келаётган маҳалла фуқаролар йигинлари раисларининг бундай ютуқ ва тажрибалари билан танишиш мақсадида мазкур туманга ташриф буюрдик.

— Маҳаллаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш масала-сига алоҳида эътибор қаратилди, компьютер техникиси, интернет ва мобиль алоқа воситалари билан таъминланди, — **дейди Мирзо**

**Улугбек тумани ҳокими**  
үринбосари,  
Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи  
Мақсаджон ЧОРИЕВ.

— Бу оиласи үзаро орқали яхшиланни, ҳозирда интернетсиз маҳалланинг ўзи йўқ. Туманимизда 279 мингга яқин аҳоли бор, улардан 144 минг нафарини аёллар ташкил қиласди.

Айни вақтда ана шу аёлларнинг 30 ёшдан юқори бўлган қисми «Аёллар дафтари»га киритилмоқда. Бу оиласи 36 минг хона-дон ўрганилди ва 54 фоиз аёллар хатловдан ўтказилди. Бу иш 10 декабрга қадар якунланади ҳамда «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» шакллантириб бўлинади.

Ўтган давр мобайнида аёллар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳусусан, «Яшнобод технопарк» билан ўзаро келишув асосида, шунингдек, бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳар ойда бир марта меҳнат ярмаркалари ўтказиш йўлга қўйилган бўлиб, сентябрь ойидан буён 4 маротаба ана шундай ярмаркалар ташкил қилинди. Қувонарлиси, ҳар гал меҳнат ярмаркасида ёшлар ва аёлларнинг 40 га яқини ўз иш ўрнига эга бўлмоқда. Биргина октябрь ойида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 104 нафар фуқаро бандлиги таъминланганни бунинг мисоли. Уларнинг бир гурӯҳи ишга жойлашган бўлса, яна бир гурӯҳ хотин-қизлар касбга тайёрлаш бўйича ўкув курсларига юборилган. Шунингдек, ўз бизнесини йўлга қўяман деган аёлларга кредит олишида ёрдам берилган.

## Smart ҳокимият нима?

Рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш, рақамли технологиялардан фойдаланиш, сингари сўзларни кўп эшитамиз. Аслида замонавий техника воситалири, турли дастурлар берадиган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланишни англатувчи бутушунчалар ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига сингиб бормоқда. Маҳалла тизимиға-чи? Маҳаллалар фаолиятида ҳам бундан фойдаланиш мумкинми? Қандай қилиб? Бу масалада ҳам биз сўз юритаётган туман ўз намунаси ни кўрсатмоқда.

— Мирзо Улугбек тумани ҳокимилиги билан биргалиқда «Smart ҳокимият» дастурини ишлаб чиқмоқдамиз, — **дейди М.Чориев.**

— Бу жуда катта ва муҳим лойиҳа ҳисобланади. Унда айнан рақамли иқтисодиёт даври техник имкониятларидан фойдаланилган бўлиб, дастур бир қанча енгилликлар, қулай имкониятлар беради. Аввало, иш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Дастурга секторлар кесимида «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ҳамда «Темир дафтар»га киритилган фуқаролар бўйича барча маълумотлар жойлаштирилади. Шунингдек, ҳокимилик ёки Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлимига фуқаро мурожаат қилганда дастур орқали барча маълумотларни кўриб чиқиш мумкин. Амалга оширилган ишлар бўйича ҳамма маълумотлар дастурга киритилади ва фуқаролар билан ишлашда бу жуда қўл қелади.

Мутасаддининг таъкидлашича, ҳозирда мазкур дастурни оптималаштириш чоралари кўрилмоқда. Бу орқали маълумотлар баъзасини кузатиб бориш, қанча фуқаролар «Аёллар дафтари»,

«Ёшлар дафтари» ҳамда «Темир дафтар»га киритилганини ёки чиқарилганини бемалол кузатиб бориш мумкин.

## Янги тажриба

Халқ билан ишлашда республиканизмнинг барча худудларида туман ва маҳаллаларда фаоллар уйма-уй юриб, муаммоларни ўрганмоқда. Шу билан бирга, юқорида айтилган дафтарлар шакллантирилмоқда. Аммо Мирзо Улугбек тумани бу борада янгича, ўзига хос тизимни йўлга қўйган. Яъни ҳар бир маҳаллани 4 та алоҳида секторларга: маҳалла раиси, профилактика нозири, хотин-қизлар бўйича раис ўринбосари ҳамда ободонлаштириш бўйича раис ўринбосарларига ажратилган. Бундай секторларга ажратиш иш самарадорлигини оширади. Қолаверса, маҳалла фуқаролар йигини ходимлари орасида меҳнат тақсимотида тенглик ва адолатлиликни қарор топишига хизмат қиласди. Маҳсус секторларга ажратиб, тизимли ва самарали ишлаш, тезкорлик билан аҳоли рўйхатини шакллантириш имконини беради.

Бироқ айрим маҳаллаларда аҳоли сони саккиз мингдан зиёд. Бу, ўз навбатида, жиноятичилкнинг ортишига, бошқарувнинг қийинлашишига олиб қелади. Шу сабабли «Олмачи», «Камолот» ва «Оққўргон» маҳаллаларини иккига бўлиш чоралари кўрилмоқда. Ҳозирда янги ташкил этиладиган маҳаллаларга низомга асосан, маҳалла раисини тайинлаш, бино ажратиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилмоқда.

## Оила қадриятлари мустаҳкамланмоқда...

Ўрганишлар нафақат муаммоларни аниқлаш, балки уларга тезкорлик билан, оқилона ечим тогпишда ҳам қўл қелади. Бугун оиласада аниқланаётган камчиликлар, оиласий муаммолар, ўзаро келишмовчиликларни бартараф этиш ва хонадонлар тинчлигини таъминлаш муҳим масала. Оила қадриятларини мустаҳкамлаш комиссияси бугун ана шундай муаммоларга барҳам бермоқда. Комиссия таркиби давлат мукофоти совиндорлари ва нуроний отахону онахонларнинг жалб этилгани айни муддао бўлаёттирилди. Улар маҳаллалардаги нотинч оиласада билан сұхбат ўтказиб, ижтимоий муҳитни соғломлаштириш бўйича ўз маслаҳатини бериб келмоқда. Бунинг натижасида оиласада нотинчликнинг бартараф этишга эришилаётгани, айниқса, таҳсинга лойик. Ажралиш ёқасига келиб қолган оиласада яратирилаётганини ҳам бу борада амалга ошираётган ишлар самара бераётганининг исботидир.

**Ноилахон АҲАДОВА**  
«Mahalla»



«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог»  
фаҳрий унвони таъсис этилади.



**П**резидентимиз «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-кувватлашта доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармони билан «темир дафтар» шакллантирилди. 7 тоифадаги аҳолини қамраб олган мазкур дафтар кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласлар баробарида доимий ишсиз фуқароларга моддий ёрдам кўрсатишга хизмат қилмоқда.



# «ТЕМИР ДАФТАР»ГА КИРИТИШ ВА ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

Бугун «Аёллар дафтари», «Темир дафтар» ва «Ёшлар дафтари»ни шакллантириш баробарида аҳолини ушбу рўйхатдан чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хўш, фуқароларга амалда ёрдам кўрсатиш жараёни қандай кечмоқда? Пойтактимизнинг Учтепа тумани Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими фаолияти билан танишдик.

— Туманда мавжуд 60 та маҳалланинг барчасида уйма-уй юриб, аҳолининг турмуш шароити ўрганилди, — дейди



Учтепа тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиги Замира

**АЗИМБАЕВА.** — Аёллар, ёшлар ва «темир дафтар»ларга киритилган фуқароларга ўтган давр мобайнида нафақат моддий ёрдам кўрсатилди, балки ўз иш ўрнига эга бўлишига кўмаклашилди. Айтиш лозимки, «темир дафтар»га киритилган 5253 нафар меҳнатга лаёкатли фуқаронинг 3166 тасининг бандлиги таъминланди. Улар орасида корхоналарга йўналтирилган фуқаролар ҳам бор. «Аёллар дафтари»га киритилган 464 нафар аёлнинг 87 таси ўзига мос иш топди, 24 нафари эса касбга йўналтирилди. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилиш орқали бандлигини таъминлаган аёлларимиз ҳам борлиги бизни кувонтиради.

## Нега ишга жойлашмайди?

Буғунги кунда ишсизликнинг ортишига маошдан қониқмаслик ҳам сабаб бўлмоқда. Боиси олий маълумотга эга бўлмаган фуқароларнинг юқори даромад келтирадиган иш топиши бироз қийин. Таклиф қилинаётган иш ойлик

маоши кимларнидир қониқтирмайди. Афсуски, ҳамма ҳам давлат ишида ишлашни, маҳалла томонидан тавсия этилган жойларда фаолият юритишни истамайди. Сабаби оддий – олинадиган иш ҳақи бир ой давомида қилинадиган рўзгор харажатларини қопламайди. Шу сабабли кўплаб аёллар, ёшлар ва эркаклар бундан бош тортишади.

Учтепа тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда мазкур муаммонинг ечимини топган Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими мутасаддилари аҳолига ҳам иш, ҳам моддий кўмак таклиф қилмоқда. Яъни ишга жойлашишга рози бўлган фуқароларга «Мехрли қўллар» хайрия ташкилоти томонидан бир йил давомида озиқ-овқат учун керакли маҳсулотлар етказиб берилади. Бу мутлақо бепул, моддий ёрдам ҳисобланади. Таклифдан мамнун аҳоли эса тез орада ишли бўлиши, кундалик рўзгор учун керакли маҳсулотларни олиб, тез орада ўзини ўнглаб олиши мумкин.

— Ишга кирган фуқароларга гўшт, ун, гуруч, ёғ ва шу каби барча озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, куруқ чой, совун, кирювиш кукуни сингари кундалик эҳтиёж маҳсулотлари бир ойда бир марта ёрдам сифатида берилмоқда, — дейди З.АЗИМБАЕВА.

— Мақсад, иш билан таъминланган фуқаронинг ўзини тиклаб олиши, ойлик маошини эса бошқа харажатларига сарфлашига имкон беришdir. Мазкур тажриба ўз самарасини бермоқда. Ҳозирда кўплаб оиласлар қийин шароитдан чиқиб, ўзини тиклаб олмоқда. Натижада биз ана шу оиласларни ҳам «темир дафтар»дан чиқаришга, ҳам тумандаги камбагалликни камайтиришга эришмоқдамиз. Биз берайётган таклиф кўпчиликка маъкул келаёттани бежизга эмас.

## Ҳам ишли бўлди, ҳам...

Сектор раҳбарлари, туман ҳокимлиги билан биргаликда ўтказилаётган «Сайёр қабул» бугун «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритилган ишсиз фуқароларни қамраб олмоқда. Ўзаро суҳбат давомида мутасаддилар иш таклиф қилиш билан бирга, моддий ёрдам кўрсатилишини фуқароларга тушунтироғида. Куонарлиси, қабулга келганларнинг кўпчилиги бундан мамнун бўлиб, иш билан таъминланмоқда. Ўша куннинг ўзидаёқ



тарқатилаётган бир ойлик озиқ-овқат маҳсулотларини ёрдам сифатида олиб, уйга қайтмоқда.

Юқорида қайд этилганлардан кўриш мумкинки, туманда аҳоли билан ишлаш, улар бандлигини таъминлаш ҳамда оғир турмуш шароитидаги хотин-қизларни, оиласларни қўллаб-кувватлаш бора-сида амалий ишлар ҳавас қилгудек. Фуқаролар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳам натижалар яхши. Айниқса, оиласлар ажралишлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан камайган.

## Ёнғин содир бўлган уйлар таъмирланади

«Обод хонадон», «обод кўча» ва «обод маҳалла» мезонлари-

ни амалиётта жорий этиш учун юртимизнинг ҳар бир қишлоқ ва шаҳарларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Қўчалар гулзор бўлди, дарахтлар кесиб, чиройли кўринишга келтирилди. Бу борада қатор мезонлар ҳам ишлаб чиқилди. Мезон қоғозда қолиб кетмади, барча бирдек ўз гузари, хонадонининг тозалигига эътиборни кучайтириди.

— «Обод маҳалла» тамоилии асосида барча маҳаллалар, хонадонлар тартибига келтирилди, маҳаллалар худудидаги уйлар оқланди, — дейди Замира

опа суҳбат давомида. — Даражатларни парваришилаш, арикларни тозалаш, ҳовлилар ва кўп қаватли уйлар атроғига гуллар экиш ҳам аъло даражада амалга оширилди. Туманда намунавий маҳалла, ҳар бир маҳаллада намунавий кўча ва ҳар бир кўчада намунавий хонадонлар ташкил этилди. Қолаверса, томорқалари мавжуд хонадонларда дехқончилик маҳсулотларини етиштириш, чорвачилик, паррандачилик соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашилди. Ҳафтада бир кун маҳаллаларда қўчаларни, хонадонларни, қабристонларни, йўлларни, ариклар ва кўприклини, коммунал тармокларни ободонлаштириш мақсадида ҳашарлар ўтказилди.

Хайрли ишларга бел боғлаган Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими мутасаддилари яқинда туман ҳокимининг курилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш.Касимов билан биргаликда ёнғин содир бўлган уйларга бориши. Хонадонлардаги ҳолатни ўрганиб, бу хонадонларни таъмирлаш учун смета тузишни бошлаб юборишиди.

Ноилaxon АҲАДОВА  
«Mahalla»



БАА компанияси Сирдарёда каннabis етиштиришга инвестиция киритди.

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИҢ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ОШИРИЛМОҚДА?

**Б**ұгун Маҳалла ва оиласиң күллаб-қувватлаш бўлимлари фаолияти «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги дараҷага олиб чиқиш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга эришиш билан боғлиқдир.

Бу борада Олмазор туманида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, оиласида ажралишлар сонини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, маҳаллалар кесимида нотинч оиласи, одоб-ахлоқида ўзгариш сезилаётган фуқаролар, шунингдек, ишсиз бўлиб қўйналиб қолган оила аъзоларини иш билан банд қилиш мақсадида режали суҳбатлар олиб борилмоқда.

Хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш ижроси кечиктириб бўлмас вазифалар сирасидан. Бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Қандай ютуқларга эришилдию нима муаммола дуч келинди?

– Жорий йилнинг октябрь ойида тумандаги хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш юзасидан ҳафталик медиа-режа ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган, – дейди Олмазор

тумани ҳокими  
ўринбосари,  
Маҳалла ва  
оиласи қўл-  
лаб-қувват-  
лаш бўлими  
бошлиғи  
Тўлқин ТЕ-  
ШАЕВ. – Маз-  
кур иш режаси  
асосида 4 та сектор

кесимида ҳафтада бир маротаба «Жамиятда аёлнинг ўрни» мавзусида давра суҳбатлари ташкиллаштирилмоқда. Кичик гурухлар орасида ўтказилган суҳбатларда аёлларни қийнаётган муаммолар ўрганилиб, маслаҳатлар берилб борилмоқда. Бундан ташқари, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукук ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш юзасидан маҳалла фуқаролар йигини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалари бўйича ўринбосарлари учун семинар машғулоти ўтказилди. Машғулотда мазкур қонуннинг асл моҳияти тушунтирилиб, қандай қилиб тенг хукукликтин татбиқ этиш мумкинлиги ўргатилди, бунинг



учун нималар қилиш зарурлиги айтилди.

## Жамоатчилик кенгаши нимага хизмат қилади?

Мазкур тумандага «Хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши» тузилган бўлиб, унинг таркибига турли соҳаларда фаол меҳнат қилиб келаётган, обрў-эътиборли раҳбар аёллар жалб этилган. Шу билан бирга, давлат мукофоти соҳибалири ҳам кенгашининг фаол аъзолари ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, хотин-қизлар билан ишлашда тажриба алмашиш, ҳаётда аскатадиган маслаҳатлар бериш, кези келганида намуна сифатида кўрсата олиш имконини бермоқда.

Буни қарангки, 29-Аллон округ депутати Нигора Мирзаева ҳам Жамоатчилик кенгаши аъзоси бўлиб, депутат томонидан «Кўёш» маҳалла фуқаролар йигини қошида «Етакчи аёллар» клуби ташкил этгани қувонарли ҳол. Боиси ушбу клуб аъзолари маҳаллалардаги нотинч оиласи билан ишлаш, оиласида соғлом турмуш тарзини шаклантириш борасида фаол. Улар ўз имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда ана шундай оиласи вакиллари билан беминнат ишлаб келмоқда. Олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасида бу йил оиласи ажримлар 327 та бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига 59 тага камайишига эришилди.

## Хотин-қизлар муаммолари қандай ҳал этилмоқда?

Республика ишли гурухи томонидан Олмазор туманинда 58 та маҳалла фуқаролар йигини худудида жами 443 та оғир ижтимоий турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларнинг ахволи ўрганилди. Муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифлар берилди.

– Туман аҳолисининг қарийб 50 фоизини (184,9 минг) хотин-қизлар ташкил этади, – дейди

Тўлқин Тешаев. – Демак, мавжуд муаммоларнинг ҳам камида ярми улар ва уларнинг турмуш тарзини яхшилаш билан боғлиқ. Шу боисдан хотин-қизлар масаласига, уларни қийнаётган муаммоларга

бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Биз ўрганишлар давомида аниқлаган муаммоларнинг асосий қисми уй-жой ва уни таъмирлаш масалаларирид. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, моддий ёрдам, иш билан тамилаш масаласида ҳам муаммолар кам эмас. Ҳатто тадбиркорлик қилиш, кредит ажратиш, коммунал соҳа билан боғлиқ муражгаатлар ҳам учрамоқда. Алоҳида қайд этиш лозимки, туман дарајасида ҳал этилиши белгиланаётган муаммолар ечими ўз вақтида топилиб, ижроси таъминланмоқда.

Хотин-қизларимиз ижтимоий-маиший муаммолардан холи бўлиб, вақтини фарзанд тарбияси, оиласи муносабатларни мустаҳкамлаш баробарида, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишга ҳаракат қилинмоқда. Қувонарлиси, янги ташкил этилаётган корхона ва ташкилотларда тадбиркорлик билан шуғуланиш истагини билдирган 23 нафар хотин-қиз қайта ўқиб, сертификат олди. Уларнинг 5 нафарига 320 миллион сўм микдорида Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Хотин-қизлар жамғармаси томонидан кредит ажратилди. Улар сартарошлиқ, қандолатчилик ва тикувчилик каби йўналишларда ўз иш фаолиятларини бошлади.

## Маҳаллаларда вазият қандай?

Афсуски, бугун айрим оиласи, маҳаллалар билан боғлиқ муаммола ва камчиликлар ҳам бор. Масалан, жорий йилнинг ҳисобот даврида тумандаги маҳаллаларда 28 та никоҳи қонуний расмийлаштирилмаган оиласи аниқланган. Уларнинг 13 тасининг никоҳи туман Фуқаролик ҳолати далолатномаларни ёзиш бўлими орқали

қонунийлаштирилди.

– Фуқаролар йигинларида иш ҳужжатлари ва уларни юритишинг вақтинча тартиби тўғрисидаги йўриқнома асосида маҳаллалардаги муаммолар, камчиликлар ўрганилди, – дейди Т.Тешаев. – Мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида тумандаги маҳалла фуқаролар йигини ходимларига амалий-услубий кўмаклашилди. Яни уларга муаммоларни қандай ҳал қилиш, бунда нимага асосланиб иш кўриш лозимлиги ўргатилди, йўл-йўрик кўрсатилди. Тумандаги «Табассум», «Қичкириқ», «Олтинсой», «Тепагузар», «Қорасарой» маҳалла фуқаролар йигини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари фаолияти ҳам ўрганилиб, меъёрий ҳужжатларнинг юритилиши, комиссиялар фаолияти, комиссия аъзолари таркиби, тегиши ҳисоботларнинг юритилиши юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.



Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатини самарали амалга оширилишини таъминлаш бўйича эса Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолият юритмоқда. Маҳаллалардаги нуроний онахонлар ва зиёли раҳбар аёларимиз ушбу таркибга жалб қилинган. Ўзаро келиштан ҳолда иш режалари ҳам тузиб чиқилган. Бу тажриба, тузилган режалар келгусида ўз самарасини берса, ажабмас.

Шунингдек, тарғибот тадбирлари орқали ёшларни ҳам қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, эрта никоҳ, эрта туғуруқ билан боғлиқ муаммоларни назардан қочирмаслик зарур. «Эрта туғуруқ ва эрта никоҳларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида»ги тадбир ана ишундай ҳолатларни камайтириш мақсадида ташкил этилган. Бу каби тадбирларда туман прокуратураси, тиббиёт бирлашмаси ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ноилахон АҲАДОВА  
«Mahalla»

**М**аҳалла тизимидағи ўзгаришлар Амударё туманида ҳам ўз аксини кўрса-таётир. Бугунги кунда туманда 16 та овул, 2 та шаҳарча, 31 та маҳалла, жами 49 та фуқаролар йигини мавжуд бўлиб, уларда 109 минг 634 нафар меҳнатта лаёқатли, 81 минг 600 нафар иқтисодий фаол ва 73 минг 980 нафар иш билан банд бўлган аҳоли истиқомат қиласди. Туманда ишсизлик даражаси 9,3 фоизни ташкил этади. Бугун олдимиздаги вазифа мана шу кўрсаткични янада камайтиришдан иборат.



## АҲОЛИ ТЎҚЛИГИ, ҚУВОНЧИ, АВВАЛО, ЕРГА ВА ФИДОЙИ ИНСОНЛАР МЕҲНАТИГА БОҒЛИҚ



**Алишер Йўлдошев,**  
Амударё тумани ҳокими ўрин-  
босари, Маҳалла ва оиласи қўл-  
лаб-кувватлаш бўлими бошлиғи.

Бу борада аҳоли ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг кредит олишига кўмаклашиш, янги иш ўринларини яратиш бўйича кенг қўламили ишлар бажариляпти. Амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бериб, жорий йил бошидан ҳозиргача Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими ва фуқаролар йигинлари томонидан 4 минг 575 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шундан 1 минг 760 нафари бўш иш ўринларига, 168 нафари тадбиркор ва фермерларга бириклирлган бўлса, 900 нафари ўзини ўзи банд қилгани қувонарлидир.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада фаол жалб этиш ва хусусий бизнесини бошлашда яқиндан кўмак бериш, муаммоларни тезкор ҳал этиш ва уларга амалий ёрдам бериш борасидаги саъӣ-ҳаракатлар натижасида 411 нафар фуқарога субсидия ажратилди ҳамда 1 минг 170 нафари имтиёзли кредит олиш учун тавсияномалар берилди. Ушбу фуқаролар ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолиятларини йўлга кўйишган.

### Эҳтиёжманлар – доимий эътиборимизда

Жорий йилнинг 10 ойи давомида фуқаролар йигинлари томонидан ижтимоий ҳимояга мухтоҷ, кам таъминланган 13 минг 74 та оиласи 4 млрд. 94 млн. 838 минг сўм ижтимоий нафақалар тайинланган ва тўлаб берилган. Бу оғир вазиятда яшаётган юртдошларимизнинг ку-

вончига сабаб бўлиб, улар қалбида эртанги кунга ишонч уйғотди.

Қолаверса, 35 нафар ёрдамга муҳтоҷ бўлган ва оғир ижтимоий ахволга тушиб қолган хотин-қизлар рўйхати шакллантирилиб, уларга турли даражадаги моддий ва мъянавий ёрдамлар кўрсатилди. Шу билан бирга, 32 нафар ишга муҳтоҷ аёллар бандлиги таъминланди. Эътиборлиси, Қиличбой овулида яшовчи оғир ижтимоий ахволга тушиб қолган Муқаддам Тажимуратованинг ўй-жойи жуда эскилиги сабабли туман ҳокимлиги ва ҳомийлар кўмагида 150 млн. сўм маблағ эвазига янгидан куриб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган фарзандларини тўлиқсиз оиласида тарбиялаётган ва ўй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ оналар учун қулаги шароитларга эга арzon ўй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Хотин-қизларни ва оиласи қўллаб-кувватлаш жамоат фонди томонидан 6 нафар аёл-қизларга 103 млн. 468 минг 942 сўм миқдорда маблағ ажратилиб, ўй-жойнинг 10 фоиз бошланғич бадаллари тўлаб берилди.

### «Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади»

Пандемия даврида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, жамоат ишларига жами 1 минг 207 нафар, қишлоқ хўжалиги кооперативларига субсидия ажратиш орқали 50 нафар, шахсий ва дала томорқа хўжаликларга субсидия ажратиш орқали 361 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Бу ишларни давом эттириш ва янада жадаллаштириш мақсадида туманда 2020 йил якунига қадар айни йўналишларда яна 800 нафарга яқин фуқаронинг бандлиги таъминлаш режалаштирилган.

Амударёликлар азалдан дехқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келади. Шу боис улар ҳар қарич ернинг қад-

рига етади. Ҳар қарич ерга меҳр берилб, уруғ қадайди ва меҳнатига яраша ҳосил олади. Туманда ерга меҳр берган 32 минг 570 нафар томорқа ер эгалари истиқомат қиласди. Улар 5 минг 217 гектардан зиёд экин ерларидан ҳар йили мўл ҳосил олиб келмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли хонадонлари ва томорқаларидан самарали фойдаланиш, икки-уч марта ҳосил олиш тўғрисида олиб борилган тушунтириш-тарғибот ишлари ҳам ўз натижасини бермоқда. Ҳусусан, аҳоли томорқаларида 1 минг 183 та иссиқона мавжуд бўлиб, шундан янгидан барпо этилган иссиқоналар сони 450 тани ташкил қиласди. Ташаббус билан чиққан 389 та фермер хўжалиги томорқа ер майдонларини ҳайдаш, мевали дараҳтлар, сабзавот уруғ кўчатларини етказиб беришда кўмаклашиш бўйича 3 минг 377 та хонадонга бириклирлди. Фермерларимизнинг ушбу ташаббуси ишбилармонликни бошлашдан чўчиб турган, лекин дилида истаги бор юртдошларимиз учун айни мудда бўлди.

Туман ҳокими қарори билан «Мева-сабзавот ишлаб чиқариш кооперативлари» ташкил қилиниб,

50 нафар кам таъминланган фуқаро кооператив аъзолигига қабул қилинди. Уларнинг ҳар бирига ер майдони берилди, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 2 миллион 223 минг сўмдан субсидиялар ажратилди. Шунингдек, тумандаги фермер хўжаликларининг фалладан бўшаган ер майдонидан такрорий экин экиш учун кам таъминланган 43 та оиласи 20 сотиҳдан, жами 8,6 гектар ер майдони бир марта экиб фойдаланиш учун берилди. Ҳозирда туманимизнинг тўртта ҳудудида кичик ҳажмли 20-30 тонналик музлаткичлар ҳамда дала дўконлари ташкил қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Серҳосил еримиз, даромад олишга томорқамиз бор экан, ундан доимо унумли фойдаланишимиз лозим. Ахир, ҳозирги оғир шароитда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган бирламчи талабини қондириш кўп жиҳатдан томорқалардан оқилона фойдаланишимизга боғлиқ. Шу боис, айниқса, пандемия даврида томорқалардан самарали фойдаланиши ташкил қилиш, аҳолини озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

\* \* \*


Халқимизда: «Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади», деган мақол бежиз айтилмаган. Соҳада катта натижага эришмоқчи бўлсак, биринчи навбатда, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни боқишимиз керак. Негаки, дунёда ҳаракатсиз бой бўлган давлат ҳам, хонадон ҳам йўқ. Бу дунёда ҳамма нарса меҳнат, машақаттага боғлиқ. Ким меҳнат қилса, роҳат кўради. Чунки фаровонликка фақат ўз меҳнатимиз, ҳаракатимиз билан эришишимиз мумкин.

Зеро, буюк мутафакир бобомиз Алишер Навоий таъкидлаганидек, «олам ахлиниң тўқлиги, қувончи, аввало, ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиширадиган фидойи инсонлар меҳнатидандир».



**2021 йилдан барча раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги асосида баҳолаш рейтинг натижалари эълон қилинади.**





# ОИЛАГА ЭТЬИБОР АСЛИДА ЎЗЛИГИМИЗГА ЭТЬИБОРДИР

**П**андемия бутун дунё аҳолиси учун синовли давр бўлди. Шу қаторда республикамиз аҳолиси ҳам синовли кунларни бошдан кечирди. Қаттиқ тартибдаги карантинда айrim юртдошларимиз даромадсиз қолди. Ана шундай вақтда Юртбошимиз оғир вазиятда қолган инсонларга кўмак бериш ташаббусини илгари сурди. Бу борада аниқ топшириқлар берилди. Ушбу вазифани адо этишда маҳалланинг туттган ўрни бекиёсdir.



**Фарҳод ИБАДУЛЛАЕВ,  
Элликкалъа тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
кўллаб-кувватлаш бўлими  
бошлиғи.**

Айтиш керакки, бошқа худудлар сингари Элликкалъа туманида ҳам ўтган ўн ой давомида биргина «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан 1 минг 500 дан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласарга 1 млрд. 107,6 млн. сўмлик беминнат ёрдам берилди. Бундан ташқари, Маҳалла ва оиласи кўллаб-кувватлаш бўлими хузурида ташкил этилган Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш ва волонтёрик маркази томонидан шу кунгача 35 млн. 350 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва тиббий ҳимоя воситалари тарқатилди. Албатта, ҳомийлик маблағларини тўғри йўналтириш, унинг эгасини топиб беришни маҳалла фаолларининг кўмагисиз бажариб бўлмасди.

## «Кимки бир кўнгли бузуғнинг...»

Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз бўндан беш аср илгари: «Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлаган, Онча борким Каъба вайрон ўлса обод айлагай», дега айтган. Дарҳақиқат, мискин кўнгилни обод этиш, унга ишонч беришдек савобли ишни ҳеч бир амал билан алмаштириб бўлмайди. Шуни ғурур билан айта оламизки, ўтган давр мобайнида ана шундай савобли ишга бош-қош бўлдик.

Хусусан, маҳаллалар, хонадон-



лар ободонлиги ва кўркига ҳисса қўшиш мақсадида Маҳалла ва оиласи кўллаб-кувватлаш вазирлиги ҳамда Республика «Нуроний» жамғармаси ташабbusi билан «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари асосида ўтказилган «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остидаги ободонлаштириш тадбирларида туманимизда ҳам таъмирлашга муҳтож бўлган 5 минг 40 та хонадондан 2 мингтаси таъмирланди. Жумладан, Гулистон овулида истиқомат қилувчи кам таъминланган оиласардан Алишер Бекешев ва Каримбой Мусаевнинг хонадонлари таъмирланишида яқиндан ёрдам берилган бўлса, Сарбий овулида истиқомат қилувчи камбағал оиласардан Аллаберган Низомов уйининг 2 хонаси бузилиб, ҳомийлик асосида қайтадан қуриб берилди. Бу инсонларнинг кувончини ҳеч бир сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Шунингдек, ободонлаштириш кунларида ҳар бир маҳалладаги хонадонлар деворлари оқланди, туллар ва дараҳт кўчатлари экилди.

## Аёллар эътибордан четда эмас

Шу ўринда хотин-қизларга кўрсатилган ижтимоий ёрдамлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Йил бошидан оғир ижтимоий вазиятга тушган хотин-қизлар рўйхати шакллантирилиб, уларни оғир ижтимоий вазиятдан чиқариш чора-тадбирлари режаси ишлаб қиқилди. Ўтган вақт ичидан мазкур режадаги доимий ишга жойлаштириш ва Элликкалъа овули худудида қурилаётган имтиёзли ўй-жойлар учун бошлангич бадал пулларининг Хотин-қизларни кўллаб-кувватлаш жамоат фонди томонидан тўлаб берилиши, тиббий ва моддий ёрдамлар кўрсатиш сингари ишлар деярли тўлиқ бажарилди.

«Оқ олтин» маҳалласида яшовчи бокувчисини йўқотган Наргиза Мадраимовага маҳалла ҳомийлари

томонидан янгидан уй қуриб берилди. Бундан ташқари, туманда 25 та кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласарнинг уйлари таъмирланди. Бу каби амаллар юртдошларимиз кўнглида эртанги кунга ишонч ўйғотади.

Яна бир гап, Элликкалъа туманида хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий кўллаб-кувватлашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда қарамоғида ногирон фарзанд тарбиялаётгани сабабли доимий иш ўринларида ишлаш имконияти бўлмаган 10 нафар хотин-қизга уй шароитида ўзини ўзи банд қилиб, оиласи шароитларини яхшилаши учун тикув машинаси ва 3 нафарига фарзандлари дори-дармони учун 1 миллион сўмдан пул маблағлари берилди.

Шунингдек, туман ҳокимлиги, сектор раҳбарлари ва ҳомийлар кўмагида ногирон фарзанд тарбиялаётган ва бокувчисини йўқотган 2 нафар хотин-қизга йирик шоҳли қорамол, 23 нафарига майда шоҳли, 165 нафарига эса парранда берилган бўлса, 24 нафарига пластик карта очилиб, 1 миллион сўмдан пул маблағи, 100 нафарига субсидия ажратиш орқали иссиқхона қуриб берилди. Бу кўрсатилган ёрдамлар нафакат хотин-қизлар, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам фойда бўлса, ҳам ҳаётга бўлган ишонч ва далда бўлиб хизмат қилади.

## Муаммонинг бирламчи ечими маҳаллада бўлиши керак

Президентимиз раҳбарлигига жорий йил 20 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши-

да берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Маҳалла ва оиласи кўллаб-кувватлаш бўлими томонидан 17 кишидан иборат ишчи гурух тузилиб, ҳар бир худуд, яъни огул ва маҳалла фуқаролар йигинлари бўйича хатлов ўтказилиб, «Аёллар дафтари» шакллантирилган эди. Ўтган уч ой давомида мазкур рўйхатта кирган 645 нафар хотин-қизнинг 590 нафари доимий, жамоат ишларига ва ўзини ўзи банд қилиши учун кредит ажратиш орқали бандлиги таъминланди ва ишга жойлаштириш бўйича сектор кесимида жадал ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Президентимиз ташабbusi билан Маҳалла ва оиласи кўллаб-кувватлаш вазирлигининг ташкил топиши, бу орқали ҳар бир хонадон, ҳар бир оиласа кириб бориб, ундан музаммоларни ҳал этишга дастёр бўлиши лозим экани ҳеч биримизга сир эмас. Шу сабабли тизимга киравчи ҳар бир ходимнинг масъулияти икки баробар ошишидан далолатdir.



Айниқса, оиласарнинг муаммоларини, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ва уларни ҳал қилиш борасидаги бирламчи ечимни маҳалла, унинг оқсоқоли ва ўринбосарлари яхши билишади. Чунки улар ана шу огул, маҳалланинг ўзаги ҳисобланадилар.

Кўп йиллик тажрибам, ўрганишларим натижасида шуни кўрқмай айта оламанки, маҳалла, бу – оиласарнинг униб-ўсиб ўз йўлини топиб кетишида беминнат хизмат қила оладиган, ота-онадек тўғри йўл кўрсата оладиган елқадош идора бўла олади. Биргина оиласи шакллантириш орқали иссиқхона қуриб берилди. Биргина оиласи ажратиш орқали яраштириш, низоли оиласар билан ишлаш, оиласардаги нотинчликни бартараф қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг ўзи, маҳалланинг осойишталиги учун омил бўлиши мумкин.



**Ўзбекистон Миллий университети Олмазор туманидаги  
10 та мактабни оталиқقا олди.**

**Б**угунги кунда Қүнғирот тумани худудида 39 та маҳалла фуқаролар йигини фаолият юритиб келмоқда. Маълумки, жамият равнақида маҳаллаларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки маҳалла ҳар бир соҳага алоқадор бўғин ҳисобланади. Бугун қайси соҳага қарамайлик, шиддатли ўзгаришлар ва ривожланишларни кузатиш мумкин. Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш, одамларни унга қизиқтириш борасидаги ишлар шиддат билан олиб борилмоқда. Бу борада туманимизда ҳам мақтагулик ишлар амалга оширилмоқда, десак муболаға бўлмайди.



# ЮКСАК ЭЪТИБОР ХОТИН-ҚИЗЛАР ЗИММАСИГА ҚАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ



Алимжан ЕМБЕРГЕНОВ,  
Қүнғирот тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиғи.

Туманда тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш борасида амалий ишлар талайгина. Натижада янги иш ўринлари яратилаётir. Жорий йилда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан тасдиқланган дастурга мувофик, 26 нафар оғир турмуш шароитида яшаёттан аёлнинг бандлиги таъминланди. Шундан 2 нафари мавжуд корхоналардаги бўш иш ўринларига, 24 нафари ҳам тўла-надиган жамоат ишларига жалқилинди.

Икки нафар аёлга банклар

томонидан 80 млн. сўмдан ортиқ кредит ажратилишига кўмаклашилди. Хотин-қизларни ва оиласи қўллаб-кувватлаш жамғармаси томонидан 2 нафар хотин-қизга кичик бизнес лойиҳалари учун жами 60 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Бу эса, ўз навбатида, бир аёлга кўмак бериш орқали ўнлаб хотин-қизларни иш билан таъминлашга хизмат қилаётir.

## Онлайн ҳунар ўргатиш йўлга қўйилган

Туманда ишга муҳтоҷ бўлган 611 нафар хотин-қизнинг «маҳаллабай» рўйхатлари шакллантирилди ва «Аёллар дафтари»га

киритилди. Ҳозирда уларни иш билан таъминлаш ҳамда ўзлари қизиқкан ҳунарлар бўйича ўқитиш ишлари йўлга қўйилмоқда. Мисол учун, «Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази» томонидан 13 нафар аёлга телеграм тармоғида онлайн тарзда тикувчилик, пазандалик, тадбиркорлик кўнкимлари бўйича ўқув курслари ўқитилди. Бу тажриба ўзини оқлаб, ушбу хотин-қизлар бугунги кунда ўз ишларини йўлга қўйиб олди.

Айни пайтда 195 нафар хотин-қизни касбга тайёрлаш учун рўйхат шакллантирилди. Натижада бугунги кунда уларнинг 83 нафари ҳунармандчилликка жалб

бўлишларига кўмаклашиш йўлга қўйилган. Мисол учун, 5 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизга ўй-жой сотиб олиш учун Хотин-қизларни ва оиласи қўллаб-кувватлаш жамғармаси томонидан 72 млн. сўм миқдорида бошлангич бадаллари тўлаб берилди.

Шунингдек, жамғарма ҳисобидан ногиронлиги бўлган 44 нафар хотин-қиздан 14 нафари ногиронлик аравачаси, 14 нафари эшитиш мосламаси ва 16 нафари бошқа реабилитация воситалари билан таъминланиши белгиланди, уларнинг рўйхати шакллантирилди. Уларга ҳам навбати билан ушбу мосламалар олиб берилишига кўмаклашилади.

Бизни қувонтирган яна бир ҳолат шуки, бу йил олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизлар учун алоҳида квоталарнинг ажратилиши бўлди. Ўқийман, олий маълумотли бўлламан, деган ниятдаги 173 нафар хотин-қизга ушбу танловда иштирок этиши учун тавсияномалар тақдим этилди. Натижада улардан 6 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Бу биз учун яна бир ютуқ, десак, муболага бўлмайди.

\* \* \*

Бир сўз билан айтганда, жамиятда аёллар улуғланса, уларга эътибор ва кўмак берилса, оила пароканда бўлмайди. Фарзандлар тарбияси бузилмайди. Жиноятларнинг олди олинади. Маҳаллада осудалик бўлади. Чунки аёл оиласи асосий бўғини ҳисобланади. Бугунги кунда ўзининг бизнес лойиҳалари билан тадбиркорлик ишларини йўлга кўя олмай юрган хотин-қизлар орамизда йўқ эмас. Ана шундай тадбиркор аёллари мизни қўллаб-кувватлаш эса олий мақсадлармиздан бири ҳисобланади. Чунки Юртбошимиз ҳам бежизга: «Битта тадбиркор ўнта одамни ишли қилиши мумкин, бу дегани ўнта оиласи фаровонлик касб этади», дея таъкидлаб ўтмаганлар.



## Мавзуга оид маълумот:

### Инвестиция лойиҳалари қанча иш ўрни яратиши мумкин?

Туманда Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги «2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, биринчи навбатда туманнинг ўсиш нукталари нефть-кимё саноати ҳамда чорвачилик соҳасини ривожлантириш кўзда тутилган. Ушбу соҳалар учун умумий қиймати 6,5 трлн. сўм бўлган 160 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 1 минг 737 та янги иш ўрни яратилади.

2020-2022 йилларда 4 минг 106 та янги иш ўринлари яратиш ҳисобига ишсизлик даражаси 8,7 foiziga туширилади. Жумладан, бутунги кунга қадар туманда жами 1070 та янги иш ўринлари яратилди. 2021 йилда умумий қиймати 350 741 млн. сўм, шундан 116 090 млн. сўм ташаббускор маблаги, 153 330 млн. сўм банк кредити, 6 880 минг доллар хорижий кредит ва 1 000 минг доллар хорижий инвестиция ҳисобига 36 та инвестиция лойиҳаси ва 699 та янги иш ўрни яратилади. 2022-2024 йилларда умумий қиймати 2 193 440 млн. сўм бўлган 3 та инвестиция лойиҳаси ва 480 та янги иш ўрни яратилади.

Этилиб, маҳаллалардаги тажрибали ҳунармандларга бириклирилди. Асосийси, ҳунари бор аёл уйидан чиқмасдан фаолиятини олиб борса бўлади. Бунда у ҳам рўзгорига иқтисодий кўмакчи бўлиш билан бирга, фарзандларининг назоратсиз қолишининг олди олинади. Демак, ҳам оиласини, ҳам ишини бирдай олиб бориш имконияти бор.

### Хеч ким эътибордан четда қолмайди

Тумандаги 24 минг 973 та хона-донда 28 минг 560 та оила истиқомат қиласи. Беш қўл баробар эмас. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, турмуш шароити оғир, ўй-жойга зориқкан аёллар ҳам бор. Уларнинг рўйхати шакллантирилиб, навбати билан ўй-жойга эга



Тошкент вилоятига янги бош имом-хатиб тайинланди.

**A**ндижон вилояти мамлакатимиздаги ҳудуди жиҳатидан энг кичик, аҳолиси эса энг зич яшайдиган вилоят ҳисобланади. Шу боис ҳудудда ернинг ҳар бир қарич майдонидан унумли ва оқилона фойдаланиш талаб этилади. Президентимиз ўтган йили Андижонга ташрифи чоғида ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, қолаверса, экин майдонларини камайтирмаслик мақсадида вилоятнинг адир зоналарида арzon, кўп қаватли уйлар қуриш ва шу орқали тобора ўсиб бораётган аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида қатор вазифалар белгилаб берган эди.



## ЧОРАСИЗЛИК ШУКРОНАГА, УМИДСИЗЛИК ХОТИРЖАМЛИККА АЙЛАНДИ



Моҳинур ҚОСИМОВА,  
Андижон шаҳри ҳокими ӯринбосари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш бўлими бошлиги.

### 35 кунда янги маҳалла бунёд бўлди

Инсон ўз қалбини англаса, ўзини, борлиғидаги кувватни жамлаб олса, дунёни ўзгартиришта қодир. Ҳалқимизнинг неча йиллик орзу-умидларини рўёбга чиқараётган, тарихий ўзгаришларнинг ёрқин ифодаси — «Обод маҳалла» дастури доирасида биргина Андижон шаҳрида иккى ойда тикан босган яйдоқ қирда янги, обод ва файзли маҳалла барпо бўлгани, тақир саҳрга тараққиёт ва ободлик нафасини бағишилаган замонавий уйлар қад кўтартгани ҳам асрлар давомида инсониятни улгайтирган бу ҳаёт ҳақиқатини яна бир бор исботлаб берди.

Андижон шаҳри марказидаги «Мустақиллик» маҳалласидаги хонадонлар бир неча йиллар давомида ғоятда оғир шароитда кун кечиришта мажбур бўлгани ҳамиша шаҳар ҳаётидаги энг оғрикли нуқта бўлиб келаётганди. Хароба ва авария ҳолатидаги уйлар, жой торлигидан бир айланниб олиш ҳам катта машақкат бўлган каталакдек ҳовлилар, бир дарвозадан кириб чиқсан ўнлаб оиласи, бундай файзиз, чорасиз муҳитда ўз ҳолиҷа вояга етаётган ёшлар тақдирида йиллар давомида катта бир савол очиқ турган эди: бу одамлар ҳам рисоладаги дек яшаши, ҳаётидан рози бўлиши учун нима қилиш керак?

Давлатимиз раҳбари бундан иккى йил муқаддам — 2018 йил 20 май куни Андижон шаҳрида янги уй-жойларни кўрган эди. Мазкур ҳудудда бу масала долзарб эканини инобатга олиб, қўшимча тураржойлар қуриш бўйича топшириқ берганди. Шу асосда шаҳарда йигирмата 7 қаватли, иккита 16 қаватли уй барпо этилди.

Хатлашилгач, ўз умрини яшаб бўлган, на хавфсизлик, на замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берувчи уйларни тўлиқ бартараф этиш, бу ерда яшовчиларга давлат ҳисобидан шаҳарнинг бошқа ҳудудидан намонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриб беришга қарор қилинди.

Бунинг учун аниқ ва пухта режа, шаҳарсозлик талаблари асосида қурилиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Вилоят ҳокимининг қарорига асосан, Андижон шаҳрига яқин Хўжаобод тумани Хидирша масивидан 54 гектар ер ажратилиб, қурилиш ишларига жадал киришилди. Шу кундан эътиборан Хидирша қиrlаридаги бунёдкорлик ва ободликнинг қудратли тўлкини ҳаракатга келди. Энг эътиборлиси, ҳудуддаги тураржойлар ва бошқа иншоотлар 35 кунда ҳашар йўли билан қуриб битказилди.

Курилиш жараёни бундай шиддатли суръатда, катта куч-гайрат билан олиб борилганида бир томондан йиллар давомида ўта оғир ва мураккаб шароитда иложсизликдан кун кечирган одамларнинг янги, обод ва файзли ҳаётга интилиши, бунёдкорлик ишларига муносиб ҳиссаси, иккинчи томондан мутасаддиларнинг бир кун олдин бўлса ҳам аҳоли учун қулай турмуш шароитини яратиб беришга жон-жаҳди билан интилиши муҳим омил бўлди.

### Уй-жой қуришда «Андижон тажрибаси» яратилди

Давлатимиз раҳбари бундан иккى йил муқаддам — 2018 йил 20 май куни Андижон шаҳрида янги уй-жойларни кўрган эди. Мазкур ҳудудда бу масала долзарб эканини инобатга олиб, қўшимча тураржойлар қуриш бўйича топшириқ берганди. Шу асосда шаҳарда йигирмата 7 қаватли, иккита 16 қаватли уй барпо этилди.

Яна бир жиҳат: бу янги уйларда шунча майдондаги бошқа лойиҳаларга нисбатан 2 баробар кўп хонадонлар жойлашгани маҳаллий шароит учун жуда муҳим. Шу боис хонадонларнинг нархи ҳам ҳамёнбоп. Бу ҳақда сўз юри-

тар экан, Президентимиз: «Камбағалликдан чиқишинг энг асосий замини — уй-жой. Одамларнинг бошпанаси бўлса, ўзи ҳаракат қилиб, рўзғорини оёққа кўйиб олади», — деган эди.

Айтиш керакки, арzon уй-жойлар қуриш бўйича «Андижон тажрибаси» яратилди. Жумладан, Андижон шаҳри билан туташ адир ҳудудларда кўп қаватли уйлар қуриш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2020 йилда Хўжаобод тумани Иттифоқ массивидаги адир зонасида бир неча босқичда 35 та кўп қаватли уй қурилади. Биринчи босқичда 330 квартириали 11 та кўп қаватли уйлар қад ростлайди.

### ДАРВОҚЕ...

Кейинги иккى йил ичida  
биргина Андижон шаҳри-  
нинг ўзида 1 минг 798 квар-  
тирали 41 та кўп қаватли уй  
барпо этилди.

қаватли арzon уйлар, биринчи навбатда, Андижон шаҳри, Андижон, Хўжаобод, Булоқбоши ва Жалақудук туманларидаги уй-жойга муҳтоҷ, шунингдек, уй-жой олиш учун навбатда турган оиласаларга берилиши кўзда тутилган.

### «Замонавий қишлоқ» қандай лойиҳа?

Айтиш керакки, Президентимиз Андижонда яна бир тажрибани ҳаётта татбиқ этиш лозимлигини таъкидлади. Яъни урбанизация талаблари ва инфратузилма мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир туманда иккитадан замонавий қишлоқ қуриш лойиҳаси Андижондан бошланади.

«Замонавий қишлоқ», бу — кўп қаватли уйлар қуриладиган, инфратузилма обьектлари мавжуд, аҳоли учун барча шароит яратилган масканлар бўлади. Бу ердаги уй-жойлар бошқа дастурлар доирасида барпо этилган уйлардан бирмунча арzonлиги билан ажратилиб туради. Улар, аввало, бир уйда кўпчилик бўлиб яшаётган оиласалар, шунингдек, аҳолининг муҳтоҷ катламига берилади.

\* \* \*

Халқимиз «Уйи борнинг — ўйи йўқ» деб бежиз айтмайди. Ҳа, бу фикр кейинги пайтда кўп тақрорланяпти. Чиндан ҳам, ҳар бир инсон, аввало, ўз уйига эга бўлишни, оиласи, фарзандлари билан бахтили ҳаёт кечиришни истайди. Бахтни ҳам ана шу мезон билан ўлчайди. Шу боис бугун «Уйлар муборак!» деган табрикни Андижоннинг ҳар бир маҳалласидан эшитамиз. Уй соҳибларининг нигоҳидан кувонч ва шукроналикни уқамиз. Уларнинг қай бири билан сұхбатлашманг, гап амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига бориб тақалади. Ҳаётида, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, турмуш тарзи тобора юксалиб бораётгани тўғрисида ўзи, оиласи, маҳалласи мисолида ғурур билан сўзлайди. Диляда эса бир калом зоҳир: «Агар халқимизнинг чин маънодаги яратувчаник салоҳиятига гувоҳ бўлишни истасангиз, маҳалламизга бир келиб кетинг!»

Курилиш учун нимага айнан шу жой танланди? Айтиш керакки, ушбу ҳудуд Андижон шаҳрининг шундоқ юқори қисмида, «Андижон — Ўш» автомагистраль йўли бўйида жойлашган, қолаверса, баҳаво, ёзният иссиқ кунларида ҳам доимий шабада эсиб туради. Бундан ташқари, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқларига бирмунча яқин экани ишларни нисбатан тез амалга ошириш, инфратузилма харажатларининг ўта баланд бўлмаслигини таъминлайди.

Улкан ҳудудда барпо этилаётган массивда яшовчилар учун зарур барча қулайлик ва шароитлар яратилади. Шунингдек, бу ерда мактабгача таълим муассасаси, мактаб, гузар, бозорча, бир неча минимаркетлар ҳам барпо этилди. Умуман, мазкур ҳудуд ўзининг бетакор ландшафти, гўзал қиёғаси билан андижонликларнинг орзусидаги гўзл масканлардан бирига айланади. Мазкур кўп

**И**нсон учун ўз ватанида яшамоқ, халқига хизмат қилмоқ, унинг корига ярамоқлиқдан юксак баҳт йўқ. Шукурки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат қилаётган ходимларга шундай баҳт насиб этган. Биз ҳар куни халқ ичида, эл орасида бўламиз. Ватандошларимизнинг дарду қайғуси, қувончларига тенг шерикмиз. Ўзгаришлар, ислоҳотларнинг айни бошида турамиз. Зоро, ҳар қандай янгиланиш маҳладан бошланади.



Мухтасар ҲОШИМОВА,  
Хонобод шаҳри ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиги.

Кейинги йилларда Андижонда бўлаётган ўзгаришлар ҳам салмоқли. Айниқса, худуднинг туристик имкониятлари ҳам кенгайб бормоқда. Биргина Хонободнинг «Ўзбекистон Швейцарияси» деб аталиши бунга изоҳ қолдирмаса керак. Қолаверса, Хонобод нафақат вилоятнинг, балки юртимизнинг ҳам шарқий дарвозаси ҳисобланади. Диёrimizda куёшнинг заррин нурлари дастлаб хонабодликлар хонадонида «меҳмон» бўлади.

Тан олиш керак, Хонобод бир муддат бутунлай эътибордан четда қолди. Шаҳарни комплекс ривожлантириш, ахоли фаровонлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш борасидаги ишлар суст олиб борилди. Хонобод чегара миңтақасида жойлашгани боис узок йиллар ёпик худуд бўлиб, саноат ривожланмаган, кўплаб обьектлар бўшаб қолган эди. Шаҳарга элтадиган йўлларда ўрнатилган чегара постлари, паспорт назорати юртдошларимизга турили нокулайликлар, қийинчиликлар келтириб чиқарди.

Президентимиз топшириги асо-

## ДАРВОҶЕ...

180 ўринли «Хонобод» си-  
хаттоҳи денгиз сатҳидан 850  
метр баландлиқда жойлашган  
бўлиб, ушбу маскан тоза ҳа-  
воси ва шифобаҳш суви билан  
нафас йўллари, асаб тизими,  
юрак қон-томир касалликла-  
рини даволашта ихтисослаш-  
ган.



# ХОНОБОД ВОДИЙНИНГ ТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

сида 2017-2019 йилларда Хонобод шаҳрини комплекс ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Унга 3 минг 200 дан зиёд лойиха киритилиб, 500 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бунинг натижасида кўтлаб корхоналар ташкил этилиб, одамлар иш билан таъминланди. Одамларни анча вақтдан буён қийнаб келаётган муаммолар бартараф этилди: чегара постлари олиб ташланди, паспорт режими бутунлай бекор қилинди.

### Туризм шаҳарчаси қандай бўлади?

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 21-22 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи давомида худудда ички туризмни ривожлантириш масаласига эътибор қаратди. Жумладан, Хонобод шаҳрини Фарғона водийсининг сайёхлик марказига айлантириш бўйича ўз кўрсатмаларини берди. Ҳақли савол туғилади: хўш, худуднинг туризм имкониятларидан қай даражада фойдаланияпти? Худудда ахоли бандлиги қай тариқа таъминланмоқда?

Мазкур тогшириклар ижроси доирасида айни пайтда Хонтоғ қир-адирликларининг салкам 90 гектар қисмида туризм шаҳарчаси бунёд этилмоқда. Лойиҳага асосан, бу ерда дам олиш учун зарур бўлган мингдан зиёд дала-ҳовли, очик ва ёпиқ сув ҳавазалари, миллий чойхона ва замонавий ресторонлар, спорт майдонлари куриб битказилади.

Давлатимиз раҳбари йил 2020 26 ноябрдаги «Андижон вилояти Хонобод шаҳрида «Life Khonobod» инвестиция ва туристик лойиҳасини амалга ошириш чоратадирилар тўғрисида»ги

қарорига кўра, инвесторга «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғининг Хонобод массивидаги қишлоқ ҳўжалиги ерларидан 10 гектаргача бўлган майдон доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

Бунда инвестор 2020-2021 йилларда «Life Khonobod» бренди остида минерал ичимлик суви ишлаб чиқаришни йўлга кўяди. Ичимликлар галереяси (насос хонаси), эсадалик совғалари дўкони, кўргазма заллари ташкил этади. Бу орқали камидга 200 та янги иш ўринлари яратилади. 2022-2023 йилларда эса камидга 30 та янги иш ўринларини яратиш орқали замонавий дам олиш зonasи – 150 ўринли меҳмонхона мажмуаси курилади.



### Инновацион ўтов-уйлар курилади

Яна бир лойиҳа – «Андижон сув омбори» худудида барпо этиладиган экотуризм комплексидир. Нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу мажмуя таркибида юлдузли меҳмонхоналар, юзлаб меҳмон уйлари, соҳилда эса маҳсус чўмилиш майдонларига эга пляж барпо этилади.

Ҳамиша янгиликка интилевчан ва изланишдан чарчамайдиган андижонликлар энди ахоли учун тураржойнинг инновацион услугубини тавсия этмоқда. Фоя муаллифи «Rust Dostlik agrosanoat» МЧЖ раҳбари Рустамjon Усмоновнинг айтишича, ушбу инновацион ўтов-уйлар Япония технологияси

асосида пенопласт хомашёсидан курилади. У меҳмонхона, ётоқхона, ҳожатхона, ошхона ва ҳамомдан таркиб топади.

Қўриниб турибидики, худуддаги аксарият лойиҳалар туризм билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилади. Шунга монанд ахоли бандлигини таъминлашда ҳам айни ўналишга кўпроқ урғу берилади. Бу жараёнда худуд одамлари уй меҳмонхоналари ташкил этиши, туризм обьектларида хизматлар кўрсатишни йўлга кўйиши, туроператорлик билан шуғуланиши мумкин. Умуман олганда, пандемия даври тугаши билан Хонобод шаҳри сайёхлар учун ўз эшикларини очади.

### Шаҳар ер майдони кенгаяди

Хонобод шаҳри аҳолиси 41 минг кишини, умумий ер майдони эса 23 квадрат километрни ташкил этади. Ҳозиргача шаҳар худуднинг кичикилиги сабаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш обьектларини барпо этишга етарлича имкон бермаётганди. Шу боис Олий Мажлис палаталари қарори билан Кўргонтепа туманидаги тўртта – «Султонобод», «Хонобод», «Ш.Рашидов» ва «Авазматов» мавзедарида жойлашган жами 1 минг 284 гектар ер майдони Хонобод шаҳри таркибига ўтказилиши шаҳар ахолисига қуай шароит яратади.

Жумладан, бу ерларда эндиликда замонавий дам олиш масканлари, иссиқхона ва тут плантациялари, бодомзорлар ташкил этилиши, меҳмонхона ва кемпинглар, спорт иншоотлари қурилиши режалаштирилган. Уларнинг амалга оширилиши натижасида 200 га яқин янги иш ўринлари яратилади. Демак, бу ўз ўринида шаҳар ижтимоий-иктисодий салоҳиятининг ошиши, ахоли турмуш даражасининг юксалиши, минглаб иш ўринларининг яратилишига ҳам хизмат қилади.

**X**онадонимизни, күчаларимизни, ариғу томорқаларимизни саранжом тутиш халқимизга хос одат. Ҳали қуёш ётогидан бosh күттармасидан күчаларга сув сепиб, ер юзини очган келинчакларнинг ибраторумуз ҳаракатио инсон яшамайдиган уйларни-да озода сақлаш, чанг юқтирмаслик каби анъаналаримизда кўп ҳикмат бор. Энди тасаввур қилинг, уйимздаги мана шу удум маҳалламизга кўчса нима бўлади? Табиийки, юрт обод бўлади.

## ОБОДЛИКНИНГ

# ҚЎНГИЛГА ҚЎЧГАН МАНЗИЛЛАРИ

«Хароб ва файзи йўқ жойда яшаётган аҳолининг кайфияти ҳам, келажакка интилиши ҳам бўлмайди. Агар биз қишлоқларни обод қилсак, у ердаги халқнинг кайфияти ўзгариради, ўз ҳаётини янада яхшилашга интилиш пайдо бўлади, қишлоқлар иқтисодий юксалади. Буларнинг барни Ватанимизнинг ободлиги ва иқтисодий юксалиши учун яна бир муҳим туртки бўлади».

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётта татбиқ этилган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари айни шу мақсадларга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бугун ушбу ҳаётбахш дастурлар мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантиришга хизмат қилаётir. Биргина Жалақудук тумани маҳаллаларидағи ўзгаришларнинг ўзиёқ қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш фуқаролар ҳаётида қандай муҳим ўрин тутишига далолатdir.

### Ҳаётбахш ўзгаришлар йўлида

Дастурлар доирасида ўтган асрнинг олтмишинчи-етмишинчи йилларида барпо этилган барак-уylар, абгор ҳолатдаги қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси ўзгартирилиб, замонавий қўринишга келтирилмоқда. Бундай янгиланишлар жараёнида электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминотидан ташқари, тор ва қинғир-қийшик кўчалар кенгайтирилиб, асфальт ва шағал ётқизилмоқда.

Айтиш керакки, ушбу хайрли тадбир вилоят бўйича энг биринчи Жалақудук туманидаги «Қиличмозор» маҳалла фуқаролар ийғинидан бошланганди. Бу, бежиз эмас, албатта. Сабаби, маҳалла худудида ислом дини пешволаридан бири Қутайба ибн Муслим ҳазратлари мангу қўним топган зиёрратгоҳ мавжуд. Тарихий маълумотларга кўра, Қутайба ибн Муслим (660-715) йирик ислом фотихларидан бири, ҳарбий саркарда ва тажрибали лашкарбоши бўлган.

Шунингдек, мазкур эзгу ташаббуси буғунгача «Қиличмозор»дан

ташқари, туманинг «Бозорбоши», «Намуна», «Бойчеки», «Сўфиқишлок», «Қорағул», «Жалақудук», «Бўстон», «Ўзбекистон», «Кўкалам», «Ҳамзаобод», «Тўрачеки», «Янгисор», «Дўнқишлоқ», «Ўрги», «Намуна» маҳалла фуқаролар ийғинларида ҳам халқимизга хос катта бунёдкорлик ободлик, дахлдорлик туйғуси билан оширилди.

Рақамларга юзлансан: айни жараёнларда 65 км. йўллар тартиба келтирилиб, 55 км. масофадаги ариқларда тозалаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 65 км. масофадаги электр симлари янгиланиб, 391 та кўча чироқлари ўрнатилди, 46 км. масофага оқова сув тармоғи тортилди. 55 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари бажарилиб, 69 тонна чиқиндилар чиқариб ташланди. Қолаверса, тумандаги 61 та қабристон, 3 та зиёрратгоҳ, 122 та ижтимоий соҳа обьектларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Яширишдан не ҳожат, яқин

нади. Айни жиҳат ҳисобга олиниб, «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни кўшаман!» шиори остида барча маҳаллалар, кўча ва хонадонларда эзгу акциялар ташкил этилди. «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» тамоили асосида халқимиз томонидан ободлик ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тадбирлар кенг кўламда амалга оширилди. Бунинг ортидан эса хонадонлар, кўча ва маҳаллалар янада файзли ва обод кўринишга эга бўлди.

Қолаверса, хонадон ва кўча ободми, шунга қараб одамларнинг яшаш тарзига баҳо берсак бўлади. «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» кўрик-танловларининг ташкил этилиши бизга шундай имкониятни яратди. Эҳтиёжманд ва қўли калта оиласларнинг хонадонларини таъмирлаш, томорқаларидан самарали фойдаланишни йўлга кўйиш, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз, кекса ва касалманд инсонларнинг уй-жойларини таъмирлаб бериш,

ер майдонларини тартибга келтириш мақсадида бир неча бор ҳашар уюштирилди. Бу нафақат қийналган фуқароларга ёрдам бериб савоб олиш, балки маҳалла ўлмас қадриятга айланган ҳашар анъанасини давом эттириш, одамларни меҳр-оқибатта ўргатиш имконини ҳам берди.

Рақамларга юзлансан: худудий ҳаракатлар режасига 2 минг 580 та хонадон киритилиб, улардаги барча уйлар таъмирдан чиқарилди. Эҳтиёжманд ва камбағал оиласларнинг ижтимоий ҳолати ўрганилиб, унга кўра, 691 нафари бандлиги таъминланмаган фуқаро аниқланиб, уларнинг 454 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 36 нафари бўш иш ўринларига, 105 нафари ўзини ўзи банд қилиш орқали ҳамда 96 нафари бошқа ишларга жалб қилинди.

Қолаверса, бундай тоифадаги фуқароларнинг 286 нафарига субсидия берилиб, 350 нафарининг кредит олишига кўмаклашилди. Шунингдек, 574 нафар фуқарога

ғалладан бўшаган ерлардан 0,20 сотихдан такрорий экин учун ер майдони ажратиб берилди.

### Биносиз йиғин — қанотсиз куш...(ми?)

Шароит бўлмаган жойда самардорлик ҳам бўлмайди. Очиги, биносиз йиғинлар масаласи йиллар давомида бизни қийнаб келганди. Бониси аксарият маҳаллалар қайси-дир ташкилотнинг кичкина хонасида, ё бўлмаса, мактаб, шифохона, ҳатто раисларнинг уйида фаолият юриттани ҳам бор гап. Сўнгги йиллардаги эътибор сабаб, айни масалалар ҳам ечим топмоқда.

Жумладан, туманда 2020-2022 йилларга мўлжаланган ҳар бир маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплексларини ташкил этиш юзасидан манзилли дастур ишлаб чиқилиб, маҳалла бинолари хусусий шерикчилик асосида курилиши режалаштирилган. Бугунгача «Янгисор», «Қиличмозор» ва «Қутлуғ» маҳаллалари учун янги бинолар куриб берилди. Ҳозирда «Охунбобоев», «Хасанқавоқ», «Бузрукхонтура», «Янги чек», «Тошховуз», «Бўстон», «Капа», «Каттаполвон» йиғинлари бинолари янгидан куриб битказилмоқда.

\* \* \*

Обод маҳалла ва қишлоқ одамларининг қалби ҳам обод, маданияти ҳам юксак бўлади. Бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламда олиб борилаётган ободончилик юмушлари Жалақудуқда ҳам ўз аксини топаётгани барчани хурсанд қилмоқда. Ҳаттоқи, эскича фикрлаш ва яшашга кўнишиб қолган айрим одамлар ҳам кўз ўнгидан содир бўлаётган бундай янгиланишлардан ҳайратта тушмоқда. Демак, халқимизни рози қилиш энг эзгу муддаомиз экан, ҳар биримиз зиммамизга олган масъулиятни ҳис этишимиз, бурчимишни тўла оқлашимиз керак. Зоро, эл дуоси - бошга тож дейдилар...

**Сардор ҮРИНБОЕВ,  
Жалақудук тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
қўллаб-кувватлаш бўлими  
бошлиғи.**



йилларгача бу ҳудудларга эзтибор сустлиги оқибатида аҳолининг турмуши буғунги тараққиёт мезонларидан анча ортда қолган эди. Бугун юкоридаги ишлар натижасини кўрган кишининг қалби завқа тўлиб, «қаровсиз қолган жойларда ҳам ана шундай эзгу ишларни амалга ошириш мумкин экан-ку», деб шукроналар айтмоқда.

### Ободлик хонадондан бошланади

Обод маҳалла, шубҳасиз, обод хонадон ва обод кучадан бошла-



**Ўзбекистон «Энг яхши истиқболли сайёҳлик йўналиши»  
сифатида эътироф этилди.**

# МЕХР-МУРУВВАТ ВА КҮМАК

## ХАР КУНИ КЕРАҚ

Шоғиркон туманида моддий-маънавий мададга муҳтож, боқувчиини йўқоттан, якка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, куни кече «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, қолаверса, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати ҳисобидан синовли кунларда оғир шароитга тушиб қолган якка-ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган жами 140 та хона-донга 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти элтиб берилди.



Акмал ҚАЗОҚОВ,  
Шоғиркон тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

— Бу ўринда гап берилган маҳсулотда эмас, муҳтож одамга кўрсатилган меҳр-мурувват дадир, — дейди «Жўйнав» маҳалласида яшовчи Бибиражаб Орипова. — Бу ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилиди.

Бундан ташқари, туман Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими тавсияси асосида ҳудудда оғир шароитда яшаётган, эҳтиёжманд оиласардан 28 тасига тикув машинаси, электропеч, газ плитаси, телевизор, музлаткич, кир ювиш машинаси каби майший техника воситалари етказиб берилгани қишлоқ аёлларининг оғирини енгил қилишда айни муддао бўлди.

— Бир нафар фарзандим бор. Тurmush ўртогим ва ўзим айни дамда ишсизмиз. Оилавий ахволимизни ўргангандан ҳолда бизга кир ювиш машинаси тақдим этганларидан жуда хурсанд бўлдик, — дейди Талисангубод қишлоғида яшовчи Орзигул Абдуллаева. — Шундай хайрли ишга бош қўшган барчага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Шароф Рашидов номли маҳаллада истиқомат қилувчи Хурсандой Муродовани ҳам кунларнинг кескин совуб кеттани ташвишга солиб қўйганди. Оила боқувчи-сининг вафотидан кейин уй-рўзғор, бола-чақа ташвиши ўзининг



елкасида қолган Х.Муродова икки норасида фарзандини қишининг қаҳратонидан эсон-омон ўтиб олиши керак. Фамлаб қўйган ўтини эса бу ахволда кўпга бормаслигини ўйлаб, ташвишга тушарди. Ниҳоят, оғир ижтимоий шароитда яшаётган оиласар қаторида боқувчисидан айрилган мазкур хонадонга ҳам «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида амалий ёрдам кўрсатилди.

Муҳими, шу куни «темир дафтари»га киритилган ва табиий газ тармоғидан узилган оиласардан 348 тасига қиши аёзи, совуқ мавсумдан эсон-омон ўтиб олишлари учун 200 килограмм кўмир ёқилғиси беминнат тарқатилди.

Айни пайтда туманда оғир ижтимоий ахволга тушиб қолган 526 та оила «темир дафтари»га киритилган бўлиб, уларга тегишили тартибда инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиш билан бирга, моддий ахволини яхшилаш мақсадида иш билан таъминлаб, тадбиркорликка жалб этиб борилмоқда.

### Оила масаласи – келажак масаласи

Маълумот учун факт: жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманда ажрашиш учун маҳалла ва бoshqa идораларга мурожаат қилган 128 нафар оиласанинг 43 таси яраштирилди. 38 та оила билан тегишили тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Оилавий ажралиш масаласи шунчаки шахсий иш эмас, балки ижтимоий муаммодир. Шу сабабдан мазкур шахслар билан бўлимимиз томонидан маҳаллалардаги обрўли шахслар, нуронийларни жалб этган ҳолда индивидуал тарзда тушунтириш ишлари олиб боряпмиз.

Дарвоқе, шу ўринда бир тажриба. Маҳаллалардаги Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари томонидан олиб борилган сұхбатларга қарамай, ажралиш

фиркидан қайтмаган ёш оиласар билан туман фаоллари иштироқидаги мулоқотни расмий кабинет эмас, балки Етти пир силсиласидаги авлиё – Хожа Ориф Моҳитобон зиёратгоҳларида ўтказяпмиз. Бу ерда имом-хатибининг оила муқаддаслиги, фарзанд тарбиясида ота-оналар бурчи тўғрисидаги ваъзлари, руҳшунос, иқтисодчи ва бошқаларнинг фикрлари асносида шу пайтгача 11 та оиласиңг барчаси яраштирилди.

Оилавий ажралишларга кўп жиҳатдан турмушдаги етишмов-

бўлса, «Халқ банки» туман филиали томонидан Дилшод Тешаев оиласига имтиёзли тартибда 11 миллион сўм кредит маблағи ажратилиб, 8 бosh кўй олиб берилди. Бундан ташқари, оила бекаси Нигора Насриева жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилиб, унга 1 миллион сўмдан ошикроқ ойлик маош тайинланди. Асосиysi, эндилиқда бу оила ижтимоий мададга муҳтож камбағаллар қаторидан чиқарилди.

### Осойишталиқда гап кўп

Маҳалла тинчлиги, осойишталиги муайян ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муҳит барқарорлиги омили ҳисобланади. Шу жиҳатдан туманда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг барвақт олдини олиш, хукуқбузарликлар профилактикасини жойларда тизимли ташкил этиш, жамоат тартиби ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур мақсадда жорий йилнинг ўтган даврида тумандаги барча 50 та маҳалла фуқаролар йигинида намунавий талаблар асосида жамоат назорати пунктлари ташкил этилиб, жамоатчилик навбатчиликлари ташкил этилди.

Маҳаллаларда осойишталикини таъминлаш борасида амалга оширилаётган бу каби ишларимиз натижасида жорий йилда 27 та маҳалла жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантирилди. Жиноят содири этган шахслар сони сезиларли даражада камайишига эришилди.

Албатта, бу каби ишлардан мақсад – хукуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг соғлиғи ва мулкини жиноий тажхизлардан ҳимоя қилиш, маҳалла ободлиги ва ҳалқимиз турмуш дарражасини яхшилаш борасида олиб бораётган фаолиятимиз натижасини ҳалқимиз куттган даражага етказишдир.



Ўзбекистоннинг UNESCO ишлари бўйича Миллий комиссияси  
Бош котиби этиб Гаянэ Умерова тайинланди.

**Т**уманимизда «Хомашёдан тайёр маҳсулоттагача» тамойили асосида «Bukhara Cotton textile» хорижий корхонаси таркибига киругчи «ВСТ Cluster Agrokompleks» кўп тармоқли корхонасининг ишга туширилиши натижасида ўтган даврда 228 та кам таъминланган ва даромадсиз фуқаро иш билан таъминланган бўлса, бугунга келиб, аниқроғи, шу йил якунига қадар ишга туширилаётган қўшимча қувватлар ҳисобидан 270 нафар эҳтиёжманд оила ва-килларини ишга жойлаштириш кўзда тутилган.

# БАРКАРОР ИШ ЎРНИ – ДАРОМАД ВА ОИЛА ТЎҚЛИГИ ДЕГАНИ



Шуҳрат ХЎЖАҚУЛОВ,  
Ромитан тумани ҳокими ўрин-  
босари, Махалла ва оиласи қўл-  
лаб-кувватлаш бўлими бошлиғи.

Туманда яна бир йирик лойиҳа – умумий қиймати 135 миллион АҚШ долларига тенг, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилаётган тўқимачилик-йигирув ишлаб чиқариш корхонаси «WMB Romitex» МЧЖни ишга тушириш туфайли биринчи босқичда 900 та, лойиҳа тўлиқ битказилгунига қадар 2100 та иш ўрни яратиш харакати давом эттирилмоқда.

Умуман, сўнгги бир йил давомида айнан кам таъминланган, оғир шароитда яшаётган оилаларнинг мингдан ортиқ аъзоси бандлиги таъминланди. Масалан, уларнинг 126 нафари худуддаги фермер хўжаликлари, 294 нафари иссиқхона хўжаликлари, 78 нафари курилиш корхоналари, 22 нафари саноат корхоналари ишга жойлаштирилди. Банк имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан 13 нафар ишсиз фуқаро паррандачиликни ривожлантиришга, 69 нафари чорвачиликка, ўнга яқин оила сунъий ҳавзада балиқчilikка қўл ургани ўз самарасини бермоқда.

«Ғазберон» маҳалласида истиқомат қилаётган Шавкат Аvezov ҳам ҳар йилгидай, эрта баҳорда чет элга кетмоқчи эди. Аммо карантин эълон қилинди унинг ҳам режалари алғов-далғов бўлиб кетди. Нима қилсин, оиласи, уч фарзандини бокиши керак. Оғир вазиятда қолган йигиттага яхши таклиф бўлди. Шундок уйининг ёнидаги 23-мактабгача таълим ташкилотини таъмирлашта тушган «Обид-Собит» МЧЖ курилиш пудрат корхонаси уни ўз жамоасига кўшиб, 2,5 миллион сўм ойлик маош тайинлади. Ҳеч

қандай даромади бўлмаган турмуш ўртоги Адолат Содикова эса шу атрофдаги иссиқхонага ишга жойлаштирилди. Онаизор Шарофат Бозорванинг хурсандлигини айтмайсизми?

– Худога шукур, болам бағримда қолди, ҳар йили ишлашга чет элга кеттанида ярим йил, бир йил йўл қараб, минг бир хавотирда бедор тонг оттирган пайтларимиз бўлган, – **дейди онахон қўзларига ёш олиб.** – Президентимизга, раҳбарларимизга, минг раҳмат!

Президентимиз таъбири билан айттганда, ҳар соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, аввало, одамлар манфаатдорлигига хизмат қилсагина бу жамиятда ўсиш, ривожланиш, фаровон турмуш сари интилиш бўлади. Шу нуктаи назардан, юртимизда камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-кувватлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига айлангани ҳалқимиз учун ҳам мақсадга мувофиқ ҳайрли иш бўлди.

## Камбағалликка қарши кураш

Туманимизда 45 та маҳалла фуқаролар яғинида истиқомат қилаётган аҳоли сони 141 минг нафарга етган бўлса, шундан 4272 нафари камбағаллик тоифасидагилар эканлиги хатлов натижасида аниқланди. Бугунги карантин даврида улар сони сеziларли равишда ошгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Аммо шунга қарамасдан, туман ҳокимлиги, секторлар раҳбарлари билан ҳамкорликда даромадсиз оилаларнинг меҳнатта лаёқатли вакилларини ўзларининг хоҳиш ва танловлари асосида иш билан таъминлашга эътибор кучайтирилган.

«Темир дафтар»га киритилган 1423 та оиланинг 604 тасидаги 2321 нафар фуқарога саҳоват кўрсатиш белгиланган бўлса, уларга юқорида келтирилган йирик ишлаб чиқариш корхоналари, ташаббускор саҳоваттеша тадбиркорлар ҳиммати билан кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари мунтазам етказиб берилмоқда. Энг муҳими, шу йилнинг ўтган даврида камбағаллиги бўлган 614 та оиласининг 1091 нафар оила аъзолари муқим иш билан таъминланди.



Тақдирнинг шафқатсиз зарбасига дуч келган Мунаввар Шейхова икки нафар норасида фарзанди билан ота-онасининг ҳовлисига, «Қаҳрамон» маҳалласи Истиқол қишлоғига қайтиб келганига бир неча йил бўлган. Нафақаҳўр ота-онасининг қўлига қараб қолишини истамаган аёл ҳокимликка ёрдам сўраб борганида, аҳволи ўрганилиб, бир бош сигир бузоги билан олиб берилди. Сут-қатиги, сариёғини саранжомлаб, рўзгорини эпақага келтирган Мунаввар ҳовлисида иссиқхона барпо этиш нияти борлигини билдирганида унинг таклифи қўллаб-кувватланиб, иссиқхона фаолиятини ўзлаштириши учун шу яқиндаги хўжаликлардан бирига вақтингча ишга қўйилди. Ҳозирда Мунаввар Шейхова оила аъзолари билан ўз уйида курган 2,5 сотих иссиқхонасида помидор етиштирилмоқда.

Бундан ташқари, 12 сотихи ҳовлида Мунаввар фарзандлари кўмагида 4 метрга 4 метр ҳажмда ҳовуз очиб, 200 донадан ортиқ чавоқ ташлаган. Бу йил иккинчи мавсум, зогора ва дўнгпешона балиқларини бокяпти. Натижা эса кеч кузга бориб «чўмичга чиқади».

## Томорқа – даромад манбаи

«Қаҳрамон» маҳалласида яшовчи Тоҳир Бозоров бир неча йил ҳовлисидағи 3 сотихи иссиқхонадан фойдаланиб, яхшигина даромад олиб келганди. Аммо табиий газ «қирқилгани»дан кейин иссиқхонадан «қўли совуди». Бу оиласа 5 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилиб, эски иссиқхона замонавий қўринишда қайта таъмирлаб берилди. Эрта баҳорда Тоҳир Бозоров бу ерга бақлажон экиб, унинг жўяклари орасида помидор етиштиришнинг уддасидан чиқди.

Турмушида кўп қийинчилкларни кўрган Дилноза Тўхтаева ҳам маҳалла-қўй ёрдами билан ўзи яшаётган Қаҳрамон қишлоғига «Бухоро гольд фаворит» МЧЖ иссиқхонасига ишга жойлаштирилган ва 1,2 миллион сўм маош тайинланган. Аммо бир неча ойга, сабаби, Мунаввар Шейхова сингари унга ҳам ҳадемай ўз ҳовлисида банкнинг 23 миллион сўм им-

тиёзли кредит маблағи эвазига 2,5 сотих ерда иссиқхона барпо этиб бериладиган бўлди.

## Аёл ишли бўлса, рўзғорга даромад, оиласа барақа инади

«Чандир» маҳалласи Ҳасанобод қишлоғида 32 та кам таъминланган, оғир шароитта тушиб қолган оила хатловга тушганди. Ҳозирда уларнинг аксари ишга жойлаштирилди. Масалан, Зиёда Асадова, Диљфузя Хайруллаева, Муқаддас Атоевалар хусусий тадбиркор Дурдона Бўлдиеванинг беминнат ёрдами билан унинг раҳбарлигидаги «Мир гламур текс» МЧЖга ишга қабул қилинган. Бу тикувчилик цехида, асосан, болалар боғчалари учун кўрпа-ёситик, аёллар кийим-кечаги, карантин кунларида эса тиббий никоблар ва дизенфекциялаш кийимлари ҳам тикиб тайёрланмоқда.

Тошмачит қишлоғида Роҳила Нарзиева яқиндан бошлаб каштачиллик ва сўзаначилик билан оиласий жиддий шуғулана бошлагани қўни-қўшни, уйида ўтириб қолган аёлларни ҳам ўзига чорлади.

Умуман, камбағал оиласи оиласи оғир шароитдан кутқариш, ишсиз фуқароларни даромадли қилиш мақсадида туманда талайгина ишлар бошланди. Чунончи, шу йилда қурилган 144 гектар замонавий иссиқхонада 2500 та янги иш ўрни яратилди. Худудда қурилиши бошланган 150 гектар интенсив боғ ва токзор ҳисобига 300 та янги иш ўрни, бундан ташқари, оиласий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ҳар бир секторда 100 тадан хонадонда 2-3 сотихдан иборат жами 400 та хонадонга енгил конструкцияли иссиқхона қуриб бериш бўйича ишлар бошланган ва бунинг натижасида 400 дан ортиқ фуқаронинг бандлиги ва моддий мағаатдорлиги таъминланади.

Мақолада фақаттинга бандлик ва аҳоли даромади масаласига тўхтатганимиз бежиз эмас. Кексаларимиз яхши билишади: ҳар бир ғурбат ёки кўнгилсизликни келтириб чиқарувчи бош сабаб, албатта, бекорчилик, иссиқлизик. Агар инсон бирор касб билан шуғулланса, ўмон ўйларни ўйлашга вақти бўлмайди, оиласи фаровон, тўқ бўлса, жанжалга сабаб топилмайди.

Үзбек маҳалласининг замонавий қиёғаси қандай бўлиши керак? Унинг ўзига хослигини кўрсатишда нималарга эътибор қаратилади? Айнан шутизим ишини йўлга қўядиган ва мувофиқлаштириб борадиган идорани бунёд этишда қандай меъморий, техник талабларга мувофиқ ёндашув бўлиши зарур? Ана шу мазмундаги саволларнинг жавоби битта: омма оёғи узилмайдиган, халқнинг дардию, қувонч ва ташвишлари билан «яшайдиган» маҳалла биноси кўркам, замонавий, барча зарурий жиҳозлар билан таъминлансанагина унинг исми жисмига монанд бўлади, тўғрими?

# МАҲАЛЛА БИНОСИ КЎРКАМ ВА БАРЧА ШАРОЙТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК



Ҳамид ТОҲИРОВ,  
Фиждувон тумани ҳокими ўрин-  
босари, Маҳалла ва оиласи қўл-  
лаб-куватлаш бўлими бошлиғи.

## Яңги тизим янгича ишлашни тақозо этмоқда

Янги кийим кийсак, кайфиятимиз күтарилади. Агар мавжуд тизим янгиланса, эски қолипда ишлаб бўлмайди. Юзага келган барча муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва ечимини янгича ёндашув билан ҳал этиш лозим. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хотин-қизлар, кексалар ҳаёти билан боғлиқ катта-кичик масала-лардаги роли сезилмаётгани боис тизимни янгилаш зарурати пайдо бўлди. Шу боис Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фао-

## **Мавзуга оид маълумот:**

Фиждувон туманида «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида 5 минг 982 та оиласа моддий ёрдам кўрсатилди. Шундан 1 минг 688 та оиласа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган бўлса, 363 та оиласа нақд ёки пластик карточка шаклида пул ажратилди.

пияти ташкил этилгач, юртимизда функциялари бирлаштирилган янгича тизим вужудга келди.

Бир талай соҳаларнинг бирлаштирилиши мутасаддилар масъутиягини икки-уч карра оширади. Туманимизда шакллантирилган маҳалла ва оилани кўллаб-кувватлаш бўлими учун истироҳат боғида бунёд этилган «Нуронийлар маскачи»нинг ажратилиши, моддий-техник база ва шиша толали интернет гармоғи билан таъминланишидан мамнунмиз, албатта. Биринчи галдаги вазифа нимадан иборат бўлиши керак? Албатта, хар бир маҳалла ўзининг кўркам, салобатли ва барча қулайликлари яратилган биносига эга бўлиши лозим. Ана шундагина янги тизим янгича ишлай олади.

## 75 та маҳалла — энг катта кучимиз ва таянчимиз

Фиждуон туманида 75 та маҳалла фуқаролар йигини фаолият кўрсатмоқда. Худуд ахолиси 303 минг чиғифтчилик, 57 мингта хонадон, 31 мингта оила рўйхатга олинган. Туман маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бўлими томонидан ҳар бир маҳалла мутасаддиларининг ахоли фаровонлигини таъминланадиган.

бандликка кўмаклашиш, ижтимоий ҳимояга мух-  
тоҳ оиласарни қўллаб-  
куватлаш, кекса авлод  
вакиллари фаоллигини  
оширишга доир масъу-  
лияти кучайтирилмоқда.

Махалланинг ўз биноси борми, у ташландик ҳолатда эмасми? Ишни ана шу саволга жавоб беришдан бошладик. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизга Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги «Ахоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавжудиини тубдан оширатиш



чора-тадбирлари түғрисида»ги фармони асос бўлмоқда. Мазкур хужжатнинг биринчи бандида кўр-сатиладики: "...худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳамкорликда бартараф этиш чора-ларини кўриш, таъсирчан жамоат-чилик назоратини ўрнатиш» лозим.

Туман маҳаллалари биноси ўрганиб чиқилганда, 7 тасига йиллар мобайнида жиддий талафот етгани аниқланди. Ўттан йилдан бошлаб ҳозирга қадар давлат-хусусий шериклик тамойилига мувофиқ, «Ростгўй», «Тошлоқ», «Айиртом», «Амиробод», «Армечан», «Тодон», «Зарафшон» маҳаллалари биноси тамоман янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Барча қулайликлари билан ишга туширилган бу бинолар эндилиқда ахолининг қатламлари кириб чиқадиган, «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» тамойили асосида ишлайдиган масканга айланиб бормоқда. Жорий йил охирига қадар ва 2021 йилнинг биринчи чорагида яна 5 та маҳалла худди шундай янги иншоотга эга бўлиши мўлжалланяпти.

## Бино ўз эгасига қайтарилди

Маҳалла фуқаролар йигини учун янги бино қурилса, бундан яхшиси йўқ. Аммо айрим маҳаллалар биноси бошқа ташкилот ва муассасалар ихтиёрида сақланиши ўша худудда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишга жиддий монелик туғдиради. Ўйлаб қарасак, оқсоқол ҳам, унинг ўринбосарлари ҳам ўзига ажратилган бинода эмас, мослаштирилган қандайдир иморатда фуқароларни қабул қиласа, бу амалдаги қонунларимизга зиддир.

Туман ҳокимлиги ва аҳоли турмуш тарзида учрайдиган барча муаммоларга кўмаклашувчи сектор раҳбарлари мавжуд вазиятни

ўрганиб чиқишиганда, 39 та маҳалла биноси бошқа ташкилотлар тасар-руфидә эканлиги аниқланди. Күп йиллардан бери давом этиб келаёт-ган бу муаммога туман ҳокимининг алоҳида буйруғи билан чек қўйил-ди, яъни ўша бинолар ўз эгасига қайтариб берилди. Айни пайтда туманимиздаги аксарият маҳалла-лар давлат миқёсида қўйилаётган устувор вазифаларни амалга оши-риш учун ўз фаолиятини ана шу биноларда давом эттиришмоқда.

Давлат дастури  
доирасида

Юртимизда қадимдан тарихий анъаналар яшаб келади. Ҳар ким ўзи яшайдиган уйи, маҳалласи ва қишлоғини ободонлаштиришга хиссасини қўшиши керак. Мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи қишлоқ жойларда салмоқли демографик, меҳнат ва иқтисодий салоҳиятни ҳосил қиласа-да, улар учун яқин давргача зарурий шароитлар яратиб берилмаган. Бу Ғиждувон тумани қишлоқ ва маҳаллаларига ҳам дахлдор масаладир.

Президентимизнинг 2018 йилда ижрота йўналтирилган «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги фармонига мувофик, туманимиз қишлоқларида бир нечта йўналиш бўйича кенг қамровли ободон-лаштириш ишлари адо этилмоқда. 2018 йилда 3 та, 2019 йилда 3 та, жорий йилда ҳам бир нечта қишлоқлар аҳолисининг уй-жойлари фасад қисми тъмирлаб берилди. Кўча ва йўлаклар асфальтланиб, чироқ ўрнатилди. Бундан ташқари, «Темир дафтар»га киритилган кўплаб эҳтиёжманд оиласарнинг уй-жойлари созланди.

Хали туманимизда ахоли тур-  
муш даражасини яхшилаш билан  
боғлиқ муаммолар етарли. Уларни  
секин-аста, босқичма-босқич ҳал  
этиш учун барча ресурсларни ишга  
солишимиш керак. Ана шундагина  
мажалла тизимидан Фиждувон ҳал-  
ки ва эди рози бўлиб яшайди



**Тўрт нафар ўзбек олимига 100 миллион сўмдан муқофот пули берилади.**

**М**аҳалла Ватан ичидаги «кичик ватан»га қиёсланади. Бу бежиз эмас. Кўриниб турганидек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мазкур тузилманинг ўрни алоҳида эътироф этиб келинади. Муболағасиз айтамиз, бугунги кунда маҳалланинг қадами етиб бормаган бирор-бир оила, ҳудуд, маскан қолмади. Фурқат тумани маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими ҳам ҳалқ дарду ташвишларига камарбаста бўлиб келмоқда.



# МАҲАЛЛА — ХАЛҚНИНГ ИШОНЧИ ВА СУЯНЧИ БЎЛИШИ КЕРАК

— Кейинги йилларда маҳалла институтига бўлган эътибор кўчайтирилиб, катта имкониятлар яратилди, — дейди Фурқат тумани ҳокими ўринбосари,



Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиғи Зарифаҳон АЛИХАДЖАЕВА. — Фаолияти-

миздаги оиласлар ичига кириб бориш, уларнинг муаммоларини ўрганиш, тизимли ҳал этиш ишлари бугунги куннинг муҳим вазифаларидан. Тумандаги 34 та маҳалла фуқаролар йиғининг номи белгиланган тартибда намуна шаклида тайёрланиб, йиғиннинг кириш қисмларига ўрнатилди.

Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада яшаб ўтган ва яшаётган намунали фуқаролардан иборат «Маҳалламиз ифтихорлари» стендлари ҳамда радиоузеллар ташкил этилди. Ушбу радиоузеллар орқали пандемия шароитида шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиб, оила даромадини ошириш, озиқ-овқат танқислигининг олдини олиш тўғрисида мунтазам маърузалар қилинди.

Жойларда оила фаровонлиги ва миллий қадриятларни мустаҳкамлаш борасида белгилаб берилган вазифаларни бажариш мақсадида жамоат ташкилотларининг давлат идоралари билан ҳамкорликдаги фаолиятини тизимли ташкил этиш мақсадида фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари бошчилигида кайвони онахонлар, кўчабошилар, нуроний онахонлардан иборат 30 талик тарғибот туруги тузилиб, уларнинг фаолиятини жонлаштириш бўйича алоҳида вазифалар белгилаб берилди.

— Яхши ишлаш яхши шароитга боғлиқ, албаттга. Шундай экан, йиғинларнинг моддий-техника имкониятлари қандай?

— Тўғри, моддий-техника базасини мустаҳкамламай туриб ишда самарадорликка эришиб бўлмайди. Айниқса, бу жараёнда бизда айrim муаммолар борлигидан кўз юма олмаймиз. Лекин имконият кидиряпмиз, мавжуд масалалар ечимини ҳамжиҳатлиқда бартараф этиш чораларини изляпмиз. Шу кунга қадар 7 та маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди. 12 та фуқаролар йиғини биноси таъмирланди, 4 та маҳалла фуқаролар йиғинида янги бино қурилиш ишлари давом этмоқда.

— Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ҳамон долзарб бўлиб туриби.

— Дарҳақиқат, шундай. Фурқат туманинда жами аҳоли сонининг 61625 нафарини аёллар ташкил қилади. Туманда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллалар кесимида ишлаш истагида бўлган 1037 нафар ишсиз хотин-қизларнинг рўйхатлари шакллантирилди. Ўтган давр мобайнида ушбу рўйхатдаги 1037 нафар ишсиз хотин-қиздан 988 нафарининг бандлиги таъминланишига эришилди.

Шунингдек, 52 нафар оғир ижтимоий вазиятдаги аёлнинг 35 нафари ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишига жойлаштирилди. Кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ишсиз хотин-қизларнинг ўзини ўзи бандқилиш мақсадида 26 нафарига тикув машинаси берилди. Уларнинг ўй шароитида даромад манбаига эга бўлиши таъминланди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда фаолият юритиш истагида бўлган 108 нафар аёл рўйхати шакллантирилди. «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан ташкил қилинган қисқа ўкув курсларида 63 нафар хотин-қизлар ўқитилиб, сертификатлар берилди. Тадбиркорлик соҳасида фаолият юритиш истагида бўлган 30 нафар хотин-қизга Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 384 млн. сўм имтиёзли кредитлар берилди. «Аёллар дафтари»га мезон

талаблари асосида киритилган 1082 нафар ишсиз хотин-қиздан 154 нафарининг бандлигини таъминлашга эришилди.

— «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили нималарга боғлиқ?

— Маҳалла ободлиги, аҳоли турмуш даражасининг фаровонлиги ҳудудлар осойишталиги, хавфсизлигига боғлиқ. Эътибор қаратадиган бўлсак, шу кунга қадар тумандаги 12 та маҳалла фуқаролар йиғинида жиноят содир этилмади. Маҳаллаларда ўрнатилган 522 та видеокузатув камералари жиноятларнинг барвақт олдини олишга хизмат қўлмоқда. Ҳолбуки, ҳолат бундан-да яхши бўлиши талаб



тилади. Демак, соҳада амалга оширилиши керак бўлган ишларимиз бор.

Жойларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида «Жамоатчилик назорати масканлари» ва «Фидокор ёшлар» тузилмалари ташкил этилди. Уларнинг ёрдами билан 25 та маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 36 та жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатларни эрта аниқлашта эришилди. Аммо бу хотиржамликка берилишга асос бўла олмайди. Ҳусусан, тумандаги фақат 15 та маҳалла фуқаролар йиғинида тунги чироклар ўрнатилган, холос. Шу боис бу ишлар қўламини кенгайтириш, фуқаролар йиғини фаоллари, жамоатчиликнинг масъулиятини янада ошириш талаб этилади. Чунки ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши эмаслигини ҳамма яхши англаб олиши керак.

— Туманда томорқа хўжалигини ривожлантириш истиқболлари қандай?

— Пандемия сабабли юзага келиши кутилаётган иқтисодий инқиrozнинг олдини олиш мақсадида томорқа хўжалигига алоҳида эътибор бериш ва томорқадан даромад олиш манбаини ошириш ва аҳолини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш мақсадида «Фурқат томорқа хизмат» МЧЖ билан биргаликда кам таъминланган, эҳтиёжманд оиласларга 47 минг дона помидор, булғор қалампири, қарам ва қалампир кўчатлари тарқатилди. 68 гектар экин майдонлари шудгор қилинib берилди, 2200 кг. ургулук тарқатилди, 110 гектар ер майдонида зааркунанда ҳашаротларга қарши ишлов бериш ишлари олиб борилди.

Маҳаллаларда «бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида ихтисослаштириш юзасидан Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими, Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эталари кенгаши, Иқтисодиёт, Қишлоқ хўжалиги бўлимлари томонидан «бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида худуддаги ҳар бир маҳалла ўзига хос хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда йўналишларига ихтисослаштирилди.

Жумладан, «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғини иссиқхонада помидор ва бодринг, «Шойимбек», «Калдушан» ва «Бекобод» маҳаллалари эса цитрус мевалар, «Томоша» ва «Чеккўприк» сабзавотчилик, «Ингичка» маҳалласи гулчилик, «Галлакор» ва «Беш оға» маҳалласи чорвачилик йўналишларига ихтисослаштирилди. Шу мақсадда туман ҳокимлиги ҳамда Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими ташаббуси билан 34 та маҳалла 22 та енгил конструкцияни ва контейнер асосида 22 та «Экобозор»лар ташкил этилди. Бу томорқасида ўзи етиширилган маҳсулотларни қийинчиликларсиз сотиш, аҳолини сифатли маҳсулот билан таъминлаш имкониятини бермоқда.

Суҳбатдош: Расул КАМОЛ  
«Mahalla»



Қаршининг «Насаф» футбол клуби Марказий Осиёning энг машҳур футбол клуби, деб эътироф этилди.

# ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАРГА ДАЪВАТ ЭТАДИ

Олой тоғ тизмалари бўйлаб ястаниб кетган кўхна Сўхда бошланган ҳаётбахш ислоҳотлар кундан-кунга бардавом бўлиб бормоқда. Чегарадош худудда йиллар давомида ийғилиб қолган муаммолар Президентимизнинг топшириғи асосида босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Иш ўринлари яратиш, ичимлик суви, электр таъминоти яхшиланяпти, кўчаларга асфальт ва бетон қопламалар ётқизиш ишлари давом этмоқда.



Фазилиддин Додокаримов

**КАРИМОВ** билан кўхна масканда амалга оширилаётган ишлар хусусида сухбатлашдик.

— Ўтиб бораётган йил сўхликлар ҳаётида катта ўзгаришлар, ислоҳотларга бойлиги билан эсда қолмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чоратадирилари тўғрисида» ги қарори туманга янги ҳаёт нафасини олиб кирди. Одамларни янги ташаббусларга даъват этди, — **дейди Фазилиддин Додокаримов.** — Бу маҳалла фуқаролар йигинларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ишчи-ходимлар учун қулай имкониятлар яратиб бериш амалларида ҳам намоён бўлмоқда. Шу кунга қадар «Чумоқча» ва «Сариканда» маҳалла фуқаролар йигинлари хизмат бинолари давлат шерикчилик асосида намунавий лойиҳалар бўйича қуриб битказилди. Ҳозирги кунда «Чашма», «Ленбур», «Қалъача», «Зангат» маҳалла фуқаролар йигинларининг хизмат бинолари давлат шерикчилик асосида, «Ғазнов» маҳалла фуқаролар йигиннинг хизмат биноси эса ҳоммийлик-ҳашар йўли билан қуриш ишлари қизғин давом этмоқда.

Фарғона вилояти ҳокимининг 2020 йил 9 октябрь кунги фармоши асосида, вилоят маҳаллий бюджети маблағлари хисобидан биноларнинг қурилиш ишлари-

ни бошлаш учун 250 млн. сўм ажратилди. Натижада «Себзор», «Соҳибкор», «Хушёр», «Гулистон» маҳалла фуқаролар йигинлари учун замонавий бинолар қуриш ишлари бошлаб юборилди. Маҳалла фуқаролар йигинларининг иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вилоят бошқармаси компьютер жамланмалари, рангли принтерлар ва мебель жиҳозлари билан таъминлади.

— Тоғ аҳли ҳаёт тарзи учун мухим бўлган долзарб муаммолар ечими нималарда кўрилади?

— Йўл, сув, электр, аҳоли бандлигини таъминлаш – бутунги куннинг мухим вазифаларидан. Шу мақсадда туманимиздаги 27 та маҳалла фуқаролар йигинидаги 27 км. йўлларда асфальтлаш, 25 км. йўлакларда цементлаштириш ишлари олиб борилди. 60 км. йўллар шағаллаштирилди ва ҳозирда ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Аҳолига сифатли электр энергияси етказиб бериш мақсадида 1200 дона симёғоч, 26 дона трансформаторлар ўрнатилиб, 45 км. тармоқ тортилди. «Қалъача», «Чашма», «Хушёр» маҳалла фуқаролар йигинида аҳоли бандлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган 6 гектар майдонда кичик саноат зоналари ташкил этиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Йил якунига қадар банд бўлмаган аҳолини жамоат ишларига жалб этиш хисобига 2235 нафар, эҳтиёжманд ва кам таъминланган ишсиз фуқароларнинг шахсий томорқаларига 2,2 млрд. сўм субсидия ажратиш хисобига 325 нафар, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун субсидия ажратиш орқали 122 нафар, эҳтиёжманд аҳолини ишга қабул қилиш учун субсидия ажратиш орқали 25 нафар, ишсизлик нафақаси тўлаб бориш хисобига 60 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди.

Туман ҳокими, маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлигига 9 нафар ижтимоий химояга тушди, тоғ табиий иқлим шаро-



муҳтож оиласлар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Тўй болаларга тадбир ташкилотчилари ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совфалири, сарполар, туман «Халқ банки»да очилган 500 000 сўм микдорида бўлган омонат дафтарчаси сертификати топширилди.

— Сўхликларни қийнаб келаётган сув, иш билан таъминлаш муаммоси қандай ҳал этилмоқда?

— Тоғ худудидаги бўш турган ер майдонларига сув чиқариш орқали янги ерларни ўзлаштириш, дехқончилик, боғдорчилик анъаналарини ривожлантириш истиқболли лойиҳалардан. Шу мақсадда Қайроқ массивида бошланган янги кўтарма сув насоси тармоғини ишга тушириш ишларига алоҳида эътибор қартилган. Чунки бу лойиҳа эрта баҳорда янги ерларни ўзлаштириш, экинларни сув билан таъминлаш имкониятини беради. Шу мақсадда уч кўтармали «Қайроқ» насос станциясини қуриш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу массивдаги 1448 гектар ялов майдонларини ўзлаштиришда қўл келади. Айни кунда ўзлаштирилаетган майдонда 50 гектар бодомзор, пистазор ва ёнғоқзор ташкил этиш ишлари бошланди.

Шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш, янги ташаббусларни ҳаётта жорий қилиш мухим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирга қадар тадбиркорларнинг 140 та лойиҳаларини молиявий қўллаб-кувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятини беради. Чунки иш билан банд бўлган одамнинг ҳаётта бўлган муносабати ўзгача бўлади, яшашга бўлган иштиёқи ошади, орзу ва умидлари рўёби учун меҳнат қилади, изланади.

Эътиборли жиҳати, бу йўналишда иш бошламоқчи бўлган ташаббускорларга солиқ имтиёзининг татбиқ қилиниши натижасида 400 дан ортиқ кичик бизнес субъектлари фаолият қўламини яхшилашга эришилди. «Чашма» булоги сувини қадоқлаш тармоғи ишга тушди, тоғ табиий иқлим шаро-

тига хос бўлган форель балиғи етиштириш йўлга қўйилди.

Сўхликлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда миришкор. Тоғ шароитида баъзи худудларда сув танқислиги сезилса-да, ер билан тиллашишнинг ҳадисини олишган. Сархил, табиий тоза, харидоргир мева-сабзавотларини ўзларидан ортиб, ички ва ташкизи бозорда сотишади. Шу максадда туманда саноат, хизматлар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича 95 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг хисобига 5 мингта янги иш ўринлари яратилади. Туманда қишлоқ хўжалигига фойдаланилмаётган майдонлар мавжуд бўлиб, истиқболли лойиҳалар доирасида бундай ерларни ўзлаштириш хисобига ҳам кўплаб оиласлар даромад манбаига эга бўлади

— Болажонларга қандай шароит яратилмоқда?

— Сўх туманидаги «Сариканда» ва «Гулистон» маҳалла фуқаролар йигинида оиласлар нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилди. Бу ерда болажонлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Туманда йил якунига қадар яна 10 та янги оиласлар мактабгача таълим муассасалари очилади. Натижада юзлаб янги иш ўринлари яратилади. «Шарқобод» маҳалла фуқаролар йигинидаги 14-давлат мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш, 11 та мактабгача таълим ташкилотларида бўш турган хоналар замонавий мезонлар асосида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, 90 ўринли янги мактабгача таълим муассасаси, «Сариканда» маҳалласида 60 ўринли маҳсус мактабгача таълим муассасаси ҳам бунёд этилади. Бу мактабгача таълим муассасаларига болалар қамровини йил якунига қадар 53 фоизга оширади.

Сирасини айтганда, бугун олис Сўхда бўлган киши ана шундай улкан ўзгариш, бунёдкорликлар билан ҳамоҳанг яшаётган сўхликлар қувонч ва шодликларига бевосита гувоҳ бўлади.

Сўхбатдош:  
Расул КАМОЛ  
«Mahalla»

**X**ар бир ҳудуд нимаси биландир эътироф этилади. Нафақат маҳаллий, балки халқаро доирада ҳам тан олинган нарса-ҳодиса бутун мамлакат учун шон-шараф, фахр ҳисобланади. Фарғона вилоятининг Риштон тумани ҳақида гап кетгудек бўлса, қуёшда нақши жилоланувчи сопол буюмлар кўз ўнгимизга келади. Ҳали чинни кашф этилмаган замонларда ота-боболаримиз лойдан ясалган сопол лаган, коса, пиёлани ишлатишган.

# РИШТОН СОПОЛИНИ ДУНЁ ТАН ОЛМОҚДА!



**Муқаддас БЕКМИРЗАЕВА,**  
**Риштон тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиғи.**

Йўлингиз тушиб, Риштонга борар бўлсангиз, туман маҳаллаларида аждодларимиз анъанасига содиқлик ва меҳр-муҳабbat руҳини кўрасиз. Таъбир жоиз бўлса, туманинг бирорта маҳалласи йўқки, кулолчилик билан шуғулланмаётган бўлса.

## Хунармандчилик санъат турига айланди

Ота-боболаримиз «Хунар – хунардан унар», дея нақл қилишади. Зеро, қўлида хунари бўлган кишининг ризқ-насибаси бутун, рўзгорига кут-барака ёғилиб туради. Оддийгина лойдан ҳайратомуз

мўъжиза яратаетган уста-кулол ҳам ҳеч қачон, ҳеч нарсага зори-қиб қолмайди. Туманинг мавжуд 69 та маҳалла фуқаролар ийғинида истиқомат қилаётган аҳолининг асосий қисми хунармандчиликнинг бу турини санъат даражасига кўтариб улгурди.

Бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Кулолчилик намуналарининг яратилиши узоқ ўтмишга бориб тақалгани учун ҳам бизнинг давримизга келиб турмушда аскатадиган сопол буюмлар санъат асарига айланмоқда. Қадимги Буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган Риштон тумани ўз кулолчилик буюмлари билан шуҳрат қозониб, Марказий Осиё бўйича ўз нуфузи, обрў-эътиборини сақлаб келади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хунармандчилик туфайли туманинг 20 га яқин номдор йирик оиласи суолола пайдо бўлди. Ҳар бир устахонада 40-50 та оила аъзоларининг доимий иш билан таъминланиши, тайёрланган маҳсулотнинг ички ва ташки бозорга чиқарилиши, ўз харидорини топиши шунчаки гап эмас, албатта. Тажрибали усталар атрофига жисплашган салкам 7 минг нафар ёш кулол ҳам вақти келиб, ана шундай суолага айланса, ажаб эмас.

## Катта сармоясиз барқарор даромад

Биласиз, қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлаш жуда мураккаб жараёндир. Давлат идораларида иш ўрни чекланган, қўлида дипломи бўлмаган кадрга иш жойи ҳам тайин эмас. Шундай бўлгач, ихтисослик талаб қилмайдиган, уқув ва малака билангина юзага чиқадиган хунармандчилик мактаблари фаолияти тўла маънода ўзини оқлади. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-кувватлаш бўйича



қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори бу жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбиркорликнинг аксарият турларига пул тикиш лозим. Банкдан кредит олиш, фоизини тўлаш, ходимларга ойлик маош, коммунал тўлов, эҳ-хе, санасак, бизнеснинг мингта ғалваси бор. Қулолчиликнинг сир-асорорини билган одам эса катта сармоясиз ҳам уни барқарор даромад манбаига айлантириб олиши мумкин.

Туманинг мавжуд маҳал-



лаларда истиқомат қилувчи 208 минг 160 нафар аҳолининг 70 фоизи кулолчилик билан шуғулланмоқда. Уларнинг ёши чегараланмаган, асосий қисми эркаклар бўлиб, пардоз-андоз жараёни кўпроқ хотин-қизлар зиммасига тушади. Ишлаб топилаётган ойлик даромаднинг 3,5 миллион сўмдан бошланиб, 5 миллион сўмгача етиши қанчадан-қанча фуқароларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини қондираётгани аҳоли бандлиги, реал даромадларини шакллантиришдаги ижобий натижага, албатта. «Қози Ахрор» маҳалласидан Сайджон Ахмедов, Равшанжон Тожиддинов, «Хўжа илғор» маҳалласидан Алишер Назиров, «Бешкапа» маҳалласидан Тоҳиржон Ҳайдаров каби таникли усталар ясаган мафтункор сопол буюмлар Европа ва Шарқий Осиё давлатларида тан олинганини ва харидорини топмоқда.

## Ўз юртида қадрланиш – чинакам баҳт

Меҳнат қиласман, рўзгор тебратаман, бунинг орқасидан юрт

равнақига, эл фаровонлигига озми-қўпми хисса қўшаман, деган киши борки, унинг эзгу нияти, албатта, рўёбга чиқади. Бунинг яққол исботини риштонлик хунармандлар ҳаёти мисолида кўришмиз мумкин. Қайси маҳаллага борманг, уста-кулол яшайдиган ҳовли бадастир, дарвозаси олдида енгил автомашина. Фарзанди ва набираларини хунарманд қилиб ўстираётган ёки олий ўқув юртларида ўқитаётган устазодалар сони йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Улар янада унумли меҳнат қилиши, жозибадор сопол буюмлар билан Ўзбекистоннинг дунё давлатлари орасидаги ўрнини мустаҳкамлаши зарур. Туман марказида 20 нафар таникли уста кулол учун барча кулагиллари бўлган замонавий типдаги мажмуа қурилишининг бошланиши ана шу мақсадга ҳамоҳангдир.

«Ўзсаноатқурилишбанк» молиявий кўмагида бунёд этилаётган мазкур иншоотда ҳар бир хунарманд учун умумий майдони 462 квадрат-метр ўлчамдаги икки қаватли бино ва музей-галереяни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун вилоят ҳокимлиги қарори билан объектга 1,1 гектар ер майдони ажратилди. Унинг қурилишига «Ўзсаноатқурилишбанк» қошидаги «SQB Capital» компанияси томонидан 19 млрд. сўм миқдоридаги маблағ сарфланниб, бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Эътиборлиси, мажмуани барпо этиш жараёнида риштонлик хунармандлар, уста кулоллар билан кенгашиб иш олиб борилди. Натижада ҳар бир тураржой ўзига хос меъморий ечимга, кулоллар дастхатига эга бўлди.

\* \* \*

Маҳалланинг нуфузини нима белгилайди? Мен бу саволга сира иккисинадан хунармандчилик анъаналари давом эттирилсаннига, ҳар қандай маҳалла гуллаб-яшнайди, аҳолиси тўқ ва фаровон яшайди, дея жавоб бераман. Бунга шубҳа қилганлар, яхшиси, Риштон тумани маҳаллаларига ташриф буюриб, уста-кулоллар ҳаёт тарзи билан танишсин.

## ДАРВОҚЕ...

«Ўзсаноатқурилишбанк» и томонидан «Хунарманд» ўюшмаси ҳамда вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда республикамизнинг 30 та шаҳар ва туманига Риштон кулолчилик мактаби тажрибасини олиб кириш, бунинг учун умумий қиймати 25,1 млрд. сўмлик 60 та лойиҳани амалга ошириш, 400 та яқин иш ўрнини барпо этиш режалаштирилган.



**Наманган ва Сирдарё вилоятларида қўғирчоқ театрлари фаолияти ташкил этилади.**

# «ИНСОНЛАР ТАШВИШИНИ ҲИС ЭТИБ ФАОЛИЯТ ЎРИТАПМИЗ»

Мирзачўлнинг жанубида жойлашган Зарбдор тумани вилоятда ўзининг иқтисодий салоҳияти, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги имкониятлари билан ажралиб турди. Туманимизнинг меҳнатсевар, танти ва мард одамлари яратиш, бунёдкорлик ишларида ҳамиша олдинги ўринларга интилади.Faқат бунинг учун уларга рафбат берилса, имконият яратилса кифоя.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар зарбдорликлар ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда. Мехнатсевар ва танти одамларимизнинг турмуш шароити, ҳаёт даражасини яхшилашга кенг эътибор қаратилиши натижасида уларда эртанги кунимизга бўлган ишонч мустахкамланяпти.

Бу борада, айниқса, маҳалла тизими фаолларининг саъй-ҳаракатларини алоҳида тилга олиш мумкин. Чунки маҳаллалар зиммасига кенг кўламли вазифалар юклитилган бўлиб, улар аралашмайдиган аҳоли муаммоларининг ўзи йўқ. Бунгунки кунда туманимизда жами 22 та фуқаролар йигини мавжуд бўлиб, уларда 86900 минг нафар аҳоли, 13597 та хонадон, 18569 та оила истиқомат қиласди. Албатта, ҳар бир инсоннинг ўзига яраша дард-ташвиши, муаммоси бор. Улар билан шуғулланиш эса маҳалла фаолларидан жиддий масъулият, улкан гайрат-шижоатни талаб этади.

## Қўмак бериш кундалик дастуримизга айланган

Киши бирор нарсага муҳтоҷлик сезиб қўмак истаса, биринчи тақиљатиб борадиган эшиги маҳалла бўлади. Чунки унинг дардини ўзи билан бир жойда яшаб турган одамдан бошқа бирор чуқур ҳис эта олмайди. Шу маънода маҳалла нафақат ёрдам сўраб келаётган инсонларга ёрдам қўлинни чўзяпти, балки ўз ташвишини билдиришга ийманадиган ёки кимдан мадад олишни билмай қийналаётган инсонларни аниқлаб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш чораларини кўради.

Шундай ўрганишлар натижасида жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, туманимизда 242 та кам таъминланган, 28 та нотинч, 237 та бокувчисини йўқотган оилалар, 739 нафар ногиронлиги бўлган шахслар, 18 нафар ёлғиз кексалар, 45 нафар оғир ижтимоий вазиятта тушиб қолган хотин-қизлар борлиги қайд этилди. Уларга тизимли ёрдам қўрсатиш, тегишли шароит-

ларни яратиб бериш тизимимизда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг кундалик дастурига айланган.

## «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили – амалда

Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифа – «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамоилига асосланган янги тизимни жойларда жорий этиш мақсадида туманимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан, «Маҳалла маркази» биноси курилиб фойдаланишга топширилгани фикримиз исботидир. Айни дамда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» тамойили бўйича қилинадиган бунёдкорлик, ободонлаштириш юмушлари кенг кўлам касб этган.

Ўрганишлар натижасида туманимиздаги 1062 та эҳтиёжманд хонадонлардан 35 таси (якка тартибда 25 та, кўп қаватли уйларда 10 та) таъминалаблиги аниқланган бўлса, шу кунга қадар 15 та (якка тартибда 13 та, кўп қаватли уйларда 2 та) хонадонлар таъминалаб берилди. Айни дамда бу ишларни охирига етказиш, қўмакка муҳтоҷ оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатлар давом эттирилаётir.

## 100 дан ортиқ фарзандларнинг етим бўлиб қолишига йўл қўйилмади

Муқаддас қадрият бўлган оиласа енгил-елти қараб бўлмайди. Аммо ёшларда ҳаётй тажриба камлиги бу борада айрим муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу маънода бу масалада тарғибот ишларини кучайтиришга эътибор қаратяпмиз.

Алоҳида таъкидлаш керакки, олиб борилган амалий ишлар туфайли туманимизда эрта никоҳ холатлари қайд этилмади. Ажралиш ёқасига келиб қолган оилалар 11 та бўлса, шундан 4 таси яратирилиб, 4 нафар вояга етмаган фарзандларнинг отасиз бўлиб ўсишининг олди олинди. Рақамларга эътибор қаратсан, жорий йилда 35

та оилавий ажралиш қайд этилган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 1 тага камайган.

Туманда Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича ҳар бир маҳаллада комиссия аъзолари бўлиб, шу кунгача 52 тадан ортиқ оилалар яратирилиб, 100 дан ортиқ фарзандларнинг етим бўлиб қолишига йўл қўйилмади. Шундай бўлса-да, бу борада муаммолар етарли. Кўрилган чораларга қарамай, оилавий ажралишлар юзага келгани кўнгилни оғритади. Демак, бу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш талаб этилмоқда.

## Ишли аёл – тишли аёл

Давлатимиз томонидан сўнгги пайтда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясига улкан эътибор қаратилмоқда. Маълумки, бу борада уларнинг бандлигини таъминлаш оқилона ечимдир. Қайд этиш лозимки, маҳалла тизими вакиллари ушбу муаммога ечим топиш мақсадида тинимсиз изланмоқда. Жумладан, жорий йил март ойидага 26 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларнинг рўйхати шаклантирилган бўлса, ўтган давр давомида 20 нафари иш билан таъминланди. Қолганларига ҳам керакли ёрдамлар берилди.

«Микрокредитбанк» АТБ Зарбдор филиали томонидан Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит олиш истагида бўлган 6 нафар хотин-қизларга 199000 млн. сўм кредитлар ажратиб берилди. Ойбек номли маҳалла худудида ишга тушган нон ва музқаймоқ ишлаб чиқариш ҳусусий корхонасида 5 нафар «темир дафтар»га киритилган оиладаги хотин-қизлар иш билан таъминланди. 4 нафар хотин-қизга тикув машиналари олиб, иш бошлаши учун кредитлар олишларига қўмаклашилди.

Шу билан бирга, туман ахолини бандлика қўмаклашиш маркази ҳамда «Қалб нури» ННТ томонидан март-май ойларида хунармандчилик, тикувчилик, компютер, сартарошлиқ йўналишларида 116 нафар ишсиз хотин-қизлар касб-хунарга ўқитилди. Бундан ташқари, Лалмикор қишлоқ фуқа-

ролар йигинида яшовчи бокувчи-сиз оиланинг қизи Баҳтигул Ашуррова туман касб-хунар мактабига компьютерчи вазифасига ишга жойлаштирилди. Яна шу худудда истиқомат қилувчи Ашурбуви Матбобоевага чорвачилик йўналишида 20 млн. сўмлик, Байрам Қаршибоевага 15 млн. сўмлик имтиёзли кредит олишига ёрдам берилди.

Маҳаллаларда «Аёллар дафтари» тутиш йўлга қўйилган бўлиб, унда 215 нафар ишсиз хотин-қизлар рўйхатлари шаклантирилган. Шундан 41 нафари камбағал, 75 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, 36 нафар бокувчини йўқотган, 15 нафари ажраштан, 4 нафари ёлғиз, 16 нафари ногиронлиги бор, 19 нафари ногирон фарзанд тарбиялаётган, 4 нафари нотинч оиласда яшаётган, 5 нафари чет давлатдан қайтиб келган хотин-қизлардир.

Туманимизда ёрдамга муҳтоҷ бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-кувватлаш, ишсиз хотин-қизлар орасида бандлика қўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш фаолиятини олиб бориши борасида қатор ишлар амалга оширилди. Мисол учун, ёрдамга муҳтоҷ бўлган оғир вазиятга тушиб қолган «Янгиобод» маҳалласида яшовчи, 1 нафар вояга етган фарзанди бор Суймаҳол Каттабековага 2 хонали уй-жой қуриб берилган бўлса, «Тарақиёт» маҳалласи Олтинсой қишлоғида яшовчи фуқаро Маматмусо Қурматовга уй қуриши учун 2 тонна, ҳомийлар томонидан 500 кг. цемент олишига амалий ёрдам берилди. Бу каби мисолларни яна узок давом давом эттириш мумкин.

Умуман олганда, туманимиз маҳаллалари мисолида юртимиздаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги ўрни мустаҳкамланиб бораётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу эса Ватан ичра кичик ватан бўлган маҳаллаларимиз янада обод ва файзли бўлиб, халқимиз фаровонлиги юксалишига муносиб ҳисса кўшаётганидан далолат.

Тўлқин ҚОДИРОВ,  
Зарбдор тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиғи.



«Огоҳ фуқаро» электрон тизими яратилади.

# ОБОДЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК – ТИНЧЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Т**оғлар бағрида жойлашган Фориш туманининг ўзига хос хушманзара, саховатли табиати самимий ва меҳмондўст одамлари қалбига ҳам кўчгандек таассурот уйғотади. Машхур «Чинор остидаги дуэл» фильмида беғубор, соддадил, ориятли форишликларнинг акс эттирилгани бежиз эмас. Бунинг устига, тумандошларимиз ҳар бир ишни аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва ҳамфирклиқда амалга оширишлари билан ҳам ажралиб туришади.



**Юлдаш КЕНГАШЕВ,**  
Фориш тумани ҳокими ўринбосари,  
Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиғи.

Тинчлик бор жойда – барака бўлади, деб бежиз айтишмайди. Халқимиз айнан шу ақидага амал қилиб яшайди. Турмушимиздаги файзу барака ҳам шундан, десак адашмаган бўламиз. Аҳамиятлиси, бу тамойил бугунги кунда маҳаллалар фаолиятининг асосига айланган. Яъни «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили барча худудларда ишламоқда, хусусан, Форишдаги маҳаллаларда ҳам. Туманимизда мавжуд 25 та маҳалла фуқаролар йигинининг ҳар бирида раис ва унинг 3 нафар ўринбосарлари фаолият кўрсатади. Уларнинг бутун иш жараёни ўз худудида тинчлик-осойишталик, ўзаро дўстлик, бирдамлик, тотувлик муҳитини яратиш, ободликни таъминлашга қаратилган.

## Хукуқий тарғиботга жиддий эътибор қаратилмоқда

Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-кувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу йўналишдаги ишларимизда дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан туман Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими, ички ишлар бўлими, адлия бўлими, фавқулодда

вазиятлар бўлими, маънавият ва маърифат маркази ҳамда «Ватан-парвар» ташкилоти туман кенгashi томонидан «Маҳаллаларда хукуқий тарғиботни мустаҳкамлаш ва аҳолининг хукуқий билимини ошириш, хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган қўшма чора-тадбирлар» режаси тасдиқланиб, тегиши вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, жиноятчилик ва хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда фуқаролар йигинлари раислари, уларнинг хукуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосарлари (профилактика инспекторлари) ва масъул ходимлар билан ҳамкорликда туманинг ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овлуларида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Хукуқбузарликлар профилактикаси куни» тадбири ўтказилиб, аҳолининг хукуқий онгини ошириш мақсадида «Очик эшиклар куни» ташкил этилади. Шунингдек, корхона, ташкилот, таълим ва мактабгача таълим мусасаларида жиноятчилик ва хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда жиноятларни тезлиқда фош этиш юзасидан тарғибот ишлари ўтказилмоқда.

## Криминоген вазияти оғир маҳаллаларда керакли чоралар амалга ошириляпти

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг шу кунига қадар туман бўйича содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 тага (56/54) камайганига гувоҳ бўламиз. Албатта, бу мақтанарли кўрсаткич эмас. Энг асосийси, барча йўналишлардаги ишларимиз самарадорлигини таъминлаш орқали маҳаллаларда хукуқбузарлик ва жиноятларни камайтиришга эришишни мақсад қилганимиз.

Криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда профилактика инспекторлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ходимлари маҳалла раислари ҳамда «Фидоркор ёшлар» жамоатчилик патруль



гурухлари аъзоларининг жиноятларни жиловлаш борасидаги фаолияти ташкил этилган. Бугунги кунда «Эгизбулоқ», «Хонбанди», «Ўзбекистон», «Боғдон» ва Эргаш Камолов номли маҳаллалар криминоген вазияти оғир бўлган йигинлар деб топилган бўлиб, мазкур ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш учун керакли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, уларда истикомат қилувчи 141 нафар фуқаро иш билан таъминланди, 13878 та хонадонларда ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, 362 та кам таъминланган оиласарга ёрдам кўрсатилди ҳамда 181 нафар оиласарга Call-марказ орқали кўмак берилди.

Туман ИИБ билан содир этилган ҳар бир жиноят юзасидан мунтазам равишда ўрганиш амалга оширилиб, уларни бартараф этиш бўйича таҳлил қилинмоқда. Маҳаллалардаги спиртли ичимликка ружу кўйган шахслар, гиёхвандлар, руҳий касаллар ва ИИБнинг про-пация бўлимида бўлган шахсларни ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда назоратга олиб, уларга мураббийлар тайинлаб, тузалиш ўйлига ўтиш чоралари қўрилмоқда.

## Нуронийлар – ибрат намунаси

Ёшларни кексаларга хурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳаёт йўлларидан ибрат олишга ўргатиш кўплаб салбий ҳолатларни йўқотишига хизмат қиласди. Жумладан, тарбияси оғир ёшлар билан ишлашда ҳам ижобий самара беради. Шундан келиб чиқсан ҳолда, ётғоялар таъсирига тушган, адашган ёшларнинг 3 нафарига, профилактик ҳисобда турувчи, хукуқбузарлик содир этишга мойил ёшларнинг 22 нафарига, ажрим ёқасига келиб қолган, нотинч оиласардан 48 тасига, ёлғиз аёлларга ёрдам кўрсатиш учун аниқланган оиласардан 45 тасига кекса авлод вакиллари бириктирилган.

Айни дамда кексаларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам жиддий

эътибор қаратилмоқда. Жумладан, эҳтиёжманд қарияларни коронавирус пандемиясидан сақлаш мақсадида 4 нафар Иккинч жаҳон уруши қатнашисига 1325,2 минг сўмлик, 23 нафар фронторти меҳнат фахрийларига 2200,0 минг сўмлик, 3 нафар ҳалок бўлган жангчи оиласига 510,0 минг сўмлик, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ якка-ёлғиз кексаларнинг 22 нафарига 288,0 минг сўмлик, ногиронлиги бўлган, ётиб қолган, кам таъминланган оиласарда яшовчи 39 нафар пенсионерларга 3515,0 минг сўмлик озиқ-овқат ва тиббиёт ниқоблари тумандаги ҳомийлар ҳамда 11-97-Call-марказ томонидан ўйларига етказиб берилди.

Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими, Жисмоний тарбия ва спорт бўлими, Ёшлар Иттифоқи ҳамкор ташкилотлари томонидан «Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам» шиори остида карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилган тадбирда 100 нафардан ортиқ ёшлар, 50 нафардан ортиқ кекса фахрийлар иштирок этиши.

Тадбирда фаол иштирак этган нуронийлар ва ёшлар ҳамкор ташкилотлар томонидан тақдирланди. Жумладан, «Гараша» маҳалла фуқаролар йигинида яшовчи 84 ёшли Абдусаттор Кодиров, «Нурак» маҳалла фуқаролар йигини худудидаги Юқори Байрам қишлоғида истикомат қилувчи 80 ёшли Тули Кунишев, 82 ёшли Асат Маматов, 80 ёшли Рамат Норматов, 70 ёшли Баҳтиёр Шахаров, 78 ёшли Норкозок Темирбоев каби нуронийлар «Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам» шиори остида юришни канда қилмайдилар. Бу эса ёш авлод вакиллари учун чинакам ибрат намунасига айланмоқда.

Дарҳақиқат, соғлом муҳит, тўғри ҳаёт тарзи қарор топган жойда ҳеч қандай кўнгилсизликлар, қийинчиликларга ўрин қолмайди. Шу маънода тизимимиз вакиллари, маҳаллалардаги фаолларимиз айни шу жиҳатга бор эътиборларини қаратишмоқда.



**Қўқонда миллий ҳунармандчилик ва туризм маркази барпо этилмоқда.**

**М**ирзачүл тумани деганда, күз олдимизга миришкор деңқонлар, уста пахтакорлар келади. Ростини айтганда, худудимизда қишлоқ хўжалиги билан бирга, бошқа соҳалар ҳам кенг ривожланиб бормоқда. Чунки бутунги кунда битта соҳага боғланиб яшаб бўлмайди. Ҳозирги тезкор ва техника ривожланган даврда илғор замонавий технологияларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш мушқул. Шу маънода мирзачўлликлар замон талабига мос тарзда интеллектуал билимлар асосида ишлаш, бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг аҳамиятини чуқур тушуниб бормоқдалар.



# ҲАРАКАТ ВА АМАЛИМИЗ УЛУҒВОР МАҚСАДЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН



Сарвиноз РАВУФОВА,  
Мирзачўл тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) Ўзбекистон офиси, «Good Neighbors International» НИТ, Мирзачўл тумани ҳокимлиги ҳамкорлигига «Жиззах вилояти Мирзачўл туманида ахолининг тадбиркорлик салоҳиятини ошириш орқали бандлигини таъминлаш ва бизнес стартапларни ишга тушириш» лойиҳасини амалга оширишга киришилгани бу борада янада ижобий натижаларга эришиш имконини бermоқда. Ушбу лойиҳа республикада илк бор бизнинг туманимизда татбиқ этилаётгани алоҳида фахр бағишлади.

Айни кунда шу мақсадда туман маданият маркази биносининг 7 та хонасидан бегараз фойдаланишга рухсат берилиб, ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, «Good Neighbors International» НИТ иштироқида туман ҳокимлигига худудда ишсиз аёллар бандлигини таъминлаш, уларни тикувчилик, қандолатчилик, иссиқхона, мева-сабзавотларни ва сутни қайта ишлаш йўналишлари бўйича касбга ўқитиш масалалари муҳокама қилиниб, мўлжалланган вазифалар белгилаб олинди. Албатта, туманинг тадбиркорлик ва бизнес салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи мазкур лойиҳа истиқболли ривожланиш имконларини кенгайтириши шубҳасиз.

## Ҳаётга йўл оиласидан бошланади

Оиласар мустаҳкамлиги – жамият мустаҳкамлиги белгисидир. Бунинг учун уларни ҳам ижтимоий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳимоялаш керак бўлади. Бутунги кунда айни шу масала маҳалла тизими вакилларининг дикқат-эътиборида. Шу мақсадда, биринчи навбатда, кам таъминланган, доимий даромадга эга бўлмаган оиласарга ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Ҳусусан, шу тоифадаги хонадонлардан 27 тасига коммунал тўловлар бўйича мавжуд қарздорлиги тўлаб берилди. Кам таъминланган 800га яқин оила эса карантин вақтида туман хайрияларни мувоғиқлаштириш марказидан озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Айни дамда «Софлом оила – соғлом жамият» концептуал гоясини ҳаётга татбиқ этиш, оиласар қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оиласар ажралишларнинг олдини олиш, намунали оиласарнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган тадбирлар уюштириляпти. «Ибратли оила» туман масоғавий кўрик-танлови шулар жумласидан. Ўнда қатнашган 11 та оиласидан ҳар бирининг ролик, аннотация ва альбомлари ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, 1-, 2-, 3-ўрин соҳиблари ва «Энг фидойи бувижон», «Маҳалла фахрийлари», «Энг меҳнатсевар фермер», «Энг изланувчан оила», «Энг яхши дурадгор», «Энг яхши тадбиркор», «Энг инновацион оила» каби номинациялар совриндорлари аниқланди.

«Оиласар баҳти – ўз қўлимда» ойлиги доирасида ҳаёт қийинчиликларини енгилб, ҳар қандай шароитда оиласини асраб қолиб, бутун оила бирдамлигига эришган оиласарнинг 25-40 ёшдаги уй бекалари ўртасида «Оиласар – мустаҳкам қўргоним» мавзуси доирасида иншолар танлови ташкил этилди. Танловда 3 нафар ғолиб деб топилган уй бекаларига тан-

ловнинг вилоят босқичига йўлланмалар берилди.

Аҳамиятлиси, бу йўналишда амалга ошираётган ишларимиз самарасини бормоқда. Туманимизда оиласар ажралишлар 1 ноябрь холатига 25 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24 тага камайгани, ажралиш ёқасига келган, фуқаролик судларига ариза берган 7 та оила яратширилгани фикримиз исботидир. Шу билан бирга, бу йил эрта туғуруқ ва эрта никоҳ ҳолатлари қайд этилмади.

## Тарбиявий тадбирлар жиноятчиликларнинг олдини олмоқда

Маҳаллаларимизда жиноятчиликка қарши қураш, уларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Бу борада ёши улуғ инсонларнинг тарбиявий таъсир кучидан фойдаланишимиз, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, туман Нуронийлар масканида 10 та фуқаролар йигинидан 28 нафар нуроний отаҳонлар иштироқида ташкил этилган тадбир давомида жиноятчиликка мойил, профилактик ҳисобда турган ёшлар, нотинч оиласар ҳамда уларнинг фарзандлари ва ажралиш ёқасига келиб қолган оиласар билан сұхбатлар олиб борилди.

Яна бир оғрикли жиҳат, хотин-қизлар ўртасида жиноятга қўл уриш ҳолатлари учраб турибди. Ўтган давр мобайнида улар томонидан 8 та жиноятчилик ҳолати содир этилгани бунинг исботидир. Ҳозирда уларнинг ҳар бирига алоҳида мураббий биринтирилган, манзилли ишлар олиб борилмоқда.

## Нуронийлар дуоси – эл муддаоси

Дарҳақиқат, нуронийлар юртимизнинг файзи ва фаришталаридир. Уларнинг дуолари сабаб ҳаётимизга кутбарака ёғилади, қалбларимиз нурга тўлади. Шу боис бу табаррук зотларни ҳар қанча ардоқласак, эъзозласак, шунча оз. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 май-

даги қарори билан тасдиқланган «Кексаларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш доирасида чора-тадбирлар» дастури доирасида керакли ишларни амалга ошириш жараёнида буни тўлиқ ифодалашга ҳаракат қиляпмиз.

Жумладан, туман Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш ва Маданият бўлимлари ҳамкорликда июль оидан бошлаб ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари кечки пайт «Эҳтиром, эъзоз, эътибор» концерт дастурлари ташкил этилиб келинмоқда. Шунингдек, жорий йил 28 ноябрь куни тумандаги кекса авлод вакилларидан 35 нафари иштироқида Самарқанд шаҳрининг дикқатга сазовор жойлари ва муқаддас қадамжоларига уюштирилган саёҳат уларга бир олам таассурот бағишилади.

Бундан ташкири, уларнинг саломатлигини таъминлаш, фаоллигини ошириш мақсадида тумандаги «Мустақиллик» маҳалласи худудида жойлашган «Алномиш», «Дўстлик» маҳалласи худудида жойлашган 1-сонли мактаб ҳамда Нуронийлар масканида, шунингдек, спорт комплексларида доимий 5 кишидан иборат соғломлаштириш гурухлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан кексалар соғлигини мустаҳкамлайдиган жисмоний машғулотлар олиб борилмоқда. Қолаверса, туманда мавжуд 12 та фуқаролар йигинидан «Кексалар маслаҳати» гурухлари бошчилигида «Ҳар куни 5 минг қадам» шиори остида мунтазам олиб борилаётган 5 минг қадам юриш ишлари ҳам бу борада фойдали бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, туманимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, ҳалқимиз турмуш даражасини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишни маҳалла тизими вакиллари ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйишган. Улуғвор ниятларга йўғрилган фаолиятимиз орқали бу борада етарли натижаларга эришиш энг асосий муддаомиздир.

# НУРОНИЙЛИК ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

**О**датда кексалар деганда, мункиллаган, кунда-кунора шифокор күргида, фақат тоат-ибодат билан машғул инсонлар күз олдимизга келади. Тұғри, қаричилик — тақдир. Ҳаммани ҳам шунга етказсин. Фарзандлар, набираларни дуо қилиб, үз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, уларга тұғрий үйлі күрсатыб, панд-насиҳат қилиб яшашга нима етсин. Аммо бир қызық гап айтаман. Бизнинг Янгибозорда кексалар йўқ. Фахрийларимизнинг барисини кўнгли ёш. Ишлари ёш. Доимо туманимга, одамларга фойдам тегсин, деб тиниб-тинчимайдиган, ғайратли, шижаотали инсонлар. «Берсанг ейман, урсанг ўламан», деб ҳаракатсиз ётган, айрим эрта қариган ёшларимизга ўрнак бўладиган кишилар.



Феруза РЎЗМЕТОВА,  
Янгибозор тумани ҳокими ўрин-  
босари, Маҳалла ва оиласи қўл-  
лаб-кувватлаш бўлими бошлиғи.

## Бадантарбия — саломатлик гарови

Ишонмасангиз, тонг сахарда туманимизга келинг, маҳаллалардаги стадионлар, спорт билан шугулланиш учун ажратилган майдонларда фахрийлар ёшлар билан тенгма-тенг машқ қилаётганининг гувоҳи бўласиз. Зоро, Президентимизнинг «Софлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони асосида Янгибозор туманидаги барча маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан шуғулланиш йўлга кўйилган. Бу жараёнларни ташкиллаштиришга туман ҳокимилиги, бошқа тегишли ташкилотлар билан бир қаторда Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими ҳам ўз хиссасини кўшмоқда.

Масалан, «Олтинқўл», «Янгиёт» ва бошқа маҳаллаларда эрталабки бадантарбия машқлари оммавий тадбирларга айланаб кетади. Маҳалла фаоллари, шифокорлар, спортчилар бу жараёнларга бошқош. Улар ахолига тұғри овқатлашиш ва соғлом турмуш тарзини тұғри ташкил этиш борасида маълумотлар тақдим қилади. Бу каби ҳаракатлар, албатта, ўз натижаси-ни беради.

Биласизки, жорий йил октябрь ойида «Кексалар ҳафталиги» ташкил этилди. Ҳафталик доираисида ўтказилган тадбирлар ва ло-

йиҳаларга туман маҳаллаларидан **400** нафардан зиёд фахрийларнинг иштирок эттани ҳам уларнинг нақадар фаол эканидан далолат.

## «Кексалар маслаҳат гуруҳи» ташаббус кўрсатмоқда

Кекса ва фахрийларнинг ижтиёмий фаоллигини ошириш мақсадида маҳаллалардаги «Кексалар маслаҳат» гуруҳи фаоллари томонидан кўплаб ташаббуслар илгари суримоқда. Бу гурухимиз аъзолари нотинч оиласарга бириктирилган. Ёшларга тұғри үйлі күрсатыб, оиласарнинг бутлигини саклашга кўмаклашмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил май ойидаги тегишли қарорига кўра, «Нуронийлар жамоатчилик кенгаши» ҳамда ҳар бир маҳаллада 7-10 кишидан иборат «Кексалар маслаҳат гуруҳлари» ташкил қилинган. Ушбу кенгаш ва гурух аъзолари профилактик хисобда турган ёшлар, нотинч ва ноқобил оиласарга мураббий сифатида бириктирилди. Улар билан манзилли равиша индивидуал сухбат ва профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Бир мисол айтаман. Яқинда туманинг чекка қишлоқларидан бирида қайнона-келин ўртасидаги жанжал, келишмовчилик сал қолса, оиласанинг бузилиб кетишига сабаб бўлаётди. Келин ёш чақалогини олиб, ота-онасиникига кетиб қолди. «Кексалар маслаҳат гуруҳи» аъзолари шу оиласа бўлиб, вазиятни аниклаштиришди. Маълум бўлишича, жанжал оддий майда гаплардан келиб чиқкан. Нима эмиш, келин ўз вақтида ҳовлиларни супирмас, овқатни вақтида пиширмас экан. Ваҳоланки, хонадонда бўйга ётган икки қайнисингил ҳам яшайди. Келинчакнинг эса 5 ойлик чақалоги бор. Қайнона билан обдон сухбатлаштан гурухимиз аъзолари оиласи яраштиришга муваффак бўлишиди. Қайнисингилларга насиҳатлар кор қилди, чоғи. Оиласа тинчлик, тутувлик қайтди.

Умуман, ахолимизнинг 8 минг 288 нафари нуронийлар хисобла-



нади. Шундан 4 минг 954 нафарини аёллар ташкил қилади. Бир нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бор. Фронторти қатнашчилари сони 65 нафарга етади. Якка-ёлғиз нуронийларимиз эса 13 нафарни ташкил қилади.

Уларнинг холидан мунтазам рашида хабар олиниб, хонадонларида ободонлаштириш ишларида кўмаклашиляпти. Тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда саломатликлари назорат қилиниб келинади. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 апрелдаги 317-сонли қарорига асосан, қатор фахрийларга ҳар ойда 15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва 4 турдаги гигиеник воситалар етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, Ҳалқаро хотин-қизлар куни муносабати билан 10 нафар нуроний онахонга, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан 17 нафар фронторти қатнашчиларига 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

## Саёҳатлар фойдадан холи бўлмади

Фахрийларимизни тарихий жойлар билан таништириш мақсадида тез-тез саёҳатлар уюштириб турилади. Жорий йил пандемия муносабати билан кўшни вилоятлар, юртимизнинг олис жойлардаги диккатга сазовор масканларига саёҳат қилишнинг имкони бўлмагани туфайли карантин чоралари юмшатилган пайтда бир гурух нуронийларимиз Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳига олиб борилди. Саёҳат давомида ташкилотчилар томонидан нуронийлар учун дастурхон ёзилди. Келгуси йили эса Самарқанд, Бухоро, водий вилоятлари ва Сурхондарёнинг диккатга сазовор масканларига саёҳатлар уюштириш режалаштирилган.

## «Темир дафтар»даги оиласар фаолияти ўрганилди

Албатта, Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ҳамда вазирлар талаблари асосида иш олиб бормоқда. Аминмизки, саъй-ҳаракатлар камбағалликни камайтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ёшлар, хотин-қизлар ҳукуқларини самарали таъминлаш каби турли жабҳаларда ўз натижасини беради.

ишлашдан иборат эмас. Фаолиятимиз жуда сертармоқ ва масъулиятлидир. Аҳолини иш билан таъминлаш, касбга ўқитиш, камбағалликни камайтиришдан тортиб, ёшлар ва аёллар ҳукуқларини таъминлаш ҳам вазифаларимиз сирасига киради.

Мисол учун, куз ойларида бўлимимиз томонидан «темир дафтар» рўйхатига киритилган оиласар ўрганиб чиқилди. Уларни камбағалликдан чиқариш бўйича аввал тақдим қилинган кредит, имтиёз ва имкониятлар самараси ўрганилди.

Масалан, Ҳунармандлар уюшмаси масъул ҳодимлари билан ҳамкорликда «Боғолон» ва «Қадрият» маҳаллаларида яшовчи «темир дафтар»га киритилган оиласарнинг хотин-қизларини ҳунармандчиликка кенг жалб қилиш мақсадида 3 ойлик ўқув курслари ташкил қилинди. Натижада ўтган давр мобайнида 20 нафардан зиёд хотин-қиз тикувчилик, пазандалик, аёллар сартароши касбларига ўқитилди. Улар ўз яшаш худудига яқин корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. Масалан, «Боғолон» маҳалласида яшовчи Фарида Ёкубова тикувчилик йўналиши бўйича 7 нафар хотин-қизни ўқитиб, ўз корхонасига ишга олди. «Қадрият» маҳалласидан Мавлуда Худайберганова эса «Йўлдошбек-Чарос» оиласий корхонасида 5 нафар хотин-қизни аввал шогирд сифатида ўқитиб, сўнгра ишга олди.

Бундан ташқари, касб ўрганаётган хотин-қизларнинг ҳар бирiga Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида стипендиялар бериш йўлга кўйилган.

Умуман олганда, туманимизда Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ҳамда вазирлар талаблари асосида иш олиб бормоқда. Аминмизки, саъй-ҳаракатлар камбағалликни камайтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ёшлар, хотин-қизлар ҳукуқларини самарали таъминлаш каби турли жабҳаларда ўз натижасини беради.

**X**ар қандай тузилманинг самарали ишлаши учун моддий-техник базанинг мукаммал бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Худди шундай маҳалла тизимида ҳам. Зеро, компьютер технологиялари, зарур дастурий таъминот ва алоқа тизими билан таъминланмаган маҳалла иши самарали бўлмайди. Шу маънода Құшкүпир туманида маҳалла фуқаролар йигинларини зарур техник воситалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Масалан, жорий йил октябрь ойида туман ҳокими томонидан худуддаги 50 та маҳалла раисларининг ҳар бирiga компьютер тўпламлари топширилди.



# БАНД ОДАМ БЕКОР ЮРМАЙДИ, ЎЗ БАХТИНИ ЯРАТАДИ



Рұзимбой ДҮСЧАНОВ,  
Құшкүпир тумани ҳокими ўринбосари,  
Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

## Тадбиркор аёллар қанча иш ўрни яратди?

Яңги имкониятлар худуддаги аҳолининг, айниқса, аёллар ва ёшларнинг ҳақ-хуқуқларини самарали ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Туманда «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни тизимли равишда ташкил қилиш учун махсус штаб ташкил қилинди. Октябрь ойида ишчи гурӯх аъзолари худуддаги барча маҳалла фуқаролар йигинлари раислари ҳамда ўринбосарлари иштироқида ўқув семинари ўтказилди. Унда маҳаллаларда ишчи гурӯхни шакллантириш тартиби ва унинг фаолияти қандай ташкиллаштирилиши лозимлиги юзасидан маълумот берилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш – асосий вазифалардан. Зеро, оиласи, маҳаллаларнинг тинч-тотувлиги учун одамлар барқарор даромад манбаларига эга бўлиши керак. Таҳлиллар оиласи, даги муаммолар, ажralишлар, жиноятчилик, жанжалларнинг асосий қисмига айнан ишсизлик, бекорчилик сабаб бўлаетганини кўрсатмоқда. Шу боис Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бу масалага алоҳида эътибор қаратган.

Айниқса, хотин-қизлар банд-

лиги доимий эътиборда. Ҳусусан, худудда 1 октябрь ҳолатига кўра, 1 минг 238 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 675 нафари бўш иш ўринларига жойлаштирилган бўлса, 86 нафари кооперативларга бириклирилди. Томорқа ҳўжаликларида иссиқхоналар ташкил қилиш орқали эса 76 нафар аёл ишли бўлди.

Бу ўринда турли лойиҳа ва дастурлар асосида тадбиркорликни ташкил қилиш учун ажратилган кредитлар салмоги ҳам катта. Бугунги кунда мазкур усул билан ишга жалб қилинганлар 346 нафарни ташкил қилмоқда. Йил мобайнида тадбиркор сифатида рўйхатга олинган хотин-қизлар сони эса 500 нафарга яқинлашди. Улар томонидан 512 та янги иш ўрни яратилганини эса алоҳида таъкидлаш керак.

## Иш берувчи ҳам, ишчи ҳам бирдек манфаатдор

Касаначилик, ҳунармандчилик, устоз-шогирдлик анъаналари асосида ҳам аёллар бандлиги таъминланмоқда. Ҳусусан, жорий йилда туманда айни йўналишларда 200 нафарга яқин опа-сингилларимиз ишли бўлди. Айтиш керакки, биргина касаначилик – иш берувчи учун ҳам, ишчи учун ҳам бирдек манфаатли бўлмоқда. Бугунги касаначи кечагисидан тубдан фарқ қиласди. Унга шунчаки рўйхатда қайд этилиши учун эмас, балки ишлаб, меҳнатига яраша ҳақ олиши, эртанги кунини ўз қўли билан яратиши учун кенг имконият берилди. Эртага нафақага чиққанида ҳам шунчаки кексалик пенсиясига эмас, балки тузуккина мояна билан нафақага чиқиши кафолатланмоқда.

Яна бир рақам: 2020 йилнинг

ўтган даври мобайнида паррандачилик, тикувчилик, чорвачилик, пазандалик, иссиқхона ва тандирхоналар фоалиятини йўлга қўйиш, ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш, ёрдамга муҳтоҷ оиласар учун майший техника воситалари олиш учун 266 млн. сўм, 4 та хонадонни таъмирлаш учун 40 млн. сўм маблағ ажратилди.

Шу ўринда, ҳалқимиз «етти хазинанинг бири» деб билган товуқ парваришилаш бўйича ту-



ман аёллари ўзига хос тажриба яратишган. Тўғриси ҳам, товуқ парваришиланган хонадонда гўшт, тухум муаммоси бўлмайди. Аксинча эҳтиёждан ортиғини сотиб, даромад ҳам топиш мумкин. Боз устига, бизнеснинг ушбу турини йўлга қўйиш учун катта жой, кўп харажат талаб қилинмайди. Буни яхши англаган худуд аёлларининг аксарияти 50-100 тадан парранда олиб, бугун яхшигина даромад кўрмоқда.

Шунингдек, «темир дафтар»га киритилган кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аёллар «Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази»да ўқитилиб, уларга маҳсус сертификат ва банкка тақдим этиш учун тегишли тавсиянома берилмоқда. Ҳозирги кунда «Халқ банки»нинг туман филиали томонидан 223 миллион сўм, «Агробанк» томонидан 210 миллион сўм маблағ айни йўналишга йўналтирилган.

## Уйи борнинг – уйи йўқ

Бир ҳақиқат бор: дунёдаги жамики аёллар ўз уйи, бошпана-си бўлишини, унда оиласи билан шоду хуррам, хотиржам ҳаёт кечиришни истайди. Аммо тақдир тақозоси билан турли сабабларга кўра, айрим аёлларда бундай имконият бўлмайди. Туманимизда ҳам жорий йилда уй-жой сўраб 64 нафар аёлдан аризалар келиб тушган. Айни йўналишдаги ишлар ҳам доимий эътиборимизда.

Жумладан, 2 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, боқувчисини йўқотган ва ногирон фарзанди бўлган хотин-қизларга уйларнинг бошланғич тўлови тўлашиб, Шовот туманидан уй олиб берилди. 15 нафар фуқаронинг мурожаати вилоят ишчи гурӯҳи аъзолари билан биргаликда ўрганилганда, иккита оила уй-жой учун бошланғич ва кейинги тўловларни амалга ошириш

учун ҳақиқатда имкони йўқлиги ҳисобга олиниб, уларга Құшкүпир шаҳарчаси «Ёвғир» маҳалласидан бепул уй-жойлар қуриб бериш учун ер майдони ажратилди. Яна икки ҳолатда оиласарни бепул тураржой билан таъминлаш учун 400 кв.метр ер майдони ажратилиб, қурилиш учун бош пудратчи танланди.

Шунингдек, уй-жой бўйича 8 нафар аёлнинг мурожаати вилоят ишчи гурӯҳи томонидан ўрганилиб, Урганч шаҳрида қурилаётган кўп қаватли уйлардан олиш учун тавсия қилинди. Қолган барча мурожаатлар туман комиссиясида кўриб чиқилиб, 2021 йилда қурилиши режалаштирилган уй-жойлардан бериладиган бўлди.

\* \* \*

Умуман олганда, худудда амалга оширилаётган ишлар нафақат аёллар, балки аҳолининг барча қатламлари манфаатини таъминлаш, уларга зарур шарт-шароитлар, кулагилклар яратиш, одамлар розилигини олишга йўналтирилган.



Пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш режалаштирилмоқда.

**X**ар қандай ташкилотда ишларни самарали үйләгүү үчүн, аввало, ходимларга қулай шароитлар, имкониятлар яратилиши лозим. Шундан сүнгтина натижада талаб қилиш мүмкүн. Бу, айниңса, бугунги ахборотлашган замонда долзарблик касб этмоқда. Ходим давр билан ҳамнафас юриши, ўз устида мунтазам ишлаб, ривожланиб бориши учун, албатта, компьютер технологиялари, интернет, бошқа алоқа воситалари, қулай хоналарда фаолият юритиши керак.



# БИРЛИК ВА ХАМЖИХАТЛИКДА ҲИКМАТ КҮП

Мазкур масалага Богот туманида ҳам алоҳида эътибор қаратылмоқда. Кейинги иккى ой мобайнида иккита маҳалла фуқаролар ийғини ходимлари учун замонавий бинолар куриб, фойдаланишга топширилгани бундан далолат беради. Масалан, октябрь ойда 2 минг 480 нафар аҳоли истиқомат қиласынан «Пахтаобод» маҳалласининг қиймати 210 миллион сүмликтен янгын биноси куриб битказилди. «Юксалиш» маҳалласи биносининг фойдаланишга топширилиши билан эса туманда бирорта ўз иморатига эга бўлмаган маҳалла қолмади.

Янги биноларда барча шароитлар яратилгани, алоқа воситалари ва интернет тармоги билан қамраб олингани ишимишни янада қулайлаштирулмоқда. Маҳалла фаоллари ҳудуд аҳолиси манфаати ўйлида шижаат билан меҳнат қиляпти.

## Тадбиркорлик – тўкинлик гарови

Жорий йил туманда аёллар тадбиркорлигини көнгайтириш, уларнинг ҳукуқий, иқтисодий ва сиёсий саводхонлигини ошириш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда фаолият юритиш истагида бўлган 35 нафар хотин-қизлар рўйхати шакллантирилди. Уларнинг «Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази»да ташкил этилган ўқувларда иштироки таъминланди. Ўз бизнес-режаларини асосли ҳимоя қила олган 24 нафар опа-сингилларимизга Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-кувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 628 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

## Кўмакка муҳтоjlар ҳолидан хабар олинмоқда

Туманимизда ўзгалар ёрдамига муҳтоj, кам таъминланган аёлларга алоҳида эътибор қаратиб келингапти. Уларнинг саломатлигидан доимо хабардор бўлиб турамиз. Жумладан, пандемия

даврида реабилитация техник воситаларига муҳтоjлиги бўлган 9 нафар хотин-қизга ногиронлик аравачалари, 1 нафарига қўлтиқтаёқ берилди. Хориждан қайтган хотин-қизлар ҳам тиббий кўрикдан тўлиқ ўтказилиб, бандлиги таъминланмоқда. Бунинг учун, аввало, чет элларга ишлаш учун кетган аёлларнинг рўйхати маҳаллалар кесимида шакллантирилди ва уларни ватанга қайтариш чоралари кўрилмоқда.

Масалан, туман маҳаллаларидан биррида истиқомат қиласынан Малика исмли аёл узоқ вақт Россия давлатида ишлаб юрган. Бу ерда унинг иккى нафар вояга етмаган қизи бувиси тарбиясида қолган. Маликани қайтариш учун тегишли идораларга мурожаат қилдик. Аёлга вазият тушунтирилиб, иш билан таъминланиши айтилди. Бўйига етадиган қизалоқлар она тарбиясидан маҳрум бўлмаслиги кераклиги уқтирилди. Натижада бу қизимиз юртимизга қайтди. У ўз ҳудуди яқинидаги сутни қайта ишловчи корхонага ишга жойлаштирилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг шу давригача юқоридаги каби тажриба орқали 12 нафар хотин-қиз туманимизга қайtarилиб, барқарор даромадли соҳаларга йўналтирилган. 500 нафарга яқин опа-сингилларимиз эса Президентимизнинг «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, вақтингчалик иш билан таъминланган.

## Ўй билан таъминлаш кўплаб муаммоларни ҳал этади

Бугунги кунда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларни ўй-жой билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири экани шубҳасиз. Бу борада бутун республикамизда бўлгани каби бизнинг туманда ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Мисол учун, жорий

йил оғир ижтимоий шароитда яшовчи 6 нафар аёлга туман марказида қурилиши режалаштирилган тураржой биноларидан уй ажратилишига эришилган. Улар биноларнинг битказилишини интиклик билан кутмоқда. Қурилишлар йил якунига қадар тутатилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоj ногирон ва қарамоғида касалманд фарзанди бўлган 8 нафар хотин-қиздан ҳар бирига 1 млн. сўмдан моддий ёрдам пуллари, 50 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш ҳамда оилавий иқтисодини тиклаш мақсадида бепул иссиқхона, 4 нафарига ти-

“  
Ҳар қандай ташкилотда ишларни самарали үйләгүү үчүн, аввало, ходимларга қулай шароитлар, имкониятлар яратилиши лозим. Шундан сүнгтина натижада талаб қилиш мүмкун.  
”

кув машиналари берилди. «Темир дафтар»га киритилган оилаларда яшовчи 120 нафар хотин-қизга имтиёзи кредит асосида иссиқхоналар куриб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

## Қанча оила яраштирилди?

Оилалар бутлигини сақлаш, ажralишларнинг олдини олиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йил давомида маҳаллалар кесимида ажralish ёқасига келиб қолган 223 та оила рўйхати шакллантирилган эди. Шулардан 201 таси яраштирилди.

91 та нотинч-ноқобил оила сифатида рўйхатта олинганлар билан мунтазам профилактик сухбатлар ўтказилиб, уларни рўйхатдан чиқариш чоралари

кўрилмоқда. Туманда нотинч оила сифатида рўйхатта олинган хона-донлардаги нотинчилкларга сабаб бўлаётган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш бўйича тадбирлар графики тасдиқланиб, ижрога йўналтирилди.

## «Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!»

Хотин-қизлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва уларни спорттага кенг жалб этиш мақсадида ҳафтанинг ҳар шанба кунлари «Хотин-қизлар спорт куни» ўтказилмоқда. Үнда маҳаллалардаги аёлларимизнинг фаол иштироқи таъминланяпти. Бунда қатор спорт марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хоҳловчи аёллар бу машғулотларда югуриш, фитнес ва бошқа спорт турлари билан мутахассислар назорати остида бепул шуғулланиши мүмкун.

Бундан ташқари, аёллар ўртасида спорт мусобақалари ташкиллаштириш йўналишида ҳам ишлар олиб бориляпти. Масалан, жорий йил февраль ойида Болалар ва ўсмиirlар спорт мажмусида стол тениси, Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан эса югуриш ва велопойга бўйича мусобақалар ўтказилди. «Оқтепа», «Деҳқонобод» ҳамда «Узумзор» маҳаллаларида аҳолини кенг жалб қилган ҳолда «Софлик учун 5000 қадам», «Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!», «Спорт – соғлик гарови» каби оммавий тадбирлар ўтказилди.

Туман ҳокимлиги ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган шу ва шу каби бошқа ишлар самараси ўлароқ, бугунги кунда ҳудудимизда ижтимоий муҳит барқарор сақланмоқда. Албатта, бундай ишлар ҳамжихатлик, бирдамлик ва яқдиллик руҳида мунтазам давом эттирилади.

**Эркин РЎЗМЕТОВ,**  
**Богот тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиғи.**



**Бухорода 33 мингдан ортиқ хонадонларга замонавий ҳисоблагичлар ўрнатилди.**

# МАҲАЛЛА ОДАМЛАР ИШОНАДИГАН, СУЯНСА БЎЛАДИГАН ИДОРАГА АЙЛАНДИ

Дунёни гўзаллик кутқаради. «Дунёни меҳр ва яхшилик кутқаради» деган фикр ҳам бор. Мехрдан-да устувор туйғу, яхшиликдан-да хайрли амалнинг ўзи йўқ. Маҳалла эса одамларга меҳр улашади, уларни эзгуликка чорлаб, ўзи шу яхшиликнинг бошида туради. Бу ноёб тузилма маънавият ва маърифат ўчоғи, тарбия маскани бўлиб келаётгани азал-азалдан маълум. Жорий йилдаги пандемия даврида маҳалланинг ана шу хусусиятлари янада яққол намоён бўлди.



Рустам ФАФФОРОВ,  
Навоий шаҳри ҳокими ўринбосари,  
Маҳалла ва оиласи кўллаб-куvvatlash бўлими бошлиғи.

## Ночорни кўллаб-куvvatlash — савоб

Зотан, «маҳалла» сўзи аслида «бир жойда яшовчилар» маъносини англатса, ана шу маконда умргузаронлик қилаётганларнинг ўзаро аҳил-иноқлиги, тинчлиги ва хотиржамлигига уларнинг бир-бирига бўлган ишончи муҳим ўрин тутади. Бу туйғуни мустахкамлаш учун эса аҳоли муаммолари билан ишлашда янгича ёндашув зарур.

Сир эмаски, жорий йилда аҳоли муаммо ва мурожаатлари ҳар қачонгидан-да кўпайди. Чунки пандемия туфайли ишсизлар сони ортди, вақтинча ойлик даромадидан айрилганлар бўлди. Шукрки,

қийинчиликка дуч келган оиласлар ҳамиша давлатимиз ва ҳукуматимиз эътиборида турибди. Меҳроқибат маскани саналган маҳалла эса ана шу эътиборни ҳалққа етказувчи кўпrik вазифасини бажарди.

Камбағаллик рўйхатини шакллантириш мақсадидаги «темир дафтар»га таниш-билишчилик йўли билан моддий шароити етарли бўлса-да, кўзи тўймас одамлар эмас, чиндан ҳам қийналган, эҳтиёжманд, бокувчисини йўқоттан оиласларнинг киритилиши жоизлиги маҳалла ходимлари учун синов давридаги яна бир имтиҳон бўлди. Биз худудимиздаги мавжуд 31 та маҳаллада адолатлизилликка йўл кўйилмаслиги учун жамоатчилик назоратини кучайтиридик. Хонадонма-хонадон юрилиб, оиласларни ўрганиш жараёнида эътиборга молик ҳар бир жиҳатни назардан қочирмасликка ҳаракат қилдик. Эпидемиологик вазиятда ночор аҳоли қатламига 1 миллиард 247 миллион сўмлик озиқ-овқат, дори-дармон ҳамда санитария-гигиена воситалари етказиб берилди.

Бундан ташқари, саховатпеша тадбиркорлар томонидан ҳам ҳар бир маҳаллада 15-17 миллион сўмликкача бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари белуп тарқатилди. Ўрганишлар жараёнида 942 та

оила камбағаллик рўйхатига олиниб, «темир дафтар»га киритилган бўлса, ҳозиргacha уларнинг 800 таси бу рўйхатдан чиқарилди.

## Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Шаҳарда маҳалла ходимларини ҳамиша қийнайдиган бир муаммо бор: бу ишлаш учун келиб, ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган шахслардир. Улар шахримизга ўз ризқ-насибасини ахтарип келгани учун айблай олмаймиз. Аммо қатор жиноят ва ҳукуқбузарликлар

айнан ана шу қатлам томонидан содир этилиши маҳалла фаолларини ташвишга кўяди.

Карантин чекловлари кучайтирилган пайтда гарчи чегара ёпик бўлса-да, турли қинғир йўллар билан шаҳарга «талпинганлар» ҳам бўлди. Ҳатто бу «мехмонлар»нинг қиморхона ташкил этган, ўғрилик қилган, гиёҳвандлик моддаларини сотишга уринган ҳолатларига дуч келдик. Ана шундай вазиятда ҳар бир маҳаллада ҳушёрликни оширишта, ҳавфсизликни таъминлаш учун астойдил ишлашга тўғри келди. Навоий шаҳар ИИБ ва Миллий гвардия ходимлари билан ҳамкорликни кучайтирганимиз натижасида кўплаб жиноятлар жойида фош этилди, қанча қинғирликларнинг олди олинди.

Эътиборлиси, бундай сертавиш даврда маҳалла фаоллари ҳукуқ-тартибот идораларининг энг яқин кўмакчисига айланди. Уйма-уй юриб, ҳар бир фуқаро билан юзма-юз мулоқот ўтказиш жараёнида аҳоли муаммоларини ўрганишдан ташқари, ҳар бир оиласдаги муҳит ва шароитдан ҳам огоҳ бўлинди. Натижада одамларнинг маҳаллага ишончи ортди, улар дардини айтадиган, ташвишини бўлишадиган, суюнса бўладиган идора борлигини ҳис қилишди. Аввало, фуқаролар бандлигини таъминлашга ҳаракат қилинди.

Навоий шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда 2056 нафар фуқаро иш билан таъминланди. 900 нафардан ортиқ фуқаро мавжуд бўш иш ўринларини банд қилган бўлса, 571 нафари бевосита маҳалла фуқаролар иғифинларининг амалий ёрдами билан тадбиркорлик субъектларига бирриклирди, 1056 нафар ишсиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Ҳунармандлик ва тадбиркорликни йўлга кўйиш орқали 875 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Маҳалла фуқаролар йигинлари тавсия-

сига кўра, 785 нафар оила «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида имтиёзли кредит билан таъминланди.

## Маҳалла ободлиги ва ҳавфсизлиги йўлида

Жорий йилда Навоий шаҳрида «Обод ва ҳавфсиз маҳалла» ғоясини ҳаётта татбиқ этиш ҳаракати бошланди. Ана шу мақсадга йўналтирилган алоҳида режа-дастур ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Жумладан, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳукуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг содир этилиш сабаблари ҳамда бунга имкон яратувчи шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Карантин шароитида уйда бекор қолган ёшларни фойдали меҳнатта жалб қилиш, томорқа маданиятини ошириш, онлайн тарзда искеъдодлилар танловини ўтказиши, китобхонлар беллашувини ташкил қилиш ўз самарасини берди. «Маҳалланинг энг яхши ҳунарманди», «Энг яхши томорқа эгаси» танловларини ўтказиши билан бирга, томорқа ишларини ташкил этишида кўмаклашган маҳалла фаоллари ишини баҳолаб бордик. Маҳалла раисларининг ҳудудда томорқачилик, чорвачилик, паррандачилик, куёнчилик, асаларичилик, балиқчилик соҳаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган ўринбосарлари маҳалла ва оиласи кўллаб-куvvatlash бўлими томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда эсадалик совғалари билан тақдирландилар.

Аҳамиятлиси, ана шу раис ўринбосарларининг астойдил саъй-ҳаракати натижасида шаҳарнинг ҳовли-жойлардан иборат, томорқа ерлари мавжуд қисмida «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили йўлга кўйилди. Масалан, ҳозир «Истиқлол» маҳалласида истиқомат қилувчилар картошка етиштиришга асосий эътиборни қаратадиган бўлса, «Орзу» маҳалласи аҳли шолғом ва ошқовоқдан мўл ҳосил олиши, «Ҳаёт» маҳалласида иссиқхоналар сони кўпайди. Бу, албатта, рўзгор ва бозор тўкинлигини таъминлаш омили бўлмоқда.

\* \* \*

Маҳаллага тегишли бўлмаган масаланинг ўзи йўқ. Ҳар бир инсон маҳаллада яшайдими, у ана шу қўргоннинг кичик бўлғи ҳисобланади. Навоий шаҳри маҳаллаларида тинч, осойишта ва хотиржам истиқомат қилиб келаётган аҳолининг ҳар бир вакили ўз уйини асраб-авайлласа, бир-бирига меҳроқибат туйғуларини намоён этса, бу бизга ҳам ўзгача рағбат бағишишади.

## “Мавзуга оид маълумот:

Навоий шаҳридаги мавжуд 31 та маҳалла фуқаролар иғинидаги жами 43 минг 152 та хона-донга кирилиб, уларда истиқомат қилаётган 35 минг 41 нафар 30 ёшдан ошган хотин-қиз ҳамда 29 минг 952 нафар 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар билан суҳбат ўтказилди ва уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Халқимиз азалдан ўзининг илм-маърифати, маънавияти ва урф-одатлари билан ўз мавқеини эталлаб келган. Миллатимизнинг ҳар соҳада етук алломалари инсоният тамаддунига муносаби ҳисса қўшишган. Бугунги авлодни ана шу улуғ аждодларимизга издош қилиб тарбиялаш, ахолининг маънавий тушишчаларини бойитиш ҳамда миллий-ахлоқий ва хукуқий тарбиясини шакллантиришда маҳалла институтининг роли катта.

Зотан, маънавият бор жойда ҳар қандай таҳдид ортга чекинади, маънавий муҳит барқарор оиласда хотиржамлик хўкм суради, фуқаролари эса ҳар томонлама юқсакликка интилган жамият ривож топади. Бироқ кейинги йилларда нега оиласвий ажралашлар сони ортди? Нима учун вояга етмаганлар ва хотин-қизлар тап тортмасдан жиноятга кўл уришпти? Ҳар қадамда учраётган оқибатсизлик, андишасизлик ва адолатсизликларнинг сабаби нима?

Бу иллатларни батрараф этишга, энг аввало, маънавият ўчиғи — маҳалла масъул бўлиши керак.



Замира МАМАТОВА билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

### Оила парокандалиги кимга керак?

— Туманимиздаги 68 та маҳалла фуқаролар йигинида рўйхатга олинган ҳар бир оиласда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш учун доимий ҳаракатдамиз. Чунки маҳалла — Ватан ичра Ватан бўлса, оила ана шу мўйжаз Ватанинг бир бўлгаги. Қачонки, оила тинч бўлса, маҳалла ҳам осойиштадир. Бу хотиржамликни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Унинг жамият тараққиётидаги муҳим ўрни ҳақида эса ҳар қанча гапирсак оз.

Йил бошида туман бўйича 102 та нотинч, ажралиш арафасида турган оила борлиги қайд этилган эди. Уларни парокандалиқдан саклаб қолиш мақсадида нуроний отахон ва онахонлар, психолог мутахассислар билан ҳамкорликда тушунишириш ишлари мунтазам олиб борилиб, 85 та оиласи яраштиришга муваффақ бўлдик. Оила яраштирилгани, судга киритилган даъво аризаси қайтариб олингани «Бўлди, иш битди», дегани эмас. «Сан-ман»га

# МАЪНАВИЯТ БОР ЖОЙДА РИВОЖЛАНИШ БЎЛАДИ



борган эр-хотинлар ўртасидаги муносабат тикланиб кетиши учун доимий равишда маҳалла ходимлари назорати зарур. Муаммога худди шу томондан ёндашяпмиз.

Аҳамиятлиси, зиддиятга борган оила аъзоларини фуқаролар йигинлари томонидан ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирларга таклиф этилпмиз. Кўрсин, фикрасин, хуласа қилсан. Ўтказилаётган турли танловлар, спорт мусобақаларида иштирок этиш орқали улар дунёқараси ижобий томонга ўзгармоқда.

Бундан ташқари, оила мустаҳкамлигини таъминлаш ва асрий анъаналарни тарғиб этиш мақсадида «15 май – Халқаро оила куни» муносабати билан туманимизда уч босқичдан иборат «Ибратли оила» онлайн кўрик-танловини ўтказдик. Намунали оиласар тажрибасини оммалаштириш, ёш келин-куёвларга ўргатиш мақсадида ташкил этилган мазкур танлов голиблари бўлимимиз томонидан қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

«Бахтили оиласарнинг ҳаммаси бир хил, баҳтсиз оиласарнинг баҳтсизлиги турличадир», деган эди буюк рус адаби Лев Толстой. Оиласадаги нотинчлик, «кўйди-пишди»нинг жабрини ҳамиша фарзандлар тортади. Нотинч, зиддиятли оиласарда вояга етётган 42 нафар боланинг алоҳида рўйхатини шакллантирганимиз. Улар таълим олаётган мактаблар билан ҳамкорликда бу ўғил-қизларнинг соғлом фикрли, баркамол улғайиши учун психологик-коррекцион ва ривожлантирувчи дастур амалга оширилмоқда. Маҳалла фуқаролар йигинлари мутахассислари ва мактаб психологлари саъй-ҳаракати билан уларнинг ҳаммаси турли фан, спорт ва хунармандчилик тўгаракларига жалб этилди.

Ҳар қандай дардни даволагандан

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«Фарзандларимга мендан боғ қолсин!» акцияси доирасида Хатирчи тумани аҳолиси шахсий томорқаларида 73 минг 564 туп мевали, 7 минг 839 туп манзарали дараҳт қўчати қад ростлаб, 15 гектарли боғ яратилди.

кўра, олдини олган маъқул. Можароли оиласи тинчтиши, бир-биридан воз кечишга аҳд қилган эр-хотинни яраштириш осон эмас, албатта. Ана шундай ноxуш ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш учун турмуш куриш остонасидағи ҳар бир йигит-қиз никоҳ муқаддаслигини, оиласи бўлиши шунчаки ҳавас эмас, масъулият эканлигини англаши лозим. Шундагина улар барпо этаётган баҳт қасри мустаҳкам бўлади. Хатирчидаги барча маҳалла фуқаролар йигинларида ёшларни оиласий ҳаётта тайёрлаш ва ёш оиласарни маънавий-психологик қўллаб-куvvватлаш мақсадида «Бувижонлар мактаби» ташкил этилган бўлиб, «Сабр – баҳт, қонаат – бойлик», «Оиласада келиннинг роли», «Қайнонали келин», «Келинчакли уй» мавзуларида давра сұхбатлари, савол-жавоблар ташкил этиб келинмоқда.

### Хукуқий тарғибот самараси

Фуқароларнинг хукуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш жамият ривожи ва мамлакат тараққиётининг муҳим шартларидан биридир. Зоро, фуқаролар хукуқ ва бурчларини билган, конунлар мазмун-моҳиятини англаган жойда жиноят ва хукуқбузарликларга чек қўйилади. Ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш учун ҳам, аввало, фуқароларнинг хукуқий билимини ошириш, уларда қонунларимизга ҳурмат, итоат этиш ҳиссими тарбиялаш лозим.

Шу мақсадда йил бошидан буён

маҳаллаларда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда 171 та тарғибот тадбири ўтказилиб, уларда 6 минг 750 нафардан зиёд фуқаронинг иштироқини таъминладик. Хатирчи тумани адлия бўлими, туман прокуратураси, Миллий гвардия ва ИИБ билан ҳамкорликда олиб борилган мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28 тага камайди.

### Ҳар бир маҳаллада кутубхона!

Бундай ташаббус яқин йилларда бўлмаган. Туманимиздаги мавжуд 68 та маҳалла фуқаролар йигиннинг ҳар бирида кутубхона ташкил этидик. 39 та кутубхонани маънавият, маърифат масканига айлантира олсан, марра бизники. Зиё масканининг ҳар бири 400 тадан китоб фондига, 1000 нафардан ортиқ китобхонга эга. Карантин чекловлари кучайтирилган пайтда кутубхонадан китоб олиб, мутолаа қилувчилар сони ошгани эса янада қуонарлидир. Китобхонликни янада тарғиб қилиш мақсадида «Китобхон оила» кўрик-танловини ташкил этидик.

Дунёда инсонга китобдан кўра содик дўст, донишманд маслаҳатчи, мукаммал тарбиячи бўлмаса керак. Мутолла инсон тафаккурини кенгайтириб, ақлини чархлайди, ҳаётта муносабатини ўзгартиради, эзгуликка даъват этиди. Китобхон фуқаролар, китобсевар оиласар сафи кенгайгани боис ҳам жорий йилда ажралиш ва жиноятлар сони камайишига эришган бўлсан, не ажаб.

### Маҳалла комплекслари барпо этилади

Хатирчи туманида 2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳаллада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплексларини ташкил этиш манзилли дастур ишлаб чиқилган жорий йилда «Сангижумон» маҳалласининг янги биноси куриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Келгуси йилда яна 4 та — «Янгиработ», «Жалойир», «Чангир» ва «Пахтакор» йигинлари биноси ишга туширилади. Мухтасар айтганда, маҳалла тизимини янада ривожлантириш, ҳар бир оиласа, ҳар бир юртдошимизга янада яқин бўлиши мақсадида ўз олдимизга улкан мақсадни қўйганимиз. Ҳаракатимиз ҳам шунга яраша бўлиши керак.

«Mahalla» мухбири  
Холбibi САФАРОВА  
ёзib олди.



**Сурхондарёлик ўқитувчилар 17 соатда 136 километрли масофани босиб ўтиб, мамлакат рекордини янгилади.**

Ҳаммамиз маҳалла-да яшаймиз. Яхши кунларимиз, турмуш ташвишларимиз эл билан бирга. Мехроқибат, аҳиллик, тинчлик, ватанпарварлик каби эзгу тушунчалар онгу шууримизга айнан маҳаллада сингган. Ватан — маҳалладан бошланади, дея бе-жиз айтилмаган.

Сўнгги йилларда маҳалла фаолиятини кўллаб-кувватлаш билан бирга, унинг вазифалари кўламини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу институттинг ижтимоий-иктисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири тобора кенгаймоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, энг аввало, ишсизликни йўқотиш, янги иш ўринларини яратиш, камбағал оиласларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш устувор вазифалардан бири этиб белгилаб берилгани ишимиизга бўлган масъулиятни яна бир карра ошириди, десам муболага бўлмайди.

Жорий йил 26 май куни Юртбошимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йигилишида ижтимоий ҳимояга муҳтож камбағал оиласларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали камбағаллик даражасини камайтириш юзасидан топшириклар берилган эди. Ушбу тадбирларни манзилли ташкил этиш мақсадида «Темирдафтар» тизими ишлаб чиқилди. Туманимиздаги 41 та маҳаллада олиб борилаётган тезкор саъй-харакатлар натижасида пандемия даврида қайси оиласнинг ёрдамга муҳтож экани яққол кўринди.

Маълумки, 15 марта бошлаб аксар корхоналарнинг пандемия сабабли ўз иш фаолиятини тўхтатиши кўплаб аҳолининг вақтинга ёки умуман ишсиз қолиши, оқибатда эса даромад манбаидан маҳрум бўлишига олиб келди. Шу боис маҳаллаларда ёрдамга муҳтож аҳоли шаффофлик билан «темир дафтар»га қайд этилди, ишга ёки бошқа ёрдамга муҳтож 1 минг 926 та оила шундай рўйхатта киритилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, «темир дафтар» тизимининг ташкил этилишидан пировард мақсад шуки, ҳар бир эҳтиёжманд шахс ўз хоҳиши билан «мен энди ёрдамга муҳтож эмасман», деган фикрга келиши керак.

Шулардан келиб чиқиб, маҳаллалардаги 28 минг 521 та оиласнинг яшаш шароитлари ўрганиб чиқиби, 1 минг 926 та камбағал оиласлар ва уларнинг 8 минг 596 нафар аъзоси мавжудлиги аникланди. Аҳоли сонига нисбатан камбағаллик даражаси 6,8 фойзни ташкил этади. Биринчи навбатда, ишсизликка қарши чораларни кўллашни

# ФАРОВОНЛИК оиладан бошланади

ЁХУД ҲАР БИР ОИЛА БАНДЛИГИ  
ҚАНДАЙ ТАЪМИЛАНЯПТИ?



Дилшод ОЧИЛОВ,  
Навбаҳор тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиғи.

берилди. Шунингдек, ҳозирда 5 та давлат обьекти ва 92 та хусусий мулк обьектида қўшимча 247 та иш ўрни яратилиши устида иш олиб борилмоқда.

**Хотин-қизлар учун  
мавсумий ишлар ташкил  
етилди**

Туманда тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда фаолият юритиш истагида бўлган аёллар рўйхати шакллантирилган. Улар учун «Тадбиркорлик маркази» ҳамкорлигига ўқувлар ташкил қилиниб, 266 нафар хотин-қиз ўқитилди ва уларга тегиши сертификатлар берилди. 41 та маҳалладаги ишсиз хотин-қизларни мавсумий иш билан таъминлаш мақсадида уларнинг 1 минг 200 нафардан зиёди ишларни ташкил қилиниб, 800 нафардан ортиғи фермерларга мавсумий ишчи сифатида бириклирилди.

Шунингдек, тумандаги «Кўхрон» маҳалласида истиқомат қилиувчи тадбиркор Илес Турдиевга худудий дастур доирасида 1 млрд. 50 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиб, чинни ишлаб чиқариш цехи ишта туширилди ва оғир вазиятдағи 54 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга эришилди. «Юқори Бешработ» маҳалласидан тадбиркор Музаффар Омоновга ҳам шунчага миқдордаги кредит ажратилиб, 25 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Хулоса шуки, оиласа бир кишининг иш билан банд этилиши хонадон аъзоларининг хорижга иш излаб кетиши ёки етишмовчилик туфайли ажралиш ёқасига келиб қолишини, жиноятчилик кўчасига кирмасликни ва шу каби кўплаб салбий ҳолатларнинг олдини олиши тайин. Бунинг учун ҳар бир оиласи таъминлашга ўрганиш ва уларга ёрдам қўлини чўзиша маҳалланинг ўрни бўлакча. Маҳалла ушбу муаммоларга қарши кураша оларкан, шундагина жамиятнинг фаровонлиги таъминланиши мумкин.

## ДАРВОҶЕ...

Навбаҳор туманида бандликни таъминлаш мақсадида 37 нафар хотин-қизга тикув машиналари берилди. 45 нафар хотин-қизга эса 300 миллион сўм маблағ эвазига иссиқхоналар қуриб берилди. Оғир турмуш шароитида яшаётган 41 нафар аёлнинг уй-жойлари 742 миллион сўм маблағ эвазига таъмирлаб берилди. 72 та кам таъминланган, эҳтиёжманд оиласларга 153 миллион сўм пул маблағлари топширилди.



бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш хисобига камбағалликдан чиқариш белгиланган.

Шу каби саъй-харакатлар натижасида бугунга қадар 481 та янги иш ўринлари яратилди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдириган оиласларга кредит маблағлари ажратиш мақсадида «Ҳар бир оила — тад-



Екатеринбургдаги автоҳалокат икки нафар ўзбекистонликнинг умрига зомин бўлди.

Маҳаллаларга эътибор давлат ҳокимияти ишини енгиллаштиради, аҳоли билан иш юритишни, жойлардаги муаммоларни тез ва муваффақиятли ҳал этишни таъминлайди. Мингбулоқ туманида ҳам мана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллалар ишига янгича нигоҳ билан қараляпти.

Туманда ишсиз ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашга катта эътибор берилапти. Секторлар кесимида мавжуд маҳалла фуқаролар йигинларидағи банд бўлмаган 2342 нафар ёшнинг рўйхати шакллантирилди. Ташкилот ва корхоналар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик натижасида йил бошида аниқланган 5353 нафар ишсиз фуқаронинг 4648 нафари турли соҳалар бўйича ишга жойлашди.

«Кексалар маслаҳати» гурӯҳлари ташкил этилиб, нотинч оиласаларга мураббийлар биритирилди. Ўз навбатида, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-кувватлаш, жамиятдаги ўрнини янада ошириш мақсадида «Кексалар ҳафталиги» ташкил этилди. Ҳафталик давомида маҳаллаларда «Ибрат мактаби» мавзусида тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Шунингдек, «Бувижонлар мактаби» жамоатчилик кенгаши томонидан ҳам маънавий тадбирлар ўтказилди.

### Аёллар билан ишлашнинг янги тизими

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳукуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Туманимизда айнан аёллар билан ишлашда ҳам ўзига хос тажриба ва ташабbus-ларга кўл урилди.

Биламиз, асосий муаммо ишсиз хотин-қизларни аниқлаш, уларга замонавий касб-хунарларни ўргатиш ва бандлигини таъминлашдир. Боиси жойлардаги учрашувларимиз давомида аксарият шу йўналишдаги муаммоларга кўпроқ

# ФУҚАРОЛАРГА ЭНГ ЯҚИН ҚЎМАКЧИ БЎЛИШ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА АСҚАТАДИ



дуч келятмиз ва имкон қадар уларга ечим топишта ҳаракат қилилмиз. Агар биз уларга мунносиб иш топишига қўмаклашсак, ўз-ўзидан ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳам бартараф этилади.

Туманимизда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган ва ногирон хотин-қизларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, улар билан якка тартибда ишлаш тизими йўлга қўйилди. Биринчи навбатда, ажralишларнинг олдини олиш, мазкур жараёнда аёллар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, уларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Ишлаш истаги бўлган хотин-қизларнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, оиласий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизлар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир маҳалла кесимида режали иш олиб борилмоқда. Туманда 4512 нафар ишсиз хотин-қизлар аниқланган бўлса, уларнинг барчаси иш билан таъминланди.



Санобар АБДУРАҲМОНОВА,  
Мингбулоқ тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва  
оиласи қўллаб-кувватлаш  
бўлими бошлиғи .

сўровнома олинди.

Бир сўз билан айтганда, туманда аёллар, ёшлар, нуронийлар билан ишлашда мутлақо янгича тизим йўлга қўйилди. Айниқса, кам таъминланган, ёрдамга муҳтоҷ оиласаларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлаш, ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка кенг имконият яратишда маҳалла яқин қўмакчи бўлмоқда.

### Бизда таклиф бор

Тизимдаги ислоҳотлар жараёнида худудлардан тушаётган таклифларни амалиётта татбиқ этиш керак. Чунки муаммолар, асосан, амалиётда билинади. Шу жиҳатдан биз ҳам куйи тизимда аниқланган камчиликларни бартараф этишига хизмат қилувчи таклифларимизни билдирилмоқчимиз. Маълумки, маҳалла фуқаролар йигинларида раиснинг Кексалар ва фахрийларни қўллаб-кувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилган. Аммо ушбу ходимларнинг иш фаолиятида моддий манфаат йўқлигига учун натижадорлик кўринмаяпти. Шу боис уларнинг моддий таъминотини яхшилаш керак. Маҳалла ходимларига узоқ муддатли, имтиёзли кредит асосида енгил автомобиллар сотиб олиш имкониятини яратиш лозим. Ёшлар етакчиси маҳалла фуқаролар йигинида фаолият юритишни йўлга қўйиш керак. Бу ҳам самардорликни оширади.

Маҳалла фуқаролар йигинларида иш олиб борганлиги сабабли хизмат биносида ходимларнинг кунлик ишларини тумандаги давлат ва жамоат ташкилотларига етказиш ва маълумот алмашиш учун иш юритувчи лавозими жорий этиш керак. Шунингдек, маҳаллада фаолият олиб бораётган ходимларнинг ойлик маошини тумандаги раҳбар ходимлар ойлик маоши даражасига тенглаштириш керак.

**Жиззахда эркин туристик зона учун 100 млн. доллар миқдорида маблағ ажратилади.**



# СҮЗИДА ХИКМАТ БОР, ИШИДА ИБРАТ

Маҳалла азалдан жамиятнинг таянчи бўлиб келган. Одамларнинг яхши, ёмон кунларида дарду қувончига малҳам бўлган. Шу боис ҳам ҳаётимизда маҳалла оиласиз каби кадрдон ва қадрли гўша сифатида муҳим ўрин эгалаган.

Президентимиз ташабуси билан Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлигининг ташкил этилиши соҳада ўзига хос янги тизимга асос солди. Мавжуд маҳалла институтини юксак поғонага кўтариш борасида янги қадам бўлди. Иш ҳам, ишлаш тизими ҳам, кадрларга талаб ҳам бутунлай ўзгарди. Соҳада узвийликни таъминлаш мақсадида хотин-қизлар, ёшлар, профилактика инспектори ва, албатта, нуронийлар бир куч сифатида бирлашди.

Айниқса, коронавирус пандемияси даврида маҳалла янада халқ билан яқинлашди. Аҳолининг чинакам мададкорига айланди. Президентимиз ташабуси билан ўзлон қилинганд Саховат ва кўмак тадбирларида туман маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими ҳам фаол иштирок этди. Эҳтиёжманд оиласи, кексалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олини. Улар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватланди. Саховатпеша инсонлар, тадбиркорлар, нуронийлар ўзларининг меҳр-муруvvatini аямади. Саховат ва кўмак тадбирларида фаол қатнашган 100дан ортиқ тумандошларимиз «Меҳр-саховат» қўйрак нишони билан тақдирланди.

## Маҳалла ободлигига кексалар тажрибаси

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида иш ташкил қилинда нуронийларнинг алоҳида ўрни бор. Туманимизда ҳам айни шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда нуронийлар билан ҳамкорлик, уларнинг бой тажрибасидан фойдаланишга катта эъ-



тибор берилмоқда. Бугунги кунда туманда 16985 нафар нафақа ёшидагилар, жумладан, 113 нафар фронторти меҳнат фахрийси, 2 нафар 100 ёшдан ошган нуроний истиқомат қилимоқда. Кексаларнинг жамиятдаги фаоллигини таъминлаш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан ижтимоий шерикчилик асосида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Туман маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш, жисмоний тарбия ва спорт бўлими, Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари ҳамкорлигига шахмат-шашка, стол тениси бўйича мусобақалар ўтказилди. Бу тадбирларда туманимиз нуронийлари вилоятда фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Ҳозирги кунда кексалардан иборат футбол клуби аъзолари Конституциямизнинг 29 йиллигига бағишлаб Наманган вилояти фахрийлари ўртасида ўтказиладиган минифутбол мусобақасига тайёргарлик кўрмоқда.

## Қари билганни пари билмас

Жойларда фаол фахрийлардан иборат «Кексалар маслаҳати» тарухи, Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари тузилди. Кўп йиллар

## ДАРВОҚЕ...

Учқұрғон тумани маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими тавсияномаси асосида 6 нафар иқтидорли қизларимиз олий ўқув юртларига қабул қилинди. Аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида вилоят ҳокими Шавкат Абдураззақов томонидан 5 та маҳалла фуқаролар йиғини («Ёғду», «Қўрғонча», «Истиқбол», «Обод», «Ёписхон»)га 500 000 миллион сўм пул маблағлари берилди.

Муҳиддин МАҲКАМОВ,  
Учқұрғон тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
қўллаб-кувватлаш бўлими  
бошлиғи.

Жиноят содир этишга мойиллиги бор бўлган шахслар, яъни муқаддам судланганлар, профилактик ҳисобда турадиган шахсларнинг ижтимоий ҳолати ва маънавий муҳити тўлиқ ўрганиб чиқилмоқда. Оила, турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оилавий ажримлар ва ноқонуний никоҳларнинг олдини олиш борасида ҳам нуронийларнинг ёрдами катта бўлмоқда. Ҳафтанинг ҳар чорсанба куни ФХДЁ бўлимида ажрим ёқасига келиб қолган оиласи билан сухбатлар, тарғибот тадбирларида тушунтиришлар олиб борилмоқда. Натижада шу йилнинг ўзида 328 та мана шундай оиласи яраштирилди.

## Кексалар – эътибор ва эъзозда

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги «Кексаларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг кўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Кексалар учун туризм ойлиги» ташкил қилиш бўйича бир тарухи нуронийларни Хоразм вилоятига саёҳати уюштирилди. Шунингдек, ноябрь ойида жамоатчилик кенгаши аъзолари, қишлоқ ҳўжалигида фаол ёрдам берган нуронийлардан бир тарухи Тўракурғон туманидаги Ибрат мажмуасига, Чортқ туманидаги Султон Увайс Қароний зиёраттоҳига бориб келишиди. Октябрь ойининг ҳафтасида «Кексалар ҳафталиги» доирасида маърифий тадбирлар ўтказилди.

Президентимизнинг пандемия даврида аҳоли ўртасида соғлом тармуш тарзини шакллантириши, карантин қоидаларига риоя этган ҳолда оммавий бадантарбия машқларини ўтказиш ҳақидаги топшириклири ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Туман марказида, қишлоқ ва маҳаллаларда «Ҳар куни 5 минг қадам» шиори остида тадбирлар ўтказилиб, уларда нуронийларимиз фаоллик қилишмоқда.

Бундан кейин ҳам маҳаллаларда нуронийлар ва кексалар иштирокидаги тарғибот тадбирларини давом эттирамиз, бу билан жойларда уларнинг ўрнини янада мустаҳкамлаймиз.



ҳалол меҳнат қилиб, аҳоли орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган нуроний фахрийлардан 90 нафари умумий ўрта таълим мактабларига, 8 нафари қасб-хунар мактабларига, 46 нафари профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганларга, 26 нафари қишлоқ ҳўжалиги соҳасига бириктирилди. Бунда уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланилмоқда.

Айни кунларда бутун дикжат-эътиборимизни ёшлар маънавияти, дунёқарашини ошириш, уларда жамоавий, шу билан биргя, менталитетимиз талаблари асосида ўқиш ва ишлашни шакллантиришга қаратмоқдамиз. Шу муносабат билан кўпроқ ёшларни қамраб олган «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқара» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирларимиз улар қалбида ҳаётга шукронлик ҳиссини уйғотмоқда.



# БУГУНГИ НАТИЖАЛАР

## ЭРТАНГИ ЮТУҚЛАР АСОСИДИР

Асрлар давомида маҳаллалар жамият тараққиёти асоси бўлиб келган. Бу ерда оиласий муммомлар ўз ечиимини топган. Бугун ҳам ушбу анъаналар бардавом бўлиб, тўй-маърака, ҳашарлар маҳалласиз ўтмайди. Кейинги пайтда маҳалла тизимини янада тараққий эттириш мақсадида ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада маҳалла ҳалқ билан яқинлашди. Буни Чуст тумани мисолида кўрадиган бўлсак, тумандаги 70 та маҳаллада 47331 та хонадон мавжуд. Ушбу хона-донларда 60807 та оила (1931 та камбағал оила) истиқомат қилмоқда.

### Томорқадан унумли фойдаланишда водий тажрибаси

Маълумки, Чуст ўзининг уста хунармандлари, пичоқчи ва дўпидўзлари билан нафакат республикага, балки дунёга машҳур. Шу маънода бугун туманда ишсизликни бартараф этиш учун ички имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Бунинг учун хунарманд оиласалар хонадонида касаначилик йўлга қўйилди. Шунингдек, томорқадан унумли фойдаланишни таъминлашда Фарғона водийси тажрибаси асосида томорқа ер эгалари кооперацияларга биритирилиб, лимончилик, сабзавотчилик, узумчилик, чорвачилик, паррандачилик, күёнчилик ва балиқчиликни ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Пахта ҳамда ғалла майдонлари учун самарасиз, деб топилган ер майдонлари кам таъминланган аҳоли қатламига бўлиб берилди. 114 нафар кам таъминланган оила кооперацияларга биритирилиб, 2 сотихдан иssiқхоналар куриб берилди.

Бундан ташқари, паррандачилик, чорвачилик, күёнчилик, балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 5820 та оиласа имтиёзи кредит ажратилди. Туман ҳокими ҳамда сектор раҳбарларининг ташаббуси билан ғалладан бўшаган ер майдонларини 520 та эҳтиёжманд оиласаларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 20 сотихдан ажратиб берилди.

Бўлим томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларида тадбиркор-



ликни ривожлантириш мақсадида фуқаролар йиғинининг биносида бўш турган хоналарни тадбиркорларга ижарага бериш бўйича ҳам ишлар амалга оширилди. «Баймоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорлик қилиш истагини билдирган фуқаро М.Имомова билан ҳамкорликда 20 нафар иш ўрнига эга тикувчилик цехи ташкил этилди.

### «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамоили

Ушбу йўналишда мева-сабзавот етиштириш, иssiқхоналар ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, күёнчилик каби йўналишларга ихтисослаштириш чора-тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Тумандаги мавжуд 70 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 24 таси «бир маҳалла – бир маҳсулот» тамоили асосида экин экишга ихтисослаштирилди. Шунингдек, 435 та иssiқхона ташкил этилди. 33145 хонадонлар чорва ҳайвонларини парвариш қилишга йўналтирилди. Паррандачилик билан шуғулланадиган хонадонлар сони 36104 тани ташкил этиди. 4614 та хонадон эса күёнчиликка, 1813 хонадон асаларичиликка, 261 таси балиқчиликка ихтисослаштирилди.

Эътиборлиси, бу оиласалар ҳалол меҳнат орқали оила даромадини ошириш билан бирга, ҳалқимиз дастурхонига ҳам барака киритмоқда, бозорларимиз арzonчилиги таъминланмоқда. Тумандаги ишсиз, касб-хунар ўрганиш истагидаги тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, тегишлилиги бўйича ҳамкор ташкилотларга юборилмоқда. Фуқароларнинг бандлигини таъминлашга, оиласий бизнесс, тадбиркорлик, хунар-

мандчилик фаолиятини бошлашга кўмаклашилмоқда.

Чуст тумани Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бўлими бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ўтган 10 ойда 4335 нафар кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласаларда истиқомат қилиб келаётган меҳнатта лаёкатли фуқароларнинг бандлигини таъминлади.

Ободонлаштириш йўналишида ҳам ибратли натижаларга эришилмоқда. Тумандаги муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ва қабристонларни ободонлаштириш мақсадида мавжуд 72 та қабристон, 3 та зиёратгоҳ ҳашар йўли билан обод қилинди.

### Тизим такомилига бизнинг таклиф

Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш, фаолият самарадорлигини таъминлаш учун бир қатор таклифларни ҳам билдириб ўтмоқчиман. Мисол учун, қонун хужжатларини такомиллаштириш йўналишида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга маҳалла раисининг ўринbosарлари ва маҳалла ҳарбий хисобни юритиш бўйича мутахассисларни ишга олиш ва бўшатиш механизми бўйича аниқ модда киритиш керак. Бугунги давр талабидан келиб чиқиб, маҳалла



**Шавкат Йўлдошев,**  
Чуст тумани ҳокими  
ўринbosари, Маҳалла ва оиласи  
кўллаб-куватлаш бўлими  
бошлиғи.

фуқаролар йиғини раиси ваколатларини қайтадан кўриб чиқиш мақсадида алоҳида модда белгилаш лозим.

Юқори органлардан берилаеттган вазифалар ижросини сифатли ва вақтида таъминлаш мақсадида бўлимнинг ташкилий назорат ва таҳлил, томорқа, тадбиркорликни ривожлантириш, кексалар ва фахрийларни кўллаб-куватлаш, ёшларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласалар билан ишлаш бўлимига қўшимча штат бирлиги ажратишни ўйлаб кўриш керак.

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамоилилига асосланган янги тизимни жорий этишда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида қайд этилган жиноят ва хукукбузарликларни ҳамда ҳодисаларнинг ягона маълумотлар базасини яратиш ҳам самарадорлигини таъминлайди. Шунда маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва унинг ўринbosарлари тўла-тўқис маҳалладаги крименоген вазиятни баҳолай олади, жиноятлар ва хукукбузарликлар таҳлили янада ишончли бўлади.

Шунингдек, соҳадаги муаммоларни ҳал этишда тизим ходимларининг разрядларини қайта кўриб чиқиш керак. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда почта хизматига ва бўлимнинг канцелярия моллари учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратишни йўлга қўйиш зарур. Қолаверса, тизимда фаолият олиб бораётган ходимлар малакасини ошириши ҳам ташкил этиш керак.

Бир сўз билан айтганда, якунга етаётган йил тизим ходимлари учун ўзига хос синов йили бўлди. Тажрибадан кўп хulosалар чиқардик. Энг муҳими, фаолиятимиз самарадорлиги кўринди. Бугун эришган бу натижаларимиз шубҳасиз, эртанги ютуқлар омилидир.



Ўзбекистонда коронавирус пандемияси сабаб солиқ тўловчиларга енгиллик берилди.

Дўст кулфатда, ёр-биродар оғир кунларда биланади, дейишади. Пандемия мамлакатлар иқтисодиётини қийин аҳволга солиб кўйди. Ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши корхоналар ишининг тўхталиши, табиийки, аҳоли турмуш тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ишсизлар кўпайди, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар меҳр-эътиборга ҳар қачонгидан-да кўпроқ муштоқ бўлди. Шукрки, бизда меҳр-эътибор, саховат ва кўмак, ўзаро ҳамжиҳатлик хислатлари бардабомлиги яна бир бор исботини топди.

Бу эзгулик нафақат шаҳар марказлари, балки республикамизнинг барча худудларида кенг қулоч ёзди. Чекка қишлоқлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласалар ҳам меҳр, эътибор кўллари тафтини сезди.

Биргина Қашқадарё вилояти Китоб туманида пандемия бошлангандан сўнг амалга оширилган ишлар кўламию рақамлар ҳам сўзимизни тасдиқлайди.

### «Саховат ва кўмак» ҳаракати етиб бордими?

Эътиборлиси, синовли дамда аҳолимиз ўзаро бирлашди, юртдошларига кўлидан келганича кўмаклашишга ошиқди. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати айни шу ташаббуснинг амалдаги инъикоси сифатида иш бошлади. Ҳаракат доирасида туманимиз бўйича 4433 та моддий ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласалар аниқланиб, секторларда юритиладиган «темир дафтар»-даги рўйхатга киритилди. Ундан кам таъминланган, ногирони бор, бокувчисини йўқотган, якка-ёлғиз ва карантин туфайли вақтинча иш жойини йўқотган оиласалар ўрин олди. Ўтган вақт мобайнида шундай 4433 та оиласа озиқ-овқат маҳсулотлари босқичма-босқич тарқатилди.

Шунингдек, «темир дафтар»га киритилган 880 та оиласининг ҳар бирига 1 млн. сўмдан пул маблағла-ри тарқа-

# ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОР ВА

## МЕХРДАН ЧЕТДА ЭМАС!



Абдушукур ОМОНОВ,  
Китоб тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
кўллаб-кувватлаш бўлими  
бошлиғи.

кетма-кетлиқда кўмаклар кўрса-тиляпти. Масалан, 1 миллион сўмдан берилган оиласалар 1491 талик рўйхатга ёки бу икки рўйхатдагилар 264 талик ва 50 талик рўйхатларга киритилмайди. Мақсадимиз ҳеч ким эътибор ва меҳрдан четда қолмаслигига қаратилган.

Тумандаги ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож оиласалар рўйхатларини шакллантириш, эҳтиёжманд оиласаларни кўллаб-кувватлаш жараённида фуқароларимизнинг ариза, шикоят ва таклифлари ҳам эшитилияпти. Бунда, айниқса ижтимоий шерикчилик асосидаги фаолиятимиз асқатиётар. Шунинг учун жараёнларда депутатларимиз фаоллигини ошириш ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш зарур. Боиси туманимизда ижтимоий адолатни таъминлаш, ҳар бир оиласи ҳаётдан, жамиятдан ва давлатдан розилигига эришиш учун фақатгина бир ташкилот эмас, барча муассасалар бирдек масъулдир.

Зоро, фуқаролар фаолиятимиз, хатти-ҳаракатимизу муомаламизга қараб давлатимизда бўй чўзаётган ислоҳотларнинг амалдаги натижаларига баҳо беради. Шундай экан, бир зум сусткашлик ва эътиборсизликка йўл кўйишга ҳаққимиз йўқ.

### Режалар қандай?

Фаолиятда ютуқларга эриша-миз, камчиликларга йўл кўянимиз. Бироқ доим ҳам улардан тегишли хуносалар чиқармаймиз. Самардорликка эришиш учун эса, авва-ло, ўз-ўзимизга танқидий ва тахлий баҳо бера олишимиз керак.

Шу нуқтаи назардан, биз ҳар ойда натижаларимиз сарҳисоби-ни ўтказяпмиз. Келгуси ой учун бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни белгилаб олятмиз. «Темир дафтар» ва «Ёшлар дафта-ри» бўйича масъул ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириб, эҳтиёжманд оиласаларни моддий ва маънавий кўллаб-кувватлаш чора-ларини янги босқичга олиб чиқиш шундай бажаришимиш шарт бўлган вазифаларимиздан. Мурожаатларни ўз вақтида ҳал этиш, маҳаллалари-мизни аҳолининг ҳақиқий кўмакчи-сига айланишига эришиш орқали эса яна бир мэррани забт этамиз.

### Ижтимоий ҳамкорлик

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 30 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий кўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар ижроси доирасида болалиқдан ногирионлиги бўлган шахслар, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатта лаёқатсиз фуқароларга янада кўпроқ кўмак ва эътибор кўрсатилаётар.

Мазкур фармон талаблари асосида Китоб тумани бўйича 1344 та оиласи «темир дафтар»га янгитдан киритиш тавсия этилди. Рўйхат тумандаги маҳаллаларда тузилган 10-15 кишилик ишчи гурӯх томонидан шакллантирилди.

Хайрли ишни давом эттириш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оиласалар рўйхатига кири-тилган, бокувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи, ногиронлиги бўлган 16 ёшта тўлмаган бо-

лалари бор оиласаларга бир марталик моддий ёрдамлар берилди.

### Ҳали қилиниши лозим бўлган ишларимиз кўп

Бундан ташқари, сектор раҳбарлари томонидан «темир дафтар»да бўлган 50 та оиласа чорва моллари, паррандалар тарқатилди. Бу орқали аҳолининг рўзгорига барака олиб кириш мақсад қилинган. Чорва моллари ва парранда тарқатилган оиласалар сут маҳсулотларини тухум учун энди бозорга чопмайди. Боз устига, эҳтиёжидан ортганини бозорга олиб чиқиб сотишияпти. Шу тариқа, аввалига эҳтиёжманд оиласа сифатида қайд этилган хонадонлар секин-аста молиявий етишмовчиликларини ҳал этишияпти. Пировардида маҳаллаларимиздаги камбағаллик даражаси ҳам пасайиб бораётар.

Ўйма-уй юриб ўрганишларимизда фуқароларнинг кундалик эҳтиёжлари ҳам қайд этиб бориляпти. Шу асосда «Куҳсор» маҳалласидаги 200 та оиласа 30 миллион сўмлик ун ва ёғ маҳсулотлари тарқатилди.

Юртимизда саховатпеша инсонлар ҳам, ташкилотлар ҳам кўп. Бу кишини қувонтиради. Ахир, оғир кунларда чўзилган биргина ёрдам қўли инсоннинг ҳаётта, яшашга бўлган муҳаббатини оширади, ён-атрофида у ҳақда қайғурувчи яқинлари борлигини хис этишига замин яратади. Тез орада Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги «Вақф» хайрия жамоат фонди томонидан туманимиздаги 264 та оиласа моддий ёрдам кўрсатилади.

### Тизимлилик таъминланяптими?

Аслида саховат тадбирларида тизимлиликни таъминлаш ниҳоятда муҳим. Чунки ҳаммага ҳам бир вақтнинг ўзида ёрдам кўрсатишнинг имкони йўқ. Шу боис ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласа сифатида рўйхатга олинган оиласаларга



Бюрократия сабаб 10 та яқин ОТМниңг раҳбар ходимларига интизомий жазо чоралари кўрилди.

# НУРОНИЙЛАР ТАРГИБОТДА ҲАМИША ФАОЛ



**Кексаликни инсон умрингин донишмандлик палласи, дейишади. Боиси умринг бу довонига етиб келгунга қадар киши ҳаётнинг турили паству баландини күради, аччик-чучугидан сабоқ чиқарди. Аслида «Қариси бор уйнинг париси бор» ҳикматининг мазмуни ҳам шунга ишора.**

Азалдан халқимизда бирор ишни бошлашдан аввал ёши улуғлар маслаҳатини олиш, уларни хонадон фариштаси, дея эъзозлаш одатта айланган. Айни пайтда ушбу халқона қадрият давлат сиёсати даражасига кўтарилиган.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида вазирлик таркибида Кексалар ва фахрийлар билан ишлаш бошқармаси ҳамда Кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўлими ташкил этилгани бунинг амалдаги ифодаси. Янги тузилмалар зиммасига нуронийларимиз, ёлғиз қариялар, меҳнатта лаёқатсиз кекса ногиронларнинг моддий шароитини яхшилаш, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш каби муҳим вазифалар юклатилган.

## «Маслаҳат гурухлари» нима билан банд?

Вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида туманимиз нуро-

нийлари ҳамжиҳат-ҳамкорликда ишлашяпти. Чунончи, шу кунга қадар туманимизда 86 та маҳалла фуқаролар йигинида кексалар бўйича «Маслаҳат гурухлари» ва «Бувижонлар мактаби» ташкил этилди. Уларга фаол, ташабbusкор, намунали оила аъзолари жалб этилди.

Айни дамда нафақат маҳалла, балки жамиятимизнинг оғрикли нуқтаси бўлган оиласидан ажралишлар ва низолар, эрта ва ноконуний никоҳларни бартараф этишда уларнинг таъсирчан тарғиботлари асқатаётir.

“  
тадбирларда она Ватанга муҳаббат, юрт корига камарбаста бўлиш каби эзгу масъулият залвори ҳақида келажак эгаларига тушунчалар берилаётir.  
”

Оиласидан низолар сабабли ажралиш ёқасига келиб қолган ёш оиласарга олtinga тент насиҳатлари ва ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб берган ўйтлари сабаб, юзга яқин оиласар яратирилди. Шунингдек, оиласидан маросимлар, тўй-ҳашамларда дабдабабозлик, исроғарчилликларга йўл қўймаслик борасида ҳам пиру бадавлатларимизнинг ҳиссаси катта бўлаётir.

## Нуронийлар барчага ибрат

Софлом турмуш тарзини тарғиб қилишда нуронийларимизнинг пешқадам экани бизни кувонтиради. Чунки серҳаракат, спортта ошно кишини бирон хасталик безовта қилмайди, соғлом бўлади. Чунончи, «Беш минг қадам» ташабbusи ҳаракатидаги маҳаллаларимиздаги тўрт мингдан зиёд нуроний ёшларга ибрат кўrsатди.

«Обод ва ҳафсиз маҳалла» тамойили асосида жиноят муасасаларидан озод этилган ва жиноят содир этишга мояиллиги бўлган ёшлар билан ишлашда уларнинг ҳаётий тажрибалари, айниқса, кўл келмоқда. Стиртли ичимликларга ружу кўйган, нотинч оиласар, хорижий мамлакатларда бўлиб қайтган фуқаролар билан кексаларимиз алоҳида сухбатлар ўтказишяпти. Бундай фуқароларга Ҳаж сафарига борган кексаларимиздан мураббийлар бириктирилмоқда.

## Ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи

Ёшлар тарбиясига ижтимоий фаол кекса авлод вакилларини кенг жалб этиш мақсадида туманимизда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда нуронийларимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида Халқ таълими ҳамда Мудофаа ишлари бўлими билан «Ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда кекса авлод вакилларининг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқилди ва ижрога йўналтирилди.

Хонадонларимиз пиру бадавлатлари билан жойларда учрашувлар, давра сухбатлари ташкил этиш анъанага айланиб ултурган. Бу тадбирларда она Ватанга муҳаббат, юрт корига камарбаста бўлиш каби эзгу масъулият залвори ҳақида келажак эгаларига тушунчалар берилаётir.

## Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

Нуронийларимиз томонидан туманимиз худудларида жойлашган барча мактаблар, касб-хунар колледжлари, тиббиёт бирлашмалари, боғчаларда жамоатчилик назоратлари ўрнатиляпти.

Уруш ортида хизмат қилган 140 нафар кексаларимиз эса ҳамиша



**Шавкат ЧОРШАНБИЕВ,  
Чироқчи тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
қўллаб-куватлаш бўлими  
бошлиғи.**

эъзозда. Пандемия даврида уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олини, 35 миллион сўм пул маблағлари тарқатилди.

«Кексалар ойлиги» доирасида туманимиз нуронийларининг Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларига саёҳатлари ўюстирилди.

Шунингдек, туман ҳокими ташабbusи билан 104 нафар кам таъминланган ёши улуғларнинг тарихий Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига зиёратлари ташкил этилди.

## Ташабbusлар давом этмоқда

Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш бўлими ҳамда Ҳалқ таълими бўлими ҳамкорликда умумтаълим мактабларида «Нуронийлар тарбиявий соати» гурухлари тузилди. Улар ҳафтада бир маротаба ўқувчилар билан самимий мулокотда бўлишяпти.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳукуқбузарларининг олдини олишида ҳам кексаларимизнинг ҳаётий тажрибаларига сунятилди. Бу борадаги тарғибот тадбирларини тизимли ташкил этиш мақсадида тадбирлар режасини ҳам ишлаб чиқсанмиз.

## «Нуронийлар жамоатчилик кенгаши»

Туман бўлимимизда тузилган «Нуронийлар жамоатчилик кенгаши» аъзолари эса «Кексалар маслаҳати» гурухлари ва «Бувижонлар мактаби» тўгараклари фаолияти мониторингини олиб боришяпти. Бу олдинга қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш, фаолиятимиз самародорлигини оширишта хизмат қиласетir.

Кекса авлод вакилларини жамиятимизнинг фаол иштирокчисига айлантириш, оиласидан мустаҳкамлаш, оиласидан кадриятларни сақлаш ва ривожлантиришдаги бу саъй-ҳаракатлар шиддат олса оладики, асло сусаймайди.



**Энди раҳбарлар ҳафтада камида бир марта ишта  
хизмат автомобилисиз келиб-кетади.**

# **БИР ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ**

Қадим-қадимдан оила таъминоти, ундаги ички муҳит барқа-рорлиги, эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги илик, самимий муносабат ўзбек маҳаллала-рига хос қадрият бўлиб келган. Оила аҳиллиги ва тотувлигига қараб, маҳалла оқсоқоли ишига баҳо берилган. Демак, маҳалла ва оилани бир-биридан ажратилган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди, улар гўёки бир тарози-нинг икки палласидир. Айниқса, даромади бўлмаган, камбағал оилаларни аниқлаш ва уларни имкон қадар қўллаб-қувватлашдек устувор вазифа туман маҳалла ва оилани қўл-лаб-қувватлаш бўлимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Эхтиёжманд  
оилалар қанча?

Даромад топиш бобида қий-  
налиб қолган оиласарни давлат  
миәсисида құллаб-қувватлаш ва  
сонини қысқартыриш бүйича кенг  
құламли ишлар амалга оширил-  
моқда. Аммо бунга қисқа муддат-  
да әришиб бўлмайди.

Хар бир худуддаги сингари туманимизда ҳам кам даромад оилаларни аниқлаш бүйича белгиланган талабларга эътибор қаратилмоқда. Маҳалла ва оиласи кўллаб-кувватлаш вазирлиги томонидан берилган кўрсатмага мувофиқ, сектор раҳбарлари ва оқсоқоллар иштироқида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, якка-ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлған, доимий ишсиз, карантин туфайли ишсиз қолган ҳамда оғир эпидемиологик худуд-



дан қайтариб келингандар фуқарола-  
ри бор оиласылар эхтиёжманлар  
қаторига кирилди.

Хисоб-китобларга кўра, бу тои-фадаги оиласалар сони 2 минг 733 та бўлиб, жами аъзолари сони 12 минг 180 нафарни ташкил этмоқда. Шундан 2 минг 647 киши меҳнатга лаёкатли, аммо ишсиздир.

**Бирни берганга  
үн карра қайтсин!**

«Үнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин». Топиб айтилган гап. Қийналган кишига хайр-саҳоват қўлганнинг савобини бу нақлга амал қўлганлар чукур англашади. Туманимиз маҳаллаларида ишнинг кўзини пухта биладиган, катта-катта даромад топиб, ўз оиласи фаровонлигини таъминлаётган ва муайян улушини эл-улусга тарқатишдек эзгу ниятни дилига туккан ишибилармонлар сони тобора кўпаймоқда. Бу йилги қийин вазиятда улар аҳолининг ночор қатламларини қўллаб-кувватлашдек хайрли ҳаракатда ташаббускор бўлдилар.

«Темир дафтар» тизими йўлга қўйилгач, «Саховат ва қўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида жамғарма ташкил этилишининг биринчи ҳафтасидаёқ косонлик саховатпеша 83 нафар тадбиркорлик субъекти бунга 1 млрд. 901 млн. 907 минг сўм ўтказиб берди. Ана шу сумманинг 1 млрд.



800 миллион сүмини 7 хилдаги озиқ-овқат маңсулотларини харид қилишта йұналтириб, мұхтож оиласларга расамади билан тақ-симладик.

Шунингдек, 120 та хонадонга умумий қиммати 299 млн. сўм-лик чорва моллари тарқатилди. Бундан боши кўкка етган аҳоли вакиллари хайр-саҳоват қилган тадбиркорларни «Бирингизга ўн карра қайтсан!» дея дуо қилишиди

## **МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:**

Косон туманида иккита йирик лойиҳага қўл урилиб, «Бунёдкор» МЧЖнинг иккинчи босқичи ишта туширилиши ҳисобига 854 та иш ўрни яратилди. Янги «Косонзамин» корхонасида эса 150 нафар киши иш билан таъминланди.

## Мәхнат қылғаннинг косаси оқаради

Олма пиш, оғзимга туш, дейди-  
ган даврлар ўтиб кетди. Бироннинг  
қўлига қараш, муте бўлиб яшашдан  
ёмони йўқ. Тўрт мучаси соғ, қўл-  
оёғи бутун одам бундай кайфиятта  
берилмаслиги керак. Қолаверса,  
бирор қилган хайр-саҳоватнинг ро-  
ҳати кўпга бормайди. Ахир, «Қўлдан  
берганга күш тўймайди».

Маҳалла ва оиласи күллаб-кувватлаш бўлими томонидан аҳолининг айрим қатламларига хос боқимандалик кайфиятини йўқотишга жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Мехнатта лаёкатли кишиларни бу иллатдан ҳолос қилмас эканмиз, камбағаллик, ночорликка нуқта кўя олмаймиз. Туманимизда жами 287 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Оиласлар сони 50 минг 102 та.

Мавжуд маҳаллаларимизда олиб

---

Нодира ҚОДИРОВА,  
Косон тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оилани  
қўллаб-қувватлаш бўлими  
бошидиги

борилган кенг қамровли тарғибот ишлари натижасида 45 та оиласда тадбиркорлик йўлга кўйилди. 15 нафар фуқарога субсидия тартибida иссиқхона куриб берилиши билан улар мева-сабзавот етиштиришта киришдилар. Ўзини ўзи уй шароитида банд қилган фуқароларимиз сони 672 нафарга етди. Умуман олганда, ҳалол меҳнат қиласман, оиласми мөддий жиҳатдан таъминлайман, деган кишига ишнинг хили кўп. Энг муҳими, меҳнат қилганинг косаси оқаради, бирорвга қарамликдан қутулади. Демак, бу йўналишдаги ишларни изчил давом эттиришимиз керак.

## Хотин-қызларнинг ўз ўрни бор

Юқорида маҳалла ва оиласни та-  
розининг икки палласига қиёслас-  
дик. Халқимизда эр подшоҳ бўлса,  
аёли вазир, деган гап ҳам бор. Бу  
оиласвий ташвишларда эркак ки-  
шига хотини ҳам елкадош бўлиши  
кераклигини англатади. Агар уйда  
ўтириб қолган хотин-қизларнинг  
мехнат қилиши учун шарт-ша-  
роит яратилса, улар ўз оиласини  
моддий жиҳатдан таъминлашга  
жон-жаҳди билан ҳаракат қиласиди,  
ишлашнинг завқини туяди.

Масаланинг бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ишчи турухи томонидан анкета-сўровнома асосида 22 минг 322 нафар хотин-қиз хатловдан ўтказилди. Шундан 1090 нафари «Аёллар дафтари»га киритилди. «Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, ана шу ойдан бошлаб 120 нафар опа-син-гилларимизга тикувчилик, 120 нафарига сартарошлиқ, пазандалик, 120 кишига гилам тўқиши сир-асрорларини ўргатиш учун шарт-шароит яратилмоқда. 30 нафар аёлга 637 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Маҳалла оиласдан таркиб то-  
пади, оила эса маҳалланинг бир  
бўлагидир. Уларни бир-биридан  
ажратиб, тасаввур қила олмаймиз.  
Маҳалла ва оилани қўллаб-кув-  
ватлашнинг янги тизимга айлан-  
тирилишида ҳам айнан шунга  
ишора бор. Бинобарин, ҳар иккала  
тизимни янада жисплаштирсак ва  
яқинлаштира олсак, бу жамияти-  
миз ривожига катта йўл очади

# Камбағалликни

## фақат «бер-бер» билан қисқартириб бўлмайди

Самарқанд вилоятининг энг олис ва чекка худуди бўлмиш Пахтачи туманида аҳоли, асосан, қишлоқ хўжалиги экинлари экиш ва етишириш билан шуғулланади. Шу боис бу ердаги ийғинлар худудида асосий эътибор томорқа ерларидан самарали фойдаланиш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилмоқда. Камбағалликни қисқартириш бўйича рўйхатта олинган оиласларнинг доимий даромад манбанин яратиш ва меҳнаттага лаёкатли аъзоларини иш билан таъминлаш масаласи доимий диққат марказимиизда турибди.

### Иссиқхона – кони фойда

Шу мақсадда туманинг «Кўрпа» маҳалла фуқаролар ийғини худудидаги 3 гектар ерга 300 дан ортиқ иссиқхоналар барпо этилиб, бу иссиқхоналар «Ёбу», «Истиқбол», «Кўрга», «Кувондик», «Мирзо Нодим», «Сардоба», «Тинчлик», «Гўрўғли», «Худойберди», «Тўғолон» сингари 10 дан ортиқ маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оиласларнинг ҳар бирига 1 сотихдан субсидия асосида берилди. Бу иссиқхоналарнинг ҳар бири учун 8 миллион 400 минг сўмдан бюджет маблағи сарфланди. Яқинда вилоят ҳокими Эркинjon Турдимов бу ерга келиб, иссиқхонада меҳнат қилаётган одамлар билан учрашди. Одамларнинг хурсандчилиги, кувончини кўрсангиз эди. Ҳозирги кунда иссиқхоналарда иш қизғин. Аҳоли мазкур худудда экин экви парваришиламоқдалар.

«Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамоили асосида иш ташкил этилган «Султонобод» маҳалла фуқаролар ийғинидаги ҳар 10 хонадоннинг 8 тасида худди шундай иссиқхоналар мавжуд бўлиб, бу ерда аҳоли, асосан, помидор ва бодринг етишириш билан шуғулланади. «Кувондик» маҳалласида яшовчи Шоназар Ҳасанов эса бундан 6 йил аввал ҳовлисининг тенг ярмида – 6 сотих ерда иссиқхона куриб, унга лимоннинг серҳосил навли кўчатларидан 60 тасини эккан эди. 2019 йилда 6 сотих ердан 2 тоннадан ортиқ лимон ҳосили олди. Жорий йилда эса 3 тонналик маррани мўлжаллаб турибди.



Шоназар аканинг айтишича, азал-азалдан ер дехқонни боқсан, уни тўйдирганни тўйдирган, кам қилмаган. Ҳозирги пайтда айрим маҳаллаларда 20 сотихли томорқасини ўт босиб ётса-ю, «мен камбағалман, менга ёрдам беринглар!» деб шовқин согланлар учраб қолади. Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай шароитда ҳам бир парча ери бўлган одам агар меҳнатдан қочмаса, камбағал бўлиб қолмайди. Шунинг учун фарзандларимизни ҳам ёшлигидан меҳнат қилишта, ерни севишга ўргатиш лозим.

Шоназар аканинг маҳалладоши Ҳамид Қаландаров эса ҳовлиснинг 12 сотих ерида 6 сотихдан иккита иссиқхона бунёд этган. Иссиқхоналарнинг бирида бодринг, иккincinnсида эса помидор етиширади. 2019 йилда шу иссиқхоналардан олган даромади эвазига «Damas» автомашинаси сотиб олди ва кичик ўғлини уйлантириб, каттасига уй куриб берди.

Отахоннинг ишларини кўриб, ер – хазина, унинг қалити эса меҳнат эканига яна бир бор ишонасан киши. Дарҳақиқат, бизнинг тупроғимизда сувни баҳона қилиб, ерни бўш қолдириш дангасликдан бошқа нарса эмас аслида. Мана шундай баҳоналар билан ернинг умрини беҳуда ўтказаётган томорқачиларга Ҳамид ота ўз маслаҳатларини бериб, томорқадан самарали фойдаланиш усусларини ўргатиб келмоқда. У кишининг ўйтлари сабаб «Кувондик» маҳалласидаги бирорта хонадонда чет элга иш ахтариб чиқувчилар топилмайди, одамлар томорқанинг даромадидан фаронликка эришмоқда.

Бундай миссолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

### Ҳар бир оиласнинг имконияти ўрганиляпти

Пахтачи тумани шароитида чорвачилик, парранда боқиши, асаларичилик, дехқончилик, иссиқхоналарда маҳсулот етишириш жуда қулади. Камбағал оиласларнинг мазкур йўналишларда тадбиркорликни бошлашлари учун ҳар бир сектор худудида қайси оиласнинг рағбати, имконияти ва тажрибаси қандай эканлиги ўрганилиб, уларга шу йўналишга мос равиша амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тажриbamдан келиб чиқиб бир ҳақиқатни таъкидлашни истардим. Камбағалликни фақат «бер-бер» билан қисқартириб бўлмайди. Оила дастурхонининг тўкин бўлиши, биринчи навбатда, унинг аъзоларининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Шу боис жойларда бўлиб, аҳоли билан учрашганимизда уларни иш билан банд қилиш, одамларга тўғри йўналиш бериш, уларни меҳнаттага рағбатлантиришга ҳаракат қиласиз.

Мисол учун, «Тинчлик» маҳалласида ўтказилган учрашууда одамларга бутун ҳар бир фуқаро тадбиркорликка интилиши зарур эканлиги, бу оила иқтисодини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиши, бунинг учун барча шароитлар яратиб берилиши тушунтирилди. Мулоқот якунида кам таъминланган оиласлар вакилларидан соҳага қизиқувчи 26 нафар



Гулчеҳра БОБОНАЗАРОВА,  
Пахтачи тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
қўллаб-кувватлаш бўлими  
бошлиғи.

хотин-қиз тикув машинаси олиш истагини билдириди. Уларга бир ой ичидаги тикув машиналари берилди.

«Фай» маҳалла фуқаролар ийғинида эса аксарият одамлар күён боқиши истагини билдирилар. Бу ердаги 17 та хонадонга қўённинг зотдор «Великан» тури тарқатилди. Ҳозирда аҳоли бу қўёнлардан дастлабки даромад ола бошладилар.

Ҳудудий ишчи групкалар томонидан ҳар бир хонадон имкониятлари ўрганилиб, аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун шароит яратиш, яъни бизнес-режа тузишдан тортиб, кредит олиш ва маҳсулотни ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнда ёрдам кўрсатилмоқда. Айни кунгача чорва моллари, зарур маҳсулотлар, майший ва тадбиркорлик қилиш учун керакли асбоб-ускуналар етказиб берувчи вилоятимизда фаолият юритувчи 141 та таъминотчи корхоналар аниқланди. Кредит сўраб мурожаат қилган оиласларга энг кам иш ҳақининг 150 баробаридан 1000 баробаригача миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

### Осмондан чалпак ёғишини куттанимиз йўқ

Вилоятимизнинг кўплаб туманларида бўлгани каби бошпанасиз ийғинлар бизнинг туманимизда ҳам мавжуд. Ҳамма масала бориб-бориб пулга қадалгани боис маҳаллий бюджеттага қачон пул тушар экан, деб қараб ўтириш осмондан чалпак ёғишини куттандек бир гап. Шунинг учун фаоллар билан келишган ҳолда, айрим ийғинларнинг биноларини ҳашар усулида бунёд этишга киришдик. Шу саъй-ҳаракатларимизнинг натижаси ўлароқ, ҳозиргача «Наҳрипай», «Сулувқўргон» каби ийғинларнинг янги биноларини куриб фойдаланишга топширдик. «Қиргули» маҳалла фуқаролар ийғини биносининг қурилиши эса давом этмоқда.



**Тошкент шаҳар транспорт карталари нархи  
15 минг сўм сўнг этиб белгиланди.**

66

Маҳалла шундай бир қизғын жараёнлар маркази, ундағы масалаларни фақат-гина раис ёки унинг ўринбосарлари иштирокида ҳал қилиш қийин. Күтгина ҳолларда бу жараёнга маҳаллий ҳокиммилер, депутатларнинг ҳам аралашуви талаб этилади. Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани ҳокими ўринбосари, туман маҳалла ва оиласи күллаб-куватлаш бўлими бошлиғи Тўлқин Хушмуродов билан сұхбатимиз шу мавзудан бошланди.



— Маҳалла бошқарувида жорий йилдан тизим ўзгарди. Ҳўш, маҳаллага эътибор-чи? У ҳам ўзгардими ёки ҳалиям эскичами?

— Йўқ, маҳаллага эътибор ҳам тубдан ўзгарди. Энди маҳалла масалалари билан фақатгина раис ёки унинг ўринбосарлари эмас, маҳаллий ҳокиммилер ҳам шуғулланмоқдалар. Тизимдаги юзага келәётган муаммолар халқ депутатлари туман Кенгаши сессиярида мунтазам равишда муҳокама қилинмоқда. Жўмладан, жорий йилнинг 7 июль, 10 август ва 14 октябрь куни бўлиб ўтган сессияларда тумандаги мавжуд камбағал оиласарнинг ижтимоий ҳолатлари кўриб чиқилиб, 735 та оила камбағалар рўйхатидан ўчирилган. Шунингдек, аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Натижада туман ҳокимлиги, туман Фермер, дехқон хўжаликлири ва томорқа ер эгалари Кенгаши, «Агробанк» туман филиали ва тумандаги томорқа хизматлари ташаббуси билан дала ишларида аҳолига зарурий шарт-шароитлар яратиш, аҳоли томорқаларига сабзавот ва полиз экинларини етиширилишини кўпайтириш мақсадида жўяқ олиш, ер ҳайдаш, ерни юмшатиш каби хусусиятларга эга бўлган мотокультиваторлар келтирилди.

Туман ҳокими иштирокида 2020 йил 20 май куни 12 нафар фуқарога дастлабки мотокультиваторлар топширилди. Шунингдек, туман Бандликка кўмаклашиш

# МАҲАЛЛА МУАММОЛАРИ фақат раисники эмас...



маркази томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оиласарнинг 16 нафарига иссиқона ва 93 нафарига сугориш воситалари берилди.

— Худудда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш бўйича нималар қилинмоқда?

— «Нуробод туманида хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-куватлашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар дастурига асосан, тумандаги 45 нафар эҳтиёжманд, ногиронлиги бор ва бокувчисини йўқотган хотин-қизларга газ плиталари ва баллонлари ҳамда 2 нафарига кир ювиш машинаси, 25 нафарига тикив машиналари топширилди.

Шунингдек, жорий йилда ғалладан бўшайдиган майдонлarda такрорий экинларни экиш бўйича тумандаги 11 та йиғиндан 135 нафар камбағал фуқаронинг рўйхати шакллантирилди ва улар 27 та фермер хўжаликларига бириктирилди. Фермерлар томонидан бу одамларнинг ҳар бирига 1 гектардан такрорий экин экиш бўйича ер ажратилиб, фермер хўжалиги томонидан мosh экиб берилди. Шунингдек, тасдиқланган жадвалга асосан, аҳоли хонадонларидағи 114,4 гектар ер майдонларига пиёс ва саримсоқлиёс экинлари экилди.

— Нурободда биносиз йиғинлар масаласи ҳам долзарб эканидан хабаримиз бор. Айтинг-чи, бу борада туманда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Янги йилда янги бинога кўчиб кирадиган йиғинлар кўпайдими?

— 2020 йил сентябрь ойида «Олтинсой», «Бошкудук», «Ўртабуз» маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Айни пайтда эса тумандаги «Мехнаткаш», «Лозор», «Сарикўл», «Нурафшон» фуқаролар йиғинларида ҳашар йўли билан янги маҳалла биносини

куриш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, 2020 йил давомидаги тумандаги 10 та — «Амир Темур», «Сазағон», «Машъал», «Сарой», «Нурбулоқ», «Пўлатчи», «Навбаҳор», «Аработка», «Қўргонча», «Улус» йиғинлари бинолари жорий таъмирдан чиқарилди.

«Амир Темур», «Шарқ Юлдузи», «Оқсой», «Сарой», «Мехнаткаш», «Тегирмонбоши», «Олтинсой», «Кечкелдик», «Қиличли», «Бунёдкор» «Навбаҳор», «Булоқбоши», «Олға», «Ўртабуз» каби 10 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларидағи компьютер жамланмалари эскириб, яроқсиз ҳолатта келиб қолганлиги сабабли туман ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан уларга 14 дона компьютер жамланмаси олиб берилди. 6 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг компьютер жамланмалари эса туман ҳокимлигининг маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан қайта таъмирлаб берилди.

— Эҳтиёжманд оиласар масаласи нима бўляпти?

— 2020 йил 30 октябрь куни тумандаги «Қиличли», «Олға», «Дўстлик», «Нурдум», «Олтинсой», «Пўлатчи», «Машъал» маҳаллаларидағи 8 та камбағал оиласа туман бўлими томонидан 263 дона уйининг том қисмини ёпиш учун курилиш материаллари тарқатилди.

Бундан ташқари, карантин даврида жами 200 нафар ногирон ва ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаро ҳолидан хабар олиниб, улар 200 килограммдан ортиқ гўшт, 600 килодан ортиқ картошка, 800 кг. ун, 400 кг. ёғ, 3000 дона тухум ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Бундан ташқари, 1-сектор ҳудудида жойлашган 9 та маҳалла ҳудудидаги ҳомийлар томонидан 227 нафар камбағал, ногирон, эҳтиёжманд оиласарга озиқ-овқат маҳсулотлари берилган.

— Кейинги вақтда маҳалланинг асосий вазифаси ижтимоий, моддий ёрдам кўрсатишдан иборат бў-



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Туманда жами 37 та фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларда 150 минг 400 нафар аҳоли, 27 минг 923 та хонадон, 35 минг 22 та оила истиқомат қилади. Хусусан, жами аҳолининг 75 минг 592 нафари аёллар, 78 минг 686 нафари ёшларни ташкил этади.

Туманда 1 минг 893 та камбағал оиласарнинг рўйхати шакллантирилган. Унинг таркибида 325 та бокувчисини йўқотган оила, 367 нафар ногиронлиги бўлган шахс, 1002 нафар ишсиз, 94 нафар беш ва ундан ортиқ фарзанди борлар, 20 нафар узоқ муддатта чет элга кетган, даромадсиз юрганлар, 85 нафар бошқа сабабларга кўра камбағал оиласар киритилган.

либ қолмаяптими?

— Бир қарашда шундай туюлади. Аммо маҳаллада кечаётган жараёнларга чуқурроқ назар солсангиз, мутлақо бошқа манзаранинг гувоҳи бўласиз. Биринчидан, жорий йилнинг бошидан бошлаб маҳаллада нафақат бошқарув тизими, балки унинг фаолияти мазмуни-моҳияти ҳам тубдан ўзгариб кетди. Иккинчидан, илгари фаолиятини сиз юқорида қайд этган юмушлардан иборат деб билган йиғин бугун қайсида манзаранинг маданий-маърифий марказга, аҳолининг ижтимоий муаммолари билан тегишили ташкилотлар ҳамкорлигига шугулланадиган расмий идорага айланяпти. Учинчи, энг муҳим омил эса — одамларда бошқача дунёқараш шаклланмоқда. Аммо ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп.

— Мазмунли сұхбатингиз учун ташаккур!

«Mahalla» мұхбири  
Ермамат РУСТАМОВ  
сұхбатлашды.

# БОҒДОРЧИЛИК — қўшработликларниң қонида бор...

Доимо қиш ва баҳорнинг серёғин келишини ният қилиб, ёмғир ва қорни барака, деб билиб, меҳнат қиласидан ган қўшработликлар бугун фақат чорвага ёки лалми дехқончиликка кўз тикиб қолмаган. Улар бугун олтинга тенг ерларидан самарали фойдаланиши, кўпроқ даромад олишни ўрганмоқда, бунга одатланмоқда. Худудда 16 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиласиди. Улар, асосан, майиз тайёрлаб, унга қайта ишлов бериб, экспорт қилишга ихтисослашган тадбиркорлик ва боғдорчилик билан шуғулланадилар.

## Излаган имкон топар

Олдинлари Қўшработ дегандан, фақат чорвага ихтисослашган, чўл туман тушуниларди. Чунки 215 минг гектар умумий ер майдонининг 39 минг гектаригина ҳайдаладиган, лалми ерлар бўлган. Фақат ғалла, нўхат экилган. Одамлар дехқончилик билан деярли шуғулланмаган. Бунга имконият ҳам бўлмаган. Кейинги йилларда эса давлатимиз раҳбари томонидан қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу орқали ҳалқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш баробарида етиштирилган маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш имкониятлари кенгайди.

Бундай имконият бугун Қўшработда ҳам яратилмоқда. Чунки энди осмонга қараб, қачонки йил серёғин келса, чорва ҳам, лалми дехқончилик ҳам яхши бўлади, деб ўтириш ярамайди. Худудда ер ости сувларидан унумли фойдаланилмоқда. Сабаби еримиз унумдор, шўрланмаган. Кейинги икки йилда туманга хориждан 20 дан ортиқ замонавий бургулаш техникалари олиб келинди. Улар ёрдамида 300 метргача ер остидан сув чиқаришга эришилди. Бунинг натижасида



қарийб 5000 та аретизиан кудуғи қазилиб, 8 минг гектар ерни суғориш имконияти яратилди. Одамлар имтиёзли кредит эвазига артезиан кудуғ қаздириб, дехқончилик қилишини бошлади, боғлар яратяпти.

## Янги даромад манбалари ташкил этилмоқда

Токзорлар ташкил қилиб, узум етиштириш, майиз тайёрлаш қўшработликлар учун анъанавий боғдорчилик ҳисобланади. Бугун бу анъанани давом эттириш имкониятлари кенгайди. Кейинги икки йилда аҳоли томонидан 600 гектар, дехқон ҳўжаликлари томонидан 1000 гектар, фермер ҳўжаликлари томонидан эса 4,5 минг гектар токзор барпо этилди.

Фақат бу эмас, энди бу соҳибкорлар ток қатор орасида дехқончилик қилишини ҳам ўзлаштириди. Шу пайтгача Қўшработда одамлар ток орасида экин экмаган, бунга имконият ҳам бўлмаган. Сабаби сув муаммоси, қолаверса, бу борада тажриба, кўнкимнинг йўқлиги ҳамdir. Энди эса сув бор, тажриба ҳам орттириш мумкин.

Бу масалада Наманганд вилоятининг Чуст тумани дехқонлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўтган йил Чустдан 70 та оила келиб, туман фермерлари билан

## ДАРВОҶЕ...

Қўшработ туманида қишлоқ ҳўжалиги билан чекланниб қолмай, тадбиркорлик, саноатни ривожлантириш, замонавий хизматларни йўлга қўйиш борасида ҳам манзилли дастурлар асосида иш олиб борилмоқда. Биргина жорий йил бошидан буён тадбиркорлик субъектлари 134 тага кўпайди. Пандемия сабабли фаолиятини тўхтаттан 318 та якка тартибдаги тадбиркорнинг 248 таси фаолияти тикланди. Бошқаларига ҳам зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, 14 та тадбиркорлик субъекти фаолиятини тиклаш учун туман тижорат банклари томонидан 229 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Бирга ишлади. Ток қатор ораларида сабзавот ва полиз экинлари парваришилади. Демак, Қўшработда ҳам картошка, пиёз, сабзи етиштириб, мўл ҳосил олса бўлар экан. Фақат лалми эмас, «плёнка» остида ҳам қовун-тарвуз парвариша мумкинлиги амалда исботланди. Бу йил энди фермерлар, туман аҳолиси ўзи бу фаолият билан шуғулланяпти. Намангандан 150 тадан ортиқ оила келиб, уларга қўмаклашди. Бу усул билан аҳоли даромади ошиб, оиласлар фаровонлиги таъминланмоқда.

## Майиз даромад манбаига айланган

Майиз, асосан, Қўшработдаги ҳўжаликлар ҳамда вилоятнинг бошқа туманларидан олиб келиниб, қайта ишлаш учун хонадонларга тарқатилади ва уларга шу ерда қайта ишлов берилади. Мисол учун, «Қийқим» маҳалласи-



**Машхура ШАМСИЕВА,**  
Қўшработ тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
қўллаб-куvvatlash бўлими  
бошлиғи.

да 130 нафар, «Шовона» йиғинида 500 нафар, «Кўргон» маҳалласида 800 нафар, «Хонназар» йиғинида 450 нафар хотин-қиз майиз саралаш ва уларни қадоқлаш билан банд. 1 кило майизни экспортга тайёрлаш учун аёлларга 1000 сўмдан пул бериляпти. Бу ерда меҳнат қилаёттган хотин-қизлар бир кунда 100 минг сўмдан 120 минг сўмгача меҳнат ҳақи олади. Уларнинг ўртача ойлик даромади эса 3 миллион сўмдан ошади. Биргина «Шовона» маҳалласида 7 нафар тадбиркор ҳар мавсумда 1000 тоннадан зиёд майизни қайта ишлаб, тури давлатларга экспорт қилиш учун тайёрлашади.

Бу юмушлар давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибига солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган.

Шунингдек, тайёрланган барча маҳсулотлар экспорт қилинади. Туманда 4 нафар йирик экспортёр, 21 нафар экспортёр билан ҳамкорлиқда иш олиб борувчи кичик тадбиркорлар фаолият кўрсатишади. Улар қадоқланган майизни Россия Федерацияси, Эрон, Хитой, Туркия, Қозогистон, Чехия ва бошқа давлатларга экспорт қилмоқдалар.

Яна бир гап, бир неча йилдан бери маҳаллалар хотин-қизлари шу иш билан шуғулланиб келишади. Иш билан банд бўлса-да, аммо унинг расмийлаштирилмагани учун улар келгусида пенсия олмаслиги мумкин. Шунинг учун тегишили идоралардан рўйхатдан ўтиб, бир йилда бир марта базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баровари миқдорида солиқ тўласалар, келгусида нафақа пулини олиши мумкинлигини тушунтиряпмиз.

Бир сўз билан айтганда, туманимизнинг меҳнаткаш аҳолиси, фермер ва тадбиркорлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, улар эришаётган ютуқлар, кейинги пайтда қақраб ётган даштларда яратилаётган бофу рофлар давлатимиз равнаки учун ўз хиссасини қўшаёттани кувонарли. Юқорида сўз юритганларимиз денгиздан томчидай гап. Бошқа соҳаларда ҳам ишлар авж палласида. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчиси маҳалладошлар томонидан қилинаёттани эса кувонарлидир.



Ховос шаҳарчасида охирги эллик йил давомида биронта кўп қаватли уй қурилмаган. Одамлар эски, тор, зах уйларда яшаб келган. Инфратузилма иншоотлари ҳам оғир аҳволга келиб қолган, сизот сувларининг юқорилиги эса аҳоли яшаш шароитини янада ёмонлаштириди. Президентимиз ўтган йил 19 февралда Сирдарё вилоятига ташрифидан сўнг барчаси ортда қолди. 27 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиласидан Ховос тумани маркази, яъни Ховос шаҳарчаси қайта қуриладиган бўлди.

Унинг ижроси доирасида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майда Ховос тумани марказини ривожлантиришга оид қарори ҳам қабул қилинди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда нафақат пойттахт ёки вилоят марказларида, балки туман, олис худудларда ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланиб, бандлиги таъминланмоқда. Ҳўш, бугунги Ховос кечагидан қандай фарқ қиласидан? Қандай лойиха ва ташаббуслар амалга оширилди? Бугун ховосликлар бошқа туманлардан қандай ишлари билан ажralиб туради? Бу ҳақда Ховос тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Тоҳир Шодиевнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

– Бугунги Ховос кечагидан тубдан фарқ қиласидан, айниқса, Ховос шаҳарчаси, – дейди Тоҳир Шодиев.

– Президентимизнинг топшириклиари асосида Ховос сити қурилиб, ҳақиқий маънода туман марказига айлантирилди. Айни пайтда бош режага асосан, Ховос шаҳарчаси марказида тижорат банклари томонидан қурилаётган 10 та 5 қаватли 240 хонадонли уйлар яшаш учун тайёр ҳолга топширилди. 20 та 5 қаватли 600 та хонадонли арzonлаштирилган уйлар эса қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яна 100 та 2 сотихли 3 хонали арzonлаштирилган уйлар бунёд этилиб, фуқароларга тақсимлаб берилди. Ҳомийлик ҳисобидан ҳам ана шундай 50 та 2 сотихли арzonлаштирилган уйлар қурилиб, кам таъминланган, иқтисодий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бўлган оилаларга фойдаланишга топширилди. Шунингдек, маҳаллий ҳоқимлик ва бошқарув органлари бинолари, Давлат хизматлари агентлиги, тижорат банклари, мактаб, истироҳат бозори, хотира майдони, кинотеатр, кутубхона, масжид, бозор, савдо ва майший хизмат шоҳобчаларида ҳам қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Янги уйга кўчиб келганларни иш билан таъминлаш ва доимий да-

# БУГУНГИ ХОВОС КЕЧАГИДАН ТУБДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ



Туманда 2500 йиллик тарихига эга бўлган Ховос қишлоғи, Ховос тепалиги мавжуд бўлиб, у ерда Саъду Сайд зиёратгоҳи таъмирланиб ободонлаштирилди.



ромад манбаига эга бўлишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда бу ерда тикув цехи ишга туширилиб, 200 нафар аёллар муким иш жойига эга бўлишиди.

## Маҳаллалар иш фаолиятида қандай ўзгариш бўлди?

– Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилгач, ҳар бир маҳалла «Обод ва хавфисиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизим жорий этилди, – дейди Тоҳир Шодиев. – Ушбу тизимни самарали амалга ошириш учун тизим ходимларига муносиб иш шароити яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Барча қуайликларга эга бўлган, 2 қаватдан иборат туман хоқимлигининг биноси Ховос тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими балансига ўтказилиб, хизмат автомашиналари билан таъминланди. Қисқа иш фаолиятимиз давомида биносиз бўлган «Бинокор», «Бунёдкор» ҳамда «Қаҳрамон» маҳалла фуқаролар йиғинларига янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Дўстлик» маҳалласига ҳам алоҳида бино ажратилиб, «Чаманзор», «Ховособод», «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари туман ҳоқимлиги ҳамда ҳомийлар томонидан ажратилган 180 млн. сўм маблаг хисобидан капитал таъмирланиб, реконструкция қилинди. Туман ҳоқими ташаббуси билан 21 та маҳалла интернет алоқаси билан таъминланди. Энг муҳими, йиғин ходимлари ўзларига таалуқли бўлмаган иш ва йиғилишларга жалб этилмаслиги, қора металл парчалари йиғиш ҳамда коммунал тўловларни ундиришига жалб этишлар тутатилди.

## Пандемия даврида аҳоли бандлиги қандай таъминланмоқда?

– Дарҳақиқат, коронавирус ишсизлар сонини ошириди, – дейди Т.Шодиев. – Бироқ карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган фуқаролар ташлаб қўйилмади, улар зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, гигиеник воситалар билан таъминланниб борилди. Президентимиз ташаббуси билан йўлга кў-

йилган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида тумандаги 717 та кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга 7,3 тонна картошка, 2,8 тонна гүшт, 8,5 тонна гуруч, 2,6 тонна шакар, 4,9 тонна макарон, 3,8 тонна ўсимлик ёғи, 10,8 тонна ун каби 72 млн. сўмлик маҳсулотлар тадбиркорларимиз томонидан беминнат етказиб берилди.

Тумандаги ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида «Ҳамза – Ҳуснибод» кооперативи ташкил этилиб, «Ҳуснобод» маҳалласидаги 19 гектар захирадаги ер майдони ишсиз аҳолига ажратиб берилди. Кооператив худуддаги 20 нафар кам таъминланган ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлади. Худди шундай кооператив «Пахтакор» маҳалласида ҳам ташкил этилиб, 5 гектар ер майдони 20 нафар ишсиз ёшга ажратилиб ишли қилинди. Уларга «Бандлик жамғармаси» маблағларидан жами 88 млн. сўм субсидия маблағлари ажратилди.

2021 йилнинг I чорагида «Шарқобод», «Қайирма», «Янгиер» маҳаллаларида ҳам ана шундай кооперативлар ташкил этилиб, 60 нафар уюшмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила фарзандлари иш билан таъминланади.

Ишсиз аҳолини иш билан таъминлашда тадбиркорлар ҳам катта хисса қўшмоқда. Ҳусусан, тумандаги «Бек кластер» мастиулияти чекланган жамияти туманнинг энг оғир 6 та маҳалласидаги мингдан ортиқ аҳолини иш билан таъминлашни ва карантин давомида уларни моддий рафбатлантириб боришини ўз зиммасига олди. Қувонарлиси, туманда йил бошида 50 та иссиқхона бўлган бўлса, вазирлик ташкил этилганидан кейин 98 та иссиқхона ташкил этилди.

## Бўш иш ўринлари ярмаркаси шунчаки ўтказилмади, аксинча...

Президентимиз томонидан мамлакатимизда аҳолини иж-

тиомий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-хунар коллежи битириувчарини ишга жойлаштириш ҳамда доимий даромадга эга бўлмаган аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жойларда, хусусан, Ховос туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

– Фуқароларни доимий иш ўринларига эга бўлишида меҳнат ярмаркаларининг ўрни алоҳида, – дейди Тоҳир Шодиев. – Куни кеча ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида асосий эътибор алимент қарздорлиги мавжуд, лекин доимий иш жойига эга бўлмаган фуқароларга қаратилди. Ярмаркада 413 нафар ишсиз сифатида рўйхатта олинган алимент тўловчилар ҳамда тумандаги банд бўлган хотин-қизлар 50 та корхона ва ташкилотлар томонидан таклиф этилган 401 та бўш иш ўрни билан танишишиди. Меҳнат ярмарка давомида 18 нафар ишсиз алимент тўловчиларга ишсизлик нафақаси тайинланди. 48 нафар фуқаро ишга жойлаштирилиб, 38 нафарига йўлланма берилди.

## «Қаҳрамон»ликларнинг узғи яқин, оғири енгил бўлди

Ховос тумани Сирдарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош худудида жойлашган. 94 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиласидан тумандаги марказдан олис худудлар ҳам анчагина. Шулардан бири «Қаҳрамон» маҳалласи бўлиб, туман марказидан 35 километр олисда. Шу боис ушбу маҳаллада Ховос туман Давлат хизматлари маркази шоҳобчasi ташкил этилиб, 143 турдаги давлат хизматлар фаолияти йўлга кўйилди. Бу нафақат «қаҳрамон»ликларнинг, балки қўшни «Пахтакор», «Ҳуснобод», «Бўстон», «Бинокор», «Янгиер» маҳаллалари аҳолисининг ҳам узғини яқин, мушкулини осон қиласидан.

Ховосликлар бу йил пандемия шароитига қарамасдан пилла, ғалла ва пахта бўйича вилоядаги биринчилар қаторида давлат режасини ортиғи билан уddyалади. Шу боис бободеҳқон миришкорлару фермерларнинг яратувчилик ишлари билан фахрланиб, уларни бугунги кун қаҳрамонлари деб билишади.

Рустам ЮСУПОВ ёзib олди.

# ЯНГИ ТИЗИМ ташаббусларга чорламоқда

Сўнгти йилларда Президентимиз раҳбарлигига маҳалла тизимини ислоҳ қилиш, уни ҳалқил тузилмага айлантириш, унда адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришта жиддий эътибор берилди. Бу йўналишда амалга оширилаётган барча эзгу саъӣ-ҳаракатлар эса фақат бир мақсад – шу юртда яшаётган одамларни ҳайтдан, давлатдан рози қилиш, ҳалиқимизнинг баҳти яшашини таъминлашта қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-кувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Фармон ижроси доирасида Сайхунобод туманинда мавжуд 19 та маҳаллада янги замонавий «Маҳалла марказлари» ҳам курилмоқда. Аҳамиятлиси, «Маҳалла маркази» бинолари ота-оналар, мактаб ҳамда маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида маҳалладаги умумий ўртатаълим мактаблари худудида қурилмоқда. Барча «Маҳалла марказлари» биноси қурилиши учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 1,4 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Бинолар 5 та хонадан иборат бўлиб, 4 та хона маҳалла ходимлари учун, 1 та хона кутубхона учун ажратилди. Кутубхонага маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 1000 дона китоб олиб берилиши орқали 1 нафар ишсиз аёл иш билан таъминланади. Бундан ташқари, 1 нафар ишсиз ёш тадбиркор сифатида банқдан 20 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, пуллик компютер хизматини ташкил қиласи. Бугунги кунда ушбу «Маҳалла марказлари»нинг 5 таси битказилди ва тўлиқ жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди. Қолган 14 та «Маҳалла маркази» бинолари ҳам йил якунига қадар қуриб битказилади.

## Номзодларнинг бирини маҳаллий ҳокимлик тавсия қилиши керак

Фаолларимиз бундай шароитлардан сўнг янада фаол ишлашмоқда. Янги таклиф, ташабbus ве тоғояларни илгари суришмоқда. Масалан, маҳалла раислигига



номзодларнинг бирини маҳаллий ҳокимлик тавсия қилиши таклиф этилмоқда. Бунда маҳаллада обрў-этиборли ва раҳбарлик қобилиятига эга, давлат идораларининг юқори лавозимларида фаолият юритган ёки юритаётган салоҳиятли кадрлар тавсия этилиши керак (аксарият ҳолларда маҳалла раислигига сайловларда муносиб бўлмаган, раҳбарлик тажрибаси ҳам етарли бўлмаган номзодлар кўйилади). Шунингдек, маҳалла раисига маҳаллий бюджетдан кўшимча маблағ ажратиб, ойлик маошини ошириш лозим.

Таклиф асосида «Паймарт» маҳалласини намуналий ийғинга айлантириш мақсадида маҳалла раиси ташаббуси билан нуронийлар, аёллар ва ёшлар Кенгашлари тузилади. Натижада маҳаллада оиласиб ажримлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, камбағал оиласларни камбағалликдан чиқариш ҳамда аҳоли томорқаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўлга кўйилади.

## Жамоатчилик асосида ташкил этиладиган ширкатнинг вазифаси қандай?

Яна бир таклифимиз: «Маҳалла марказлари» қошида таъмирлаштиклар ва ободонлаштириш жамоатчилик ширкатларини ташкил этишdir. Ушбу лойиҳа юқоридаги ишларни изчил жадаллаштириш ҳамда маҳалла институтининг аҳоли олдиғаги нуғузини ошириш, маҳаллада ободонлашириш ишларига доимий эътиборни қаратиш, ички кўчаларни жорий таъмирлаш, мавжуд гидроиншоотларни тиклаш ва таъмирлаш орқали аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш, электр таъминотидаги узилишларни ўз вақтида бартараф қилишга қаратилган. Шунингдек, камбағалликни қисқартириш, аҳолини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш, томорқадан самарали фойдаланишга кўмаклашиш, аҳолига курсатилган коммунал хизматлар учун йигимлар ва маҳаллий солик йигимларини йиғиш билан ҳам шуғулланишади.



**Адҳам БАЙЗАКОВ,**  
Сайхунобод тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
кўллаб-кувватлаш бўлими  
бошлиғи.

та-хунармандларни жалб қилиш ҳамда уларнинг ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида жорий йил февраль ойида Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ҳоким ўринбосари бошчилигидаги делегация 5 кун водий вилоятларида бўлиб қайтади. Уста-хунармандларни жалб қилиш мақсадида маҳсус реклама видеоролиги тайёрланиб, водий телеканалларида намойиши йўлга кўйилмоқда.

Келгусида ушбу курсларда касбга ўқитиш учун водий вилоятларидан 50 нафар уста-хунарманд жалб қилинади. Ҳозирги кунда касб-хунар мактаблари биносида таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бошланган. Ҳар бир касб-хунар мактабларида 25 та йўналишда 20 нафардан, жами мингдан ошик ёшларимизнинг ҳар бири бир йилда камида тўрттадан касб-хунар ўрганиш имкониятига эта бўладилар. Натижада тумандаги ишсиз ёшларни касбга ўқитиш орқали уларнинг бандлиги таъминланади. Шу билан бирга, жалб қилинган уста-хунармандлар туманда ўзларининг ишлаб чиқариш ва хунармандчиллик бўйича тадбиркорлигини ташкил қиласи. Ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш учун барча шароитлар яратиб берилади.

Шунингдек, 850 нафар ишсиз аёллар, ёшлар ва пандемия сабаб четдан қайтган меҳнат мигрантлари «Поли тех Сирдарё», «FULL COTTON», «Барака чеварлари», ҳамда «LILY TEXTILE SAYXUN» текстиль корхоналарига ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, ёшлар ва мигрантларни ишга жойлаштириш бўйича 12,5 сотихли хитой технологияси асосида қуёш нури билан иситиладиган иссиқоналарни қуриб бериш лойиҳаси йўлга кўйилмоқда. Бунинг натижасида 1296 та янги иш ўринлари яратилади. Лойиҳанинг бирдан-бир мақсади – аҳолининг камбағал, кам таъминланган қатлами ва килларига тайёр бизнесни йўлга кўйиб беришдир.

Бу йил жуда синовли келди. Коронавирус балоси етмаганидек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида табиий-техноген оғатлар рўй берди. Қувонарлиси, Президентимиз иккала жойга ҳам зудлик билан етиб бориб, вазиятни ўз назоратига олган эди. Давлатимиз раҳбари ўшанда «Сабр қилиб, оғирликни елкамизга олиб, чидашибимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди», деган эдилар.

Дарҳақиқат, биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмади. Бевосита Президентимизнинг ташаббус ва сайд-ҳаракатлари билан Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманлари-даги бир қанча аҳоли пунктлари, ижтимоий соҳа обьектлари, қишлоқ хўжалиги экинларига етказилган жиҳдий талафот зудлик билан бартараф этилиб, қисқа муддаларда авария-тиклиш, қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Сардоба сув омбори тӯғонининг ёрилиши оқибатида 2 минг 211 та хонадон яроқсиз ва 2 минг 499 таси таъминалаб ҳолатга келиб қолган эди. Давлатимиз раҳбари ўшанда бу ахволни кўриб, вайрон бўлган маҳаллаларни нафакат олдинги ҳолатига қайтариш, балки ундан-да яхши қилиш, ҳамманинг ҳаваси келадиган масканга айлантиришга ваъда берган эди.

Шу мақсадда учта худуд танланиб, 50 гектар майдонда 86 та 5 қаватли уй-жой барпо этилди. Ҳусусан, Мирзаобод туманидаги янги ташкил этилган «Янги Ўзбекистон» маҳалласида 800 та хонадондан иборат 40 та кўп қаватли уй, «Навбаҳор» маҳалласида 360 та хонадондан иборат 9 та кўп қаватли уй қурилди.

### Янги уйлар ўз эгаларига топширилмоқда

Ҳозирда мазкур уй-жойларни ўз эгаларига топшириш жараёнлари кетяпти. Бугунги кунда «Навбаҳор» маҳалласида қурилган 360 ўринли уйлардан 126 тасига, «Ҳақиқат» маҳалласи худудида янги куриб битказилган кўп қаватли уйлардан иборат массивни ўз ичига қамраб олган «Янги Ўзбекистон» маҳалласидаги 302 хонадонга мирзаободликлар кўчиб киришди. Шунингдек, «Навбаҳор» маҳалласида 396 та хонадон, «Ҳақиқат» маҳалласида 204 та хонадон таъмиланиб ўз эгаларига топширилди. Табиий газ ва тоза ичмилк суви билан таъминланиб, ички йўллар тўлиқ таъмилланди. 340 ўринга мўлжалланган мактаб биноси янгидан қад кўтармоқда. Болалар боғчаси ва ҚВП қайтадан таъмиланиб топширилди. Шу жумладан, 2 та ма-

# ҲЕЧ БИР ХОНАДОН, ҲЕЧ БИР ОДАМ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАГАНИ

## МИРЗАОБОДЛИКЛАР ИШОНЧИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАДИ



ҳаллада янги маҳалла гузари барпо этилмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, янги қурилган кўп қаватли уй-жойларнинг ўз эгаларига топширилиши, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, одамларни рози қилиш, адолат, шаффофликни таъминлаш жуда муҳим масала. Шунинг учун ҳам мазкур уй-жойларни адолат тамоиллари асосида тарқатиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги ва жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи турар назоратидан бўлиб турибди.

### Янги маҳаллага «Янги Ўзбекистон» номи берилди

Давлатимиз раҳбари талафот кўрган худудларга бир неча бор ташриф буорган бўлса-да, биз у кишининг ҳар доим ёнимизда, биз билан бирга эканини ҳис қилиб турдик. Орадан кўп ўтмади, маҳаллаларимиз бутқул янги қиёфа касб этди. Қисқа муддатда беш қаватли уйлар қад ростлади. Уйлар ҳақиқий ўзбекона қурилгани билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга, ушбу кўп қаватли уйларнинг ҳар қавати ҳамда ертўласида аҳолининг зарур ускуналарини сақлаши учун маҳсус хоналар ташкил этилган.

– Бу йил оиласиз учун қўшалок байрам бўлди. Қизим олий ўкув юртига ўқишига кирди, – дейди «Янги Ўзбекистон» маҳалласида истиқомат қиливчи Сафар Бекбўтаев. – Бугун фарзандларимнинг юзидағи қувончни кўриб, яйрайман. Давлатимизга минг раҳмат, оғир кунларда бизни ташлаб

қўймади. Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги натижасида ўтган давр мобайнида 40 миллион сўм моддий ёрдам берилди. Қисқа вақт ичидан 3 хонали замонавий уйли бўлдик. Янги майший техника воситалари совға қилишиди. Бир сўз билан айтганда, «Янги Ўзбекистон»да ҳаётимизни янгидан бошладик.

Маҳаллада барча зарур шароитлар яратилган. Маҳалла гузаридан новвойхона, сартарошхона, кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Янги боғча ҳам болажонларни қабул қилишга шай. Шунингдек, бу ерда 6 та болалар майдончаси ва йўл қоидаси ўкув майдончаси каби маданий ҳордик обьектлари ҳам аҳоли хизматида.

Муҳим масалалардан яна бири – аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш. Шу боис бу ерда тикувчилик цехи ҳам очилди. Яқин кунларда Сирдарёнинг дунёга машҳур қовун маҳсулотларини экспорт қилиш учун қовунни қайта ишлаш цехи қурилиб фойдаланишга топширилади.

### «Нурли келажак»да нурли ҳаёт бошланди

Мирзаобод туманининг «Нурли келажак» маҳалласида ҳам 360 хонадондан иборат тўққизта кўп қаватли уйга талафотдан жабр кўриб, уйсиз қолганлар кўчиб кирмоқда.

– Талафотдан «Навбаҳор» маҳалласи ҳам зарар кўрган эди. Ўтган даврда бу ерда жуда катта қурилиш-таъмилаш ишлари амалга оширилди. Водий вилоятлари кўмаги билан бунёд этилган янги маҳалламизни «Нурли келажак» дея атадик, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўқтам Кенжакев. – Бу ерда уч ярим минг



Элёр АБДУЛЛАЕВ,  
Мирзаобод тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
қўллаб-куvvatlash бўлими  
бошлиғи.

нафардан ортиқ аҳоли, 668 хонадон мавжуд эди. Айни пайтгача 11 та икки қаватли ва 396 та ҳовлий тўлиқ таъмиланиб, эгаларига топширилди. Шунингдек, иккита умумтаълим мактаби, битта мактабгача таълим муассасаси тўлиқ таъмилланди. Маҳалланинг янги биноси қад ростлади.

### Хотин-қизлар ишли ҳам бўлиши

Қувонарлиси, бу ерда янги, замонавий бинолар қад ростлаши билан бирга, янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, «Нурли келажак» маҳалласи худудида «Бек кластер» МЧЖ томонидан 20 гектар майдонда иссиқхоналар қурилди. Ҳар бири 25 сотихдан иборат иссиқхоналарда лимон ва қулупнай етиштирилмоқда. Уларда янги уйларга кўчиб ўтганлардан 200 нафардан ортиғининг бандлиги таъминланди.

– Бу ерда цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий маркази фаолияти ҳам йўлга кўйилган, – дейди «Бек кластер» МЧЖ масъул ходими Тўлқин Норқулов. – Мазкур марказнинг асосий вазифаси иссиқхоналарда ишлаш хоҳишини билдирган фуқароларни соҳага тайёрлашдан иборат. Айни пайтгача мутахассислар 100 дан ортиқ ишчига соҳа сир-асрорларини ўргатди. Яна бир муҳим жиҳат, «Алоқабанк» кредити хисобига амалга оширилган ушбу лойиха кредит қарзлари узилгач, шу ерда ишлаетган фуқароларнинг ўзларига қолади.

Дарҳақиқат, пандемия шароити-га қарамасдан, бугун Сирдарё вилоятида амалга оширилган бекиёс бунёдкорлик ишлари, ҳалқимизнинг яратувчанлик руҳи, бизнинг улуғ қудратимизни, нималарга қодир эканимизни яна бир бор намоён этди. Бу мирзаободликларнинг ҳам руҳини чексиз шод этиб, эртанги кунга, ҳалқимиз фаровонлигига қаратилган ислоҳотларга ишончини мустаҳкамлади.

Кейинги йилларда юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилётгани замирида юртдошларимизни ишбилармонликка ўргатиш баробарида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳам кўзланган. Хусусан, оиласидан тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш учун ажратилаётган кредитлар, томорқадан унумли фойдаланиш мақсадида берилаётган субсидиялар фикримиз далилидир.



# ТОМОРҚАДАН БАРАКА ТОПГАН маҳаллалар қўп

## «Йил-үн икки ой томорқадан ҳосил олинади»

Бугун бу борада Ангор туманида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, ижобий натижалар қўлга киритилиб. бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса арзидиган маҳаллаларимиз талайгина. Айниқса, «Юқори Таллимарон» маҳалласининг уста дехқонларининг қўлга киритаётган ютуқлари қувонарлидир.

Таъкидлаш керакки, «Юқори Таллимарон» аҳли азалдан дехқончилик билан шуғулланиб келган. Одатда дехқоннинг даромади ҳақида гап кетганда, йилда икки марта ҳосил олишни ўйлаб, ҳисоб-китоб қилишга ўрганиб қолганмиз. Лекин юқори таллимаронликлар меҳнаткашлиги, ер илмини пухта билиши эвазига йилнинг ўн икки ойида ҳам томорқасидан бозорга маҳсулот олиб чиқади. Бундан ташқари, юртимизда кичик тадбиркорликка кенг йўл очилгани боис маҳалла ахли етиштирган маҳсулотларини хорижлик харидорлар томорқасининг ўзидан олиб кетади.

Маҳаллада исталган турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини топиш мумкин. Жумладан, «Юқори Таллимарон»да йилига минг тонна анор, яна шунчак гулкарар ва 2,5 минг тонна тошкарар хорижга экспорт қилинади. Бундан ташқари, бир йил мобайнида ерёнгок, картошка, олма, ўрик, помидор, бодринг ва укроп каби жами 10 минг тонна ҳосил хорижга чиқарилади. Яна бир гап: айни пайтда маҳаллада 192 гектар жой аҳоли томорқасига тўғри келади. Шундан 8 гектарида 113 та иссиқхона бор. Томорқанинг 25 гектарига анор экилган. Ҳатто маҳаллада лимон, маңдарин ва апельсин етиштириб сотадиган уста боғбонларимиз ҳам бор. Уларнинг топаётган даромади ҳам меҳнатига яраша бўляпти.

Оддий мисол, «Юқори Таллимарон»да 564 та хонадон бўлса, шулар-



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ангор туманининг «Юқори Таллимарон» маҳалласида яшайдиган юртдошимиз Фахриддин Аллаёров оиласи билан бирга 16 сотих томорқасида дехқончилик билан шуғулланади. Томорқага карам, қизил лавлаги ва саримсоқ-пиёз, 4 сотихли иссиқхонага эса лимон, мандарин ва апельсин экилган. Ушбу оила томорқадан бир йилда ўртача 25-30 млн. сўм даромад топади.

дан 400 тасида «Damas» машинаси бор. Бундан ташқари, ҳалқимиз тўй қиляпти, иморат кўтариб, фарзандларининг таълимига сармоя ажратяпти. Бунинг барчаси томорқадан келётган даромад эвазига бўляпти.

## «Даромад қанча яхши бўлса, муаммолар шунча камаяди»

Бугун мамлакатимизда одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш керак, деган ғоя илгари сурилмоқда. Албатта, бу ҳар битта раҳбарни хушёр тортириши, ҳар бир кунини сарҳисоб қилиши зарур. Жамиятдаги муаммоларни бирдан ҳал этишининг имкони йўқ. Аммо «Юқори Таллимарон» маҳалласи мисолидан келиб чиқиб, шуни ишонч билан айтаманки, одамларнинг даромади яхши бўлса, маҳалла ўз-ўзидан обод бўлиб, муаммолар камайиб бораверар экан. Бевосита туман ҳокимлиги кўмаги ва ҳалқимизнинг

ишибилармонлиги эвазига «Юқори Таллимарон»нинг ўзида 2 та сунъий қопламали спорт майдончиси, 22 та дўкон ва 6 та ошхона ҳалқимизга хизмат қиляпти. Буларнинг барчаси иш ўрни, даромад дегани!

Яна бир жиҳатта эътибор қаратиш зарур. Иssiқхоналарда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари аҳолига йилнинг кеч куз, қиш ва эрта баҳор ойларида етказиб берилади. «Юқори Таллимарон» маҳалласида яшовчи тадбиркоримиз Мамашариф Аллаёров банкдан 100 млн. сўм имтиёзли кредит олди. Ажратилган маблаг эвазига иссиқхонада кўчат етиштириш ва экспорт қилиш учун юк автомобиллар тураржоий барпо этиш режалаштирган ва ишлар бошлаб юборилган. Иссиқхонага карамнинг 7 хил турдаги навидан 165 минг дона кўчат экилиб, етиштириб берилиди. Кўчат ўтқазиш мавсумининг ўзида тадбиркор 35-40 киши иш билан таъминлади. Қувонарлиси, бу

Шоира РАЖАБОВА,  
Ангор тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
қўллаб-кувватлаш бўлими  
бошлиғи.

## ДАРВОҚЕ...

Ангор туманида ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида «Angor-city» кооперативи ташкил этилмоқда. Режага кўра, туман бандликка қўмаклашиш маркази томонидан ажратилган 670 млн. сўм субсидия эвазига бандлиги таъминланмаган 100 нафар ёшга 1 гектар ер майдонига 1 сотихдан иссиқхона қурилади. Бу туманинг экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиб, ички бозорни йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлайди.

ишларнинг барчаси битта маҳалла да амалга оширилмоқда. Албатта, туманинг барчаси бундай намунали маҳаллалар оз эмас. Уларнинг барчасидан ортирилган тажрибани бошқаларга нисбатан қўрсаткичлари бироз пастроқ бўлган худудлар билан бўлишялмиз.

Таъкидлаш керакки, маҳалла мамлакатимиз ижтимоий-иқтиидий ҳаётида ҳалқ билан давлат ўртасида ишончли «куптик» бўлиб хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Ана шу саъй-ҳаракатлар эвазига бутун туманинг янгича қиёфа касб этмоқда. Олис худудларнинг ички йўллари таъмирланиб, ичимлик суви, мактабгача таълим билан боғлиқ муаммолар босқичма-босқич бартараф этил япти. Бу юмушда эса меҳнаткаш, тантни ҳалқимизнинг кўмагига суняялмиз.



**Сирдарёда янгиланган жоме масжидининг очилиш маросимида муфтий Усмонхон Алимов иштирок этди.**



### Яңги заводлар халққа хизмат қиласы

Бугун дүнәдә кечеңтән глобал иқтисодий жараёнлар бозорга хомашё эмас, тайёр маҳсулот олиб чиқыш орқалигина кўзланган натижага эришиш мумкин эканини кўрсатяпти. Шу боис туманинин саноатлаштиришта алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, туманнынг «Азларсой» маҳалласида ташкил этилган кичик саноат зонаси худудидан ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун «Бизнес капитал» МЧЖга шартнома асосида 0,85 га. ер майдони ажратилди.

Ушбу худудда лойиха қиймати 15 млрд. 704 млн. сүм бўлган ун маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган завод қурилади. Эътиборлиси, Туркия технологияси асосида бунёд этилаётган завод йилига 54 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш кувватига эга бўлади. Ушбу лойихани амалга оширишга ташаббускорнинг 4 млрд. сүм ўз маблағи ҳамда хорижий кредит линиясидан 1 млн. 64 минг евро маблағ сарфланмоқда. Айни кунларда замонавий ускуналарни ўрнатиш ишлари олиб бориляпти. Ушбу корхона 2021 йил январь ойида ишга тушади. Хозирги ҳисоб-китобларга кўра, ун маҳсулотларининг 60 фоизи 816 минг доллар маблағ эвазига Афғонистон, Тожикистон ва Туркманистон мамлакатларига экспорт қилинади. Шу билан бирга, янги иш ўринларининг ҳам яратилиши туман аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига маълум даражада ечим ҳам бўлади.

Айтиш керакки, тумандада шу каби аҳоли турмуш фаровонлиги учун хизмат қилиш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида янги лойихалар ҳаётга татбиқ этиляпти. Шулардан бири – эски «Кумкўргон деҳқон бозори» ўрнида қад ростлаётган, замонавий талабларга мос «Барака савдо» МЧЖ савдо комплекси ва майший хизмат кўрсатиш мажмуасидир. Умумий ер майдони 1,45 гектарга мўлжалланган «Барака савдо» комплексида 300 дан ортиқ савдо ўринлари яратилади. Марказ иш бошлагач, 400 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Таъкидлаш керакки, савдо марказининг биринчи қаватида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги

Хаётимизда маҳалла тизими ҳал этиши керак бўлмаган муаммонинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам бутун юртимизда маҳалла тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, қатор имкониятлар тақдим этилмоқда. Бундай имкониятлар соҳадаги ҳар бир ходим олдига катта вазифаларни ҳам кўяди. Шу билан бирга, жойларда маҳаллалар ободлигига ҳам катта эътибор қаратилимоқда. Айниқса, пандемия даврида ҳам бунёдкорлик ишларининг жадал давом этаётгани кишини қувонтиради. Хусусан, кейинги вақтларда Кумкўргон туманида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

## БУНЁДКОРЛИКЛАР ҲАЛҚ ФАРОВОНИГИДАН СЎЗЛАЙДИ



### ДАРВОҚЕ...

Кумкўргон тумани «Шерозий» маҳалласида қуёнчиликка ихтисослаштирилган «Тойлоқ баракали қуёнлари» қуёнчилик комплекси ўз фаолиятини бошлади. Мазкур лойиха учун 5 гектар ер майдони ажратилган. Туман маҳаллий бозорини арzon гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қуёнларнинг сонини 10 000 тага етказиш режалаштирилган.



**Зулхумор ХИДИРОВА,**  
Кумкўргон тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оила-  
ни қўллаб-кувватлаш бўлими  
бошлиғи.

маҳсулотлари савдоси ташкил этилади. Марказнинг иккинчи қавати кийим-кечак, пойабзal ҳамда майший хизмат техникалари учун ажратилган. Учинчи қаватида болжонлар учун замонавий ўйин-аттракционлар билан жиҳозланадиган кўнгилочар маскан бўлади, бу ерда кичкинтойлар вақтларини мароқли ўтказишлари мумкин. Шу қаватда тамаддихоналар ҳам ташкил этилиши режалаштирилган. Мазкур мажмуа ёнида 400 та автомобилга мўлжалланган автотуаргоҳ қурилиши белгиланган. Бунинг барчаси ҳалқимизга қулайлик яратишга қаратилган.

### Маҳалла фаоллари ишини осонлаштириш ўйлида

Аҳолини қийнаётган муаммолар ҳақида гаг кеттанида, аввало, оғир вазиятда яшаётган юртдошларимиз кўз олдимизга келади. Турли сабаблар туфайли иқтисодий қиёйинчиликлар гирдобида қолган юртдошларимизга кўмак бериш, оғирини енгил қилиш маҳалла ходимларининг вазифаси ҳисбланади. Туманимизда ҳам бу борада қатор ишлар амалга

oshiрилди.

Жумладан, жорий йилда 13 та кам таъминланган оиласига уй қуриб берилди. Хозирда «Дўстлик» маҳалласида иккита 5 қаватли, 80 та хонадонга мўлжалланган уйлар қуриляпти. «Геганд сифат курувчи» МЧЖ томонидан амалга оширилаётган мазкур лойиха қиймати 20,4 миллиард сўмни ташкил этади. Ушбу кўп қаватли уй 2 ва 3 хонали бўлиб, аҳолига ипотека кредити асосида берилади. Шунингдек, келгуси йил яна 10 та кўп қаватли уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Худудлардаги ишларни тизимли ташкил этиши учун маҳалла фаолларига етарлича имконият яратиб бериш керак. Айтиш керак, Кумкўргон туманида 61 та маҳалла фуқаролар йигини мав-



жуд бўлса, шундан 21 та маҳалла ўз биносига эта эмас эди. Туман ҳокимининг ташаббуси билан бундай маҳаллаларга ҳокимликнинг кўшимча маблағлари ҳисобидан бино куриш ишлари амалга оширилди. Жумладан, шу кунга қадар туманинг чекка худудларидаги жойлашган «Фалаба», «Тайфанг» маҳаллаларининг биноси фойдаланишта топширилган бўлса, бу хайрли ишлар давоми сифатида «Янгиер» ҳамда «Янги қишлоқ» маҳаллалари бинолари ҳам куриб битказилди.

Мазкур биноларнинг ҳар бирни беш хонадан иборат бўлиб, барча хоналар мебель жиҳозлари билан таъминланган. Бу ерда нафақат маҳалла фуқаролар йигинида фаолият олиб борадиган ходимлар, балки шу ерга келадиган ҳар битта фуқаро учун барча қулайлик яратилган. Яна бир мухим жиҳати, бинода шу худуддан сайланган депутат учун ҳам алоҳида хона ажратилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, туманда бугунги кунга қадар 4 та маҳалла фуқаролар йигини бинолари янгидан қуриб битказилган бўлса, йил якунига қадар яна иккита маҳалла биноси фойдаланишта топширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, 5 та маҳалла биноларининг қурилиш ишлари давом этяпти.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Кумкўргон тумани янгича қиёфа касб этиб боряпти. Ана шу янгиланишларда маҳалла ходимларининг фаол экани, уларнинг ўз ўрни борлиги юртимизда ушбу тизимга қаратилаётган эътиборнинг самарасидир.



**Актёр Толиб Мўминов «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланди.**

# ГУРУРИ БАЛАНД, КҮНГЛИ ОЧИҚ ЭЛНИНГ МАҚСАДЛАРИ ҲАМ УЛКАН

Шеробод тумани бир томони текислик, бошқа ёқдан Кўхитанг тогига тулашиб кетган кенглиқда жойлашган. Табиатнинг бу тортиғи шерободликлар табиатида ҳам ўз асими топган. Уларнинг ғурури ана шу тоғлар каби юксалиб туради, очиккўнгилли эканини эса кенгликларга ухшатиш мумкин. Ана шундай инсонларга хизмат қилиш, уларнинг оғирини енгил қилишта оз бўлса-да, наф келтира олишдан фахрланасан киши.

## Ёшлар тақдири – доим эътиборда

Айниқса, келажак авлодимиз бўлган ёшларнинг эзгу ниятларини ижобат этиш ана шу фаҳр хиссига улкан масъулият ҳам юклайди. Шу маънода бугун ёшларнинг ўқиб-ўрганиши, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва бунинг учун етарлича имконият яратиб бериш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, куни кечак ҳокимлик вакиллари туман марказидан қарийб 15 км. олисдаги «Боғиобод» ҳамда «Бойқишлоқ» маҳаллалари ёшлари билан учрашиб, уларнинг қизиқишилари, муаммо ва таклифларини ўрганди. Натижада мулоқот давомида 26 та мурожаат қабул қилиниб, ўрганиш талаб қиладиган 11 та мурожаат юзасидан муддат белгиланиб, ижроси назоратта олинди. Бундай учрашувлар шерободлик ёшлар билан тез-тез уюштириб турилиши эса жойлардаги муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилишига хизмат қилияпти.

Айнан туман ёшлари соғлом бўлиб улғайиши, ўзлари истаган спорт тури билан бемалол шуғулланиши учун «Чўйинчи» маҳалласи худудида замонавий спорт комплекси барпо этилмоқда. Мажмуя 5 минг ўринли трибуна, футболн майдони, волейбол ва баскетбол майдонлари ҳамда тренажёр



залларидан иборат бўлади. Ушбу мажмуя туманимиз ижтимоий ҳаётида янги саҳифа очса, «Мажнунтол» маҳалласида курилаётган «Сурхон ёғинвест» ёғ заводи иқтисодий ҳолатимизни янада яхшилашга хизмат қиласди. Лойиха қиймати қарийб 5 миллиард сўм бўлган корхона қисқа муддатларда фойдаланишга топширилади ва 30 та доимий иш ўрни яратилади.

## Халқимиз узогини яқин қилиш – бурчимиздир

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йилда ичимлик суви тармоқларини тортиш ва сув тарқатиш иншотларини реконструкция қилиш учун 10 млрд. 505 минг сўм, канализация тармоқларини куриш бўйича 4 млрд. 750 млн. сўм ажратилди.

Шунингдек, мазкур йўналишдаги юмушлар «Мехнатобод», «Чинобод», «Новбур», «Ҳакимобод», «Чагатой», «Чумушли» маҳалла фуқаролар йиғинларида Инвестиция дастури асосида амалга оширилади.

Бунёдкорлик ҳақида гап кетгандা, туманинг «Қишлоқбозор» ва «Чукуркўл» маҳаллаларини боғловчи кўприк ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш керак. Ушбу кўприк бундан 21 йил аввал сел тошқини оқибатида вайрон бўлган. Натижада ушбу кўприк ҳар иккала маҳалла аҳолиси, қолаверса, бу ердан ўтиб-қайтувчилар учун жуда катта муаммо туғдираётган эди. Фуқаролар ўн йиллар давомида ушбу муаммонинг ечи-мини сўраб, тегишли идораларга

мурожаат қилган. Жорий йилда узунлиги 70 метр бўлган ушбу кўптирикни қайта куриш ишлари бошлаб юборилди. Лойиха учун эса қарийб 7 млрд. сўм маблағ ажратилди.

«Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туради. Ҳудди шу каби ҳар қандай муаммонинг ечи-ми инсонлар тақдирига ижобий таъсир қиласди. Бугунги фаолиятимизда ана шу тамойилга таяниб иш тутяпмиз».



Ра'яно ХОЛМИРЗАЕВА,  
Шеробод тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
кўллаб-куvvatlash бўлими бошлиғи.

## Шеробод анори воҳани дунёга танитмоқда

Бугун нафақат юртимизда, балки хориж давлатларида ҳам Шеробод анорлари машхур. Дарҳақиқат, уста боғбонлар меҳнати эвазига туманинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги таъминланяпти. Хусусан, «Шеробод анор импекс» МЧЖ тасарруфидаги 82 гектар ер майдонида анорзор ташкил этилган. Шунингдек, корхонага Кореядан анорни калибрловчи маҳсус ускуна олиб келинган. Унинг ёрдамида экспортбоп анорларни аниқлаш ва қадоқлаш мумкин. Ушбу ускуна бир суткада 2 минг тонна анорни саралайди.

Шунингдек, «Шеробод агронипекс» МЧЖ томонидан туманинг «Фуржак-1» маҳалласи худудида қиймати 47 млрд. 100 млн. сўм ва 4 млн. доллар бўлган лойиха амалга оширилади. Ҳозирда 3 млн. 775 минг доллар кредит ажратилиб, анор соки ишлаб чиқариш, калибрловчи қилиш ва музлаткич келтирилиб ўрнатилмоқда. Лойихани тўла амалга ошириш орқали 60 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, туманимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари халқимизнинг қалбида эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилияпти. Зоро, амалга оширилаётган ишларга қараб ҳар бир киши кўнгилида фараҳбахш туйғулар уйғонади. Келгусида бажарилажак ишларни бажариш учун рағбат уйғонади ва яратувчилик ишларининг барчаси тўла амалга ошса, халқинг фаровонлиги янада юксалиши ҳақида ёруғ ўйлар сурасиз. Илло, бугун барча ишларимиз, фаолиятимиз ана шу улуғвор мақсадни амалга оширишга қаратилган.



**Жиззахда 168 ўринли мактаб қурилиши учун тендерсиз шартнома тузилди. Лойихага 65 миллиард сўм ажратилган.**



Маҳаллалар ободлиги, кўчалар ва хонадонларимизнинг файзи ва саришталигини таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакилларига ҳар томонлама қўмак кўрсатиш ишларини тизимли ташкил этиш зиммамиздаги муҳим вазифалардан.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир оила, кўча ва маҳаллаларимизда «Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла» тамойилини кенг жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Уларни барчамиз, аввало, ўз иш услубимиз учун асосий мезон сифатида билиб, жамоатчиликка етказишимиз лозим. Пировардида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида обод гўшалар, кўркам масканлар, маҳаллаларимизда намунавий хонадон ва кўчалар сони ортиб бораверади. Ана шундагина одамларимизнинг ҳаётга бўлган ишончи юксалиб, яшашта, келажакка бўлган интилиши ортади, яратувчанлик кайфияти хукмронлик қиласди. Обод маскандан эса файз-барака, тўкин-сочинлик ҳеч қачон аримайди.

### «Обод кўчалар» сони кўпайди

Айни ақидага амал қилиб туманимиз маҳаллаларини тобора обод ва кўркам масканга айлантиряпмиз. Чиндан ҳам, ўйдим-чукур, тунда зимистон, деворлари униқан кўп қаватли уйлар, таъминалаб коммуникация тармоқларию эскирган симчироқлар нафақат киши таъбини хира қиласди, балки аҳолига ҳам талай нокулайлик туғдиради.

Очиғини айтиш керак, аксарият маҳаллаларимизда шу каби муаммолар бор эди. Йил давомида уларни бартараф этиш учун секторлар билан ҳамкорликда ишладик. Натижада маҳаллаларимизда ички кўчалар асфальтланди, кўча чироқлари ўрнатилди, симёочлар янгиланди, канализация ва газ куверлари таъмирланди.

Чунончи, «Оқтот» маҳалласидаги Бибихоним, Таранум, Завқий кўчаларига асфальт ётқизилди. «Бештерак» маҳалласининг Бештерак кўчасига 47 дона тунги ёриткичлар ўрнатилди. «Кўхинур» маҳалласида эса 3 км. газ кувири янгиланди. «Зарбдор» йигинининг ички кўчаларига жами 3 км.га яқин ҳудудга шағал тўкилди. Шунингдек, «Баҳор» маҳалласига 17 та бетон симёочлар ўрнатилди. Бу борадаги ишлар шу билан тўхтаб қолгани йўқ, албатта. Таъмирлаш, янгилаш ишлари давом этяпти.

# ФАЙЗУ БАРАКА — КЎЧА, ХОНДОН ВА КЎНГИЛНИНГ ОБОДЛИГИДА



### Маҳаллалар янги бинога эга бўлди

Киши қачон зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан адo этади, қачонки, қулай меҳнат шароити яратилган бўлса. Шунинг учун фуқаролар йигинлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашта ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Чунончи, жорий йилда 3 та: «Сабзавот», «Иқбол», «Оқтот» маҳалла фуқаролар йигини янги бинога эга бўлди. «Ҳасаной гузар» йигини эса қайта таъмирланди. Б та маҳаллага мебель жамланмаси етказиб берилди. Йил якунига қадар туманимиздаги барча маҳаллаларга компьютер жамланмасини етказиб беришни режалаштирганимиз.

### Бунёдкорликлар болажонлар қалбига қувонч улашганда...

Туманимиз марказида «Олтин балиқча» номли 12-мактабгача таълим муассасаси «ANGELSY FOOD» чет эл корхонаси ҳомийлигига 3 ярим миллиард сўм маблағ ҳисобига мукаммал таъмирланди. Собиқ туман суди биноси муассаса таркибига қўшилиб, «Миродил Вакт Инвест» масъулиятни чекланган жамияти томонидан реконструкция қилинди. Эндиликда 280 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муас-

сасаси 16 та гуруҳдан иборат жами 480 ўринга эга бўлди.

«Файзиобод» маҳалласида эса 4-мактабгача таълим муассасаси қурилди. Муассасанинг эски биноси 100 ўринга мўлжалланганди. Боз устига, замон талабларига ҳам жавоб бермасди. Фойдаланишга топширилаётган янги бино 250 нафар болажонни ўз бағрига олди. Боғчада замон талабига мос равишда қўшимча б ёшли болаларни мактабга тайёрловчи бепул қисқа муддатли гурухлар фаолияти йўлга қўйилади. Бундан ташқари, инглиз тили ва ментал арифметики каси бўйича тўгараклар, 4 та рус гурухини ташкил этиш режалаштирилган.

### Янги бинолар янги иш ўринлари деганидир

Алоҳида таъкидлаш жоизки, барпо этилган обьектлар бугун янги иш ўринларини ҳам яратиша хизмат қилипти. Хусусан, мактабгача таълим муассасамизда 14 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Туман марказидаги бунёдкорлик ишлари Келес йўли кўчаси бўйлаб, туман ҳокимлиги рўпрасида қад кўтарган кўп қаватли уйлар билан янада кўркам қўринишга эга бўлди.

«Қишлоқ қурилиш инвест»нинг буюртмаси асосида қурилган бу кўп қаватли уйлар давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз аҳолисини арzon ва қулай уй-жойлар билан таъминлашта қаратилган ташабbusларининг амалдаги ифодасидир.

### Аҳоли саломатлигини таъминлаш ҳамиша эътиборда

Кўп қаватли уйлар ёнида узукка кўйилган кўздек Марказий шифохона биноси қад ростлади.



Иброҳим САИДИКРОМОВ,  
Тошкент тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиғи.

Шифохона 30 ўринли болалар, 25 ўринли хирургия, 30 ўринли терапия, 30 ўринли шошилинч тез тиббий ёрдам, 30 ўринли неврология бўлимлари ҳамда лаборатория, дорихона, ошхона, кир ювиш, маъмурий бинолар, суд-тиббий экспертиза бўлими, «Тез тиббий ёрдам» станцияси ва ёрдамчи биноларини ўз ичига олган. Бу катта кўламли қурилиш 20 млрд. сўмга яқин маблағ эвазига амалга оширилди.

### Спортсеварларга муносиб тухфа

Жорий йил туманимизда «Универсал» спорт мажмуаси қуриб битказилди. Сендвич панелидан қурилган бинода 36x36 ўлчамдаги спорт заллари ҳамда 12x24 сунъий футбол майдони мавжуд. Мужмуада мини футбол, бокс, бадминтон гимнастика, эркин кураш, турон, каратэ WKF, бадминтон спорт турларидан қўшимча тўгараклар ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу билан туман ёшларининг қарийб 600 нафари мунтазам спорт билан шуғулланиш имконига эга бўлади.

Ёшларни мусиқа ва санъат, рассомчилик, адабиёт ва театр санъатининг бошқа турларига қизиқишиларини ошириш, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш учун Маданият саройи ҳам барпо этилди.

Туманимиз марказий кўчаси тобора чирой очиб боряпти. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун Маданият саройи ёнида 1500 ўринли ёзги «Амфитеатр» ҳам қуриб битказилди. Сайилгоҳ хиёбони ва Хотира майдони эса аҳолининг мароқли ҳордик чиқариши учун айни мудда до бўлди.

Албатта, бу каби кўламли саъиҳаракатлар юртдошларимизни ҳаётдан рози қилишга бутун баҳтли яшашлари учун шароит яратишга қаратилгандир.

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИМИЗДАН

Опа-сингилларимиз бугун нафақат иш фаолияти, балки жамоатчилик юмушларида ҳам илғор ва ташаббускор. Уларнинг фуқаролик жамиятлари институтлари – нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдаридаги роли ҳамда ҳиссаси ҳам тобора ошмоқда. Бу юртимизда хотин-қизларга яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланилаёттанинг амалдаги ифодаси, албатта. Паркент туманида ҳам мана шундай фаол, ташаббускор, ишбинармон аёллар сафи кенгайиб бораётир.

## Аёллар фойдали меҳнат билан бандми?

Инсон фойдали меҳнат билан банд бўлса, оиласию жамиятга наф келтиради. Акси бўлса, ҳаётидан норози кайфиятда яшайди. Шунинг учун вазифалар ижроси доирасида аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Хонадонма-хонадон юриб ўтказилган ўрганишларда 584 нафар хотин-қиз ишсиз экани аниқланди. Рўйхатни шакллантириш билангина кифояланмадик. Аввало, нима учун ишламаяпти, мутахассислиги қандай, ишлаш истаги борми, ишга жойлашишга ҳаракат қилдими, қилмадими каби саволларга сухбатлар аносида жавоб топяпмиз.

Чунончи, ўрта-максус маълумотлиларнинг мутахассислиги таълил қилинганда 100 нафардан зиёди бошлангич ва мактабгача таълим, яна шунчаси тиббиёт, қолганлари хайдовчи, тикувчи,



хисобчи ва бошқа соҳаларга тўғри келиши ойдинлашди. Бироқ ҳозир туманимизда таълим ва тиббиёт йўналишида кадрларга эҳтиёж йўқлиги сабаб уларга мавжуд бўш иш ўринлари таклиф қилинмоқда.

Ишлар истагини билдирган ҳар бир хотин-қизларимизни иш билан таъминлашни тизимли йўлга қўйиш мақсадида бўлим ва маҳаллалардан масъуллар бириктирилган. Зиммамиздаги вазифаларни рисоладагидек бажариш мақсадида йигинларда амалга оширилган ишлар бўйича кунлик маълумотларни жамлаш амалиётини йўлга қўйганмиз. Бу билан маҳалла фаоллари йўл қўяётган камчиликларни аниқлаш, таҳлил этиш ва ўз вақтида уларни бартараф этиш чораларини кўриш имкони яратилмоқда.

## «Аёллар дафтари» – илк натижалар қандай?

Давлатимиз раҳбари илгари сурʼётган ташаббуслар ҳаракати Паркент туманида ҳам бўй кўрсата бошлади. Буни «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари»ни ташкил этиш бўйича қилинаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозиргача тумандаги мавжуд 58 та маҳалла фуқаролар йиғинида мазкур дафтарларни юритиш бўйича штаблар ҳамда ишчи гурухлар тузилди.

Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар ва аёллар дафтарига киритиладиганлар билан бирма-бир мулоқот қилиш, уларнинг

эҳтиёжларини аниқлаш, дарду ташвишини, таклиф ва қизиқишларини ўрганиш мақсадида сўровномалар ўтказилди.

Натижада 30 ёшдан юқори хотин-қизларнинг 91 фоизи турмуш тарзи билан яқиндан танишилди. Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашда уларнинг таклиф ва истаклари инобатта

олинди. Тумандаги 320 нафар касб-хунар ўрганиш истаги бўлган аёллар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган соҳалар бўйича ўқитила-диган бўлди.

Кўлида ҳунари бор одам ҳеч қаҷон кам бўлмайди. Ҳунари ортидан рўзгорини бутлайди, жамиятнинг фаол аъзосига айланади. Шу мақсадда ҳунармандчилик соҳасида фаолият юритишга хоҳиши бор 67 нафар аёл «Устоз-шогирд» тамойили асосида ҳунармандларга бириктирилади.

Шунингдек, «Аёллар дафтари»га киритилган 26 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизга уй шароитида тикувчилик билан шуғулланишига кўмаклашилди. Соғлигини тикилаш, моддий кўмак, уй-жой олиш ва хонадонини таъмирлашга эҳтиёжи бўлган аёлларга ҳам тизимли ёрдамлар кўрсатилипти.

## Хотин-қизлар бир-бирига елкадош

Битта тадбирли амал ўнлаб инсонларнинг ҳаётини ўзгартириши мумкин. Буни «Истиқбол» маҳалласида иш бошлаган «Дил-фуза Дизайн» хусусий тикувчилик корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина оқиланинг ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиши 47 нафар хотин-қизни ишли килди.

Эътиборлиси, бундай ташаббуслар худудимизда кенг қулоч ёзяпти. Оиласиб ва хусусий боғчалар ташкил этилгани сўзимизга тасдиқ. 10 та оиласиб боғча иш бошлаши ҳисобига яна 20 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Бу билан фарзанд парвариши билан банд бўлган 162 нафар хонадон сариштасининг ишга чиқишига шароит яратилди. Саъй-ҳаракатларимиз меваси эса туманимизда ишбинармон оқилалар сафи 142 нафарга кенгайганида намоён бўлди. Бундан ташқари, субсидия бериш ҳисобига ҳам хотин-қизларимизнинг бандлигини таъминлашга эришилмоқда.



**Зулфия МАХСУДОВА,  
Паркент тумани ҳокими  
ўринбосари, Маҳалла ва оиласи  
қўллаб-куватлаш бўлими  
бошлиғи.**

## Саховат қалбга нур улашганда...

Оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларга моддий ва маънавий кўмак бериш худудимизда мунтазамлик касб этган. Жорий йилда уй-жойга муҳтож 5 нафар хотин-қизга туман ҳокимлиги ва хомийлар томонидан бепул тураржой тухфа этилди. Уларнинг юзу қўзидағи севинч бу борадаги ишларни янада жонлантиришимизга турткি бўлмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон фарзанди бор, ишлаш иштиёқидаги опа-сингилларимизнинг 11 нафарига тикув машиналари берилди. Ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиши мақсад қилган хотин-қизларга банқдан имтиёзли кредит олишда кўмаклашилди.

Муҳими, бу каби саъй-ҳаракатларимиз сабаб юртдошларимиз ҳеч ким эътибор, меҳр ва муруватдан четда қолмаслигига амин бўлишимоқда.

Хотин-қизлар ҳақида сўз кетса, ожиза сифатини кўп қўллаймиз. Чиндан ҳам, у доимо меҳрга, эътиборга муҳтож. Аммо шундай хотин-қизларимиз ҳам борки, улар баъзида билиб-бilmай эгри йўлга қадам қўяди, жиноятта қўл уради. Хатосини англаб етганда эса кеч бўлади.

Аёлнинг бу ожизалиги нафақат оиласиб ўрганинг мустаҳкамлигига, балки фарзандлар тарбиясию келажагига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу боис хотин-қизлар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришга ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратяпмиз. Содир этилган жиноятларнинг сабаблари ўрганилиб, жиноят қилишга мойилиги бўлганларга мураббийлар бириктиряпмиз.



**Баҳодир Махситович Махситов Ўзбекистон Спорт фахрийлари Кенгашига янги раҳбар этиб сайланди.**



Маҳаллада ахил-иноқлик, тотувлик ва бирдамлик барқарор бўлса, кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермайди. «Обод маҳалла – хавфсиз маҳалла» тамойилининг илгари суримиши замирида айни шу эзгу мақсад мужассам.



Нарзиза НАЗАРОВА,  
Ангрен шаҳар ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиги.

# «ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА» ТАМОЙИЛИ АМАЛДАМИЭ

Президентимизнинг «Жамият-даги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-куватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан татбиқ этилган янги тизим маҳаллаларда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий механизmlарини тубдан ислоҳ қилишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Шу орқали маҳалла институтининг ички ишлар органдари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлиги йўлга кўйилди.

## Фаоллар малакасини ошириб бориш – давр талаби

Биз, аввало, мазкур тизимнинг мазмун-моҳиятини фаолларга етказишига эътибор қаратдик. Айни мақсадда маҳалла раислари, хотин-қизлар, кексалар ва фахрийлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчилар учун ўқув-семинари ташкил қилдик. Сўнг маҳаллаларда жиноят содир этишга мойил, профилактик ҳисобда турган, тарбияси оғир вояга етмаганлар, нотинч оиласиар фарзандларига ижтимоий фаол кекса авлод ва-киллари бириктирилди.

Маҳалла фаоли қачон замонавий фикрласа, юртимизда амалга

оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан хабардор бўлса, уларни аҳолига рисоладагидек етказиб беради. Маҳалла раисларининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ташкил этилган ўқувлардан кутилган натика ҳам шу.

## Ёшлар масаласи кун тартибида

Маҳалладаги ижтимоий муҳит барқарорлиги ҳар бир оиласи боғлиқ. Шунинг учун, биринчи навбатда, йигинлардаги нотинч-ноқобил оила фарзандларига нуронийлар бириктирилди. Ёшларимизнинг пандемия даврида бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида тарбиявий маслаҳатлар уюштирилди.

«Болаларга беринг дунёни» ҳафталигига 34-мактаб-интернати болаларига совғалар улашилди. «Ёшлар ойлиги» доирасида «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йигинида «Бўш вақтни мазмунли ташкил этамиз, бувижоним ўйтглари» мулокоти ўтказилди.

Ҳар бир фуқаролар йигинида иккى йўналишда рўйхатлар шакллантирилди. Биринчисида, уюшмаган, ёт foялар таъсирига тушган ва адашган, профилактик ҳисобда турган, нотинч-ноқобил оиласиарнинг фарзандлари, ажралиш ёқасига келиб қолган ёш оиласиар қайд этилди. Иккенисида, эса уларга ёрдам кўрсатиш истагини билдирган кекса мураббийларнинг рўйхати тузилди. Ҳозирда фахрий мураббийлар

биринчи рўйхатдаги ёшларни васийликка олиб, уларни тўғри йўлга йўналтириш ишларини олиб бормоқда.

«Наврӯз-1», «Намуна», «Қорабоғ», «Боғи сурх» ва «Янги боғи сурх» маҳаллаларида «Эпли қиз керакми, ёки сепли қиз керакми?», «Орзу ҳавас неча пуллик?», «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз» мавзуларида ўтказилган очиқ мулокотлар эса қиз болалар тарбиясида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар, оила қуриш арафасидаги йигит-қизларни ўткинчи ҳою ҳавасларга берилмасликка чорлаш каби ташабbusларни илгари сурди.

## Назорат бўлган жойда тартиб бўлади

Ички ишлар бошқармалари билан ҳамкорликда барча ресторон, кафе ва тўйхоналарда фуқаролар ҳаётига хавф солувчи техникалар, кўргазмалар, пиротехникадан фойдаланмаслик бўйича тарғиботлар ташкил этилди.

Аҳоли тинчлиги ва осойиштаги бузмаслик, тунги вақтларда шовқин қилмасликни таъминлаш чоралари кўрилди. Чунончи, шаҳардаги «Осиё», «Афсона», «Ангрен Ленд» каби тўйхоналар фаолияти назоратга олинди.

## Обод хонадондан – обод маҳаллагача

«Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» дастури доирасида амалга оширилаётган ишларда ёшларнинг фаоллигини ошириш мақсадида «Обод маҳалла – обод кўча – обод хонадон дастурида Ангрен ёшлари» ҳештеги остидаги акция эса ёш авлоднинг ислоҳотларга камарбаста бўлишта унадди.

Дастур доирасида Ишчи гурӯхи штаби ташкил этилди ва «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамини қўшаман!» шиори остида Ҳаракатлар режаси ҳам ишлаб чиқилди. Унга кўра, 51 та маҳалла фуқаролар йигинида «Долзарб уч ойлик» ҳештеги остида талай ишлар қилинди. Даставвал ма-

ҳалла фуқаролар йигинларида таъмирталаб ва тартибга келтиришга муҳтоҷ хонадонлар ўрганилди.

«Обод хонадон» мезони асосида шаҳримиздаги 145 та хонадон ҳомийлар ёрдамида, 4445 таси маҳалла фаолларининг тарғиботи билан хонадон эгалари томонидан таъмирланди. Таъмирлаш ва тартибга келтириш ишлари давомида уйларнинг том, ташки фасадлари, ички хоналаридаги бўёклаш ва оҳаклаш ишлари, шунингдек, ёрдамчи хўжалик бинолари тартибга келтирилиб, яроқсиз ҳолатта келган қисмлари янгиланди.

«Обод кўча» ҳаракати сабаб 43,65 км. йўллар таъмирланниб, 5525 дан зиёд дарахтларга шакл берилди, 5860 га яқин гул кўчатлар экилди, ариқ ва зовурлар тозаланиб, чиқиндиҳоналар тартибга келтирилди.

Шунингдек, «Кимёгар», «Намуна», «Наврӯз-1», «Тараққиёт» фуқаролар йигинидаги асосий кўчаларга тунги чироқлар ўрнатилди ва симёочлар таъмирланди. «Облик», «Хаккарман», «Янги жигаристон», «Грум», «Янгиобод», «Зарбулоқ», «Олпартак» маҳаллаларида фуқаролар томонидан қурилган 250 га яқин ноқонуний қурилмалар буздирилди ва маший чиқиндилар чиқариб ташланди.

Бундан ташқари, маҳаллалардаги қабристон, зиёраттоҳ ва масжидлар ободонлаштирилди. Шаҳар худудидаги ижтимоий объектларда эса ҳашарлар ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, жорий йилда зиммамизга юқлатилган вазифалар ижросини таъминлашга бор куч-ғайратимизни сафарбар этдик. Албатта, бу билан тўхтаб қолмаймиз. Йил сарҳисобини кўрсатди, ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар кўплиги, йўл қўйилган камчиликларимиз сув юзига қалқиб чиқди. Бундан буёғига уларни бартараф этиш учун фаолиятимизни тизимли ва мақсадли ташкил этишга эътибор қаратамиз.



Қашқадарёдан Тошкентга отлар карвони йўлга чиқди.





Бу ёруғ оламда инсон ҳаётидек сир-синоатга бой бўлмаган мавжудотнинг ўзи йўқ. Кечаси ухлар экан, ҳар бир киши турфа тушлар гирдобига гарк бўлади. Мутахассислар умрнинг учдан бир қисми уйқуга сарф бўлишини, 90 фоиз ҳолатда кўрилган тушни эслаш қийин кечишни, атиги 10 фоиз одам яқин лаҳзаларда кўрган тушини айтib бера олишини аниклашган. Гўёки ҳаётимизнинг қандай кечиши кўраётган тушимизга ҳам боғлиқдек тасаввур йўқ эмас. Аммо туш кўриш турмушнинг ҳам, ислом динининг ҳам тўлиқ асоси бўла олмайди.

### Тушнинг неча хили бор?

Туш кўриш кўпроқ тасодифга асосланган бўлиб, унга ортиқча баҳо бериш, ҳаддан зиёд ишониш, уни ҳаётнинг асосий мазмун-мөхиятига, тақдирни белгиловчи омилга айлантириш тўғри эмас. Олимлар туш инсон миёсида, руҳий оламида кечаетган воқеа-ҳодисаларнинг уйкуда акс этиши эканини айтишади. Ҳақиқатан ҳам, киши нима ҳақида кўп ўйласа, бирор воқелик унинг эътиборини кўпроқ тортса, бу унинг тушига кириши кузатилади.

Муқаддас динимиз исломда туш кўриш ва унинг таъбири билан боғлиқ кўтлаб фикр-мулоҳазалар келтирилади. Диний манбаларда туш икки хил – раҳмоний ва шайтоний бўлиши баён қилинган. Раҳмоний туш қалба қувонч олиб киравчи, унга хушхабар берувчи бўлса, шайтоний туш шайтон васвасаси таъсирида содир бўлиб, унда ваҳима ва хавотирга соладиган ҳодисалар кўрилади. Аммо бу хилдаги туш ўша одамнинг ёмонлигига далолат қилмайди.

### Пайғамбаримиз тушга қандай муносабат билдирган?

Пайғамбарлардан бошқа одамларнинг рост тушлари амал қилиниши шарт бўлган иш эмас, балки яқин кунлар ичидаги бирор яхшиликдан башорат сифатида қаралади, холос. Агар рост тушлар шариатта мос келса, амал қилиш мумкин, зид келса, қатъий амал



# «КИМ МЕНИ

## тушида кўрса, ҳақиқатда ўзимни кўрибди»



қилинмайдиган ишдир.

Абу Хурайра розияялоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бомдод намозидан кейин: «Бу кеча бирортангиз (яхши) туш кўрдингизми? Мендан кейин фақат рост тушлар қолади», дер эдилар». Яъни мендан кейин ваҳий бўлмайди, фақат рост тушлар

тонгта яқин кўриладиган ёрқин тушлар, шайтондан бўлган, аниқ эсда қолмайдиган, кайфиятни туширадиган алағ-чалағ, алаҳси-рашга ўхшаш ва касбига, қизиқкан нарсасига тааллукли тушлар.

Кайфиятни тоғдек кўтарувчи, ҳаётга муҳаббатни кучайтирувчи туш, албатта, яҳши. Аммо ваҳимали тушдан ҳам қочиб қутула олмайсиз. Бу лаҳзада қандай йўл тутиш керак? Жобир розияялоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий (с.а.в.): «Бирортангиз ёмон туш кўрса, шайтон у билан ўйин қилганини одамларга айтмасин» (Имом Муслим ва Ибн Можа ривояти). Бу ерда ёмон тушдан мурод одамни ғам-қайғуга солишига ишорат сезилади.

Рост туш Аллоҳдан, ёмон туш шайтондан. Кимdir кўркинчли туш

кўрса, чап томонига туфлаб қўйсинг ва тушнинг ёмонлигидан (Аллоҳдан) паноҳ сўрасин. Шунда ёмон туш зарар қилмайди. Яъни ёмон туш кўрган киши чап томонига енгилгина туфлаб: «Эй, Роббим! Кўрган тушимнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман», деб қўяди. Баъзи уламолар имкон бўлса ўрнидан туриб, таҳорат олиб, икки ракат нафл намоз ўқигани яна ҳам савоб, дейишган.

### Таъбири фақат яхшиликка бўлиши керак

Туши таъбирини сўрамоқчи бўлган киши ўзини ҳурмат қиласиган ёки закий кишига айтиши керак. Агар таъбири тушни нимага йўйса, ўша ўнгта кўчади. Уламолар тушни доимо яхшиликка йўйиш кераклигини уқдиришган. Ҳадиси шарифда келтирилишича, бир аёл Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг олдига

уч марта келиб, «Эрим тижорат қилгани кетган, ўзим ҳомиладорман, тушимда уйимнинг устуни синиби, ғилай бир бола туғибман» дейди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳар сафар унга: «Эринг сафардан қайтади, солиҳ бир фарзанд туғасан!» дер эдилар. Охирги марта ўша аёл Оиша онамиздан тушининг таъбирини сўраганида, унинг эри вафот этиши, фожир бир бола туғишини айтганларида, Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Ҳай-ҳай, эй, Оиша! Ундей дема! Мусулмон кишининг тушни таъбир қилсангиз, яхшиликка таъбир қилинг. Чунки туш эгаси қандай таъбир қилса, шундай бўлади» деганлар (Имом Дорамий «ҳасан» санад ила ривоят қилган).

### Кўрмаганини кўрдим дейиш шариатга зиддир

Муқаддас ислом динимизда ёлғон гап айтиш қоралангани сингари кўрмаган туши ҳақида ростдай қилиб сўзлаш туноҳ ҳисобланади. Муҳаммад(с.а.в.)нинг қуйидаги сўзлари ана шунинг исботидир: «Энг катта бўхтон – отаси бўлмаганни отам, деб даъво қилиш, кўрмаган тушини кўрдим, дейиш ва Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) айтмаган гапни айтди, дейишдир» (Имом Бухорий ривояти).

Бу мавзуда йўл қўйиладиган хатолар шундаки, баъзилар шариатта зид нарсани тушида кўриб, амал қилиб юради. Тушимда худо билан гаплашдим, деб пайғамбарликни даъво қилувчилар ҳам учрайди. Айримлар тонгтacha туш кўриб, кечгача уни одамларга айтиш, таъбирини излаш ёки сўраш билан кунни кеч қиласи.

Туш таъбири ёзилган китобларни излайди. Ваҳоланки, бу хилдаги китобларнинг аксарияти асоссиз, тўқима гаглардан иборатдир.

Аслида туш ҳақидаги динимиз кўрсатмаларига амал қилиб, ислом динида буюрилган амалларга риоя қилсан, ҳалол-ҳаром, фарзу вожиб, суннатларни ўрганиб, амал қилсан, бундан зиёда савоб топилмаса керак. Инсон туш кўргани учун савоб ҳам, туноҳ ҳам олмайди, лекин юқорида айтилганидек, ҳар банда зиммасига юклантган бурч ва вазифаларни бажармаса, туноҳкор бўлади. Зоро, улуғларимизнинг бир гапи бор: «Ўнгингда Аллоҳдан кўрк, тушингдаги нарсадан кўркма!».

# Форс кўрфази КАТТА УРУШ ЁҚАСИДА...(МИ?)

6

Эрон мудофаа вазирлиги мамлакат олий бош кўмондени, мамлакат олий диний раҳнамоси Оятуллоҳ Али Ҳаманайининг ядрочи олим Муҳсин Фахризоданинг ўлимига алоқадор кучларни жазолаш мақсадида берган топшириғига кўра, Истроилга ракета зарбалари беришга тайёргарлик кўраётганини маълум қилган. Ҳозирда ўрта ва олис масофага учувчи баллистик ракеталар билан жиҳозланган камидаги 20 та учиреш мосламалари тайёрлаб кўйилган.

Айни пайтда эса Саудия Арабистони Истроил ҳарбий самолётлари учун ўзининг ҳаво кенгликларини очиб берган. Бу исталган вақтда Истроил ҳарбий ҳаво кучларининг Эронга ҳаво зарбаларини беришига йўл очади. АҚШнинг энг илғор ҳарбий ҳаво авиацияси ҳам Яқин Шарққа келтирилмоқда. Бу эса минтақада жуда кескин ва зият юзага келаётганинг яққол далилидир.

## Ядрочи олимнинг ўлими нималарга сабаб бўлади?

Эрон Республикаси ядрорий технологиясининг «отаси» ҳисобланган Муҳсин Фахризода-нинг қасдан ўлдирилиши минтақада тарангликни кучайтириб юборди. Ҳатто Эрон парламенти атом саноати соҳасидаги ишларни фаоллаштириш тўғрисидаги конун лойиҳасини тезлаштиришга қарор қилди. Эрон расмийлари 29 ноябрь куни ядрочи олимнинг ўлимига шундай муносабат билдириши. Энди Техроннинг ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартнома ва МАГАТЭ билан ҳамкорлик дастуридан чиқиши кутилмоқда. Дональд Трамп маъмурияти эса Эрон ихтиёрида ядрорий қурол пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун куч қўллашдан ҳам тап тортмаслигини таъкидламоқда.

29 ноябрь куни Мажлис фавқулодда йиғилишга тўғланди. Спикер Мухаммад-Багир Галибаф Муҳсин Фахризода ва қотил-

лардан ўч олишга бағишлиган узундан-узоқ нутқ ирод этди. Сўнгра депутатлар кўпчилик овоз билан «Санкцияларни бекор қилиш бўйича стратегик чоралар тўғрисида»ги конун лойиҳасини тезлаштирилган тартибда кўриб чиқиш учун овоз бердилар. Унинг қабул қилиниши Эроннинг қўшма умумқамровли ҳаракатлар режаси доирасида, яъни ядрорий келишув бўйича олган мажбуриятларининг тўлиқ қайта кўриб чиқилишини англатади. Энди конун лойиҳаси билан МАГАТЭ инспекторларининг ядро материаллари мавжуд ҳар қандай обектларга кириб боришига имкон берувчи протоколга риоя қилинишидан бош тортиш кўзда тутилган. Шунингдек, ядрорий битим доирасида қисман бузилган нафақат Аракдаги ядрорий реакторни қайта тикилаш, балки янгиларини куришга руҳсат берилади. Нихоят, конун лойиҳаси Эроннинг фақат IR-1 центрифугасининг биринчи авлодидан фойдаланишига изн берувчи битим қоидаларидан возкешишини англатади.

Конуннинг инқилобий жиҳати шундаки, мамлакат ҳарбий уран олиш билан бевосита шуғуллана олишига йўл очади. Ҳозир Эрон «ядровий битим» қоидаларини у қадар кўп бузмаятти. Келишув доирасида уранни узоғи билан 3,67 фоизга бойитишга руҳсат берилган. Эрон бу даражани 4 фоизгача кўтариш ниятида. Конун лойиҳасига биноан, уранни 20 фоизгача бойитиш, ядрорий қурол ишлаб чиқариш даражасигача олиб бориш имконияти берилади. Дарвоқе, конун лойиҳаси ҳали кўрилиш босқичида.

## Эрон сиқасдда кимни айблаяпти?

Техрондагилар ҳали кимнинг айблорлиги юзасидан бир тўхтамга келганича йўқ. Президент Руҳоний бунда Истроилни айблайди. Эрон расмий ОАВда эса жиноятта АҚШ президенти Дональд Трамп, шунингдек, Саудия Арабистонининг алоқадорлиги мавзузи фаол тилга олинмоқда. Бироқ на Истроил, на АҚШ, на Саудия расмийлари Фахризоданинг ўлдирилиши юзасидан бирор-бир изоҳ берганича йўқ. Агар Эрон Фахризоданинг ўлдирилишини Сулеймоний ўлдирилиши каби БМТ даражасида муҳокама этилишини истаса, ўзининг Истроил, АҚШ ёки Саудия Арабистони шаънига ёғдираёттан айбловларини амалда исботлаши керак бўлади. Ҳозирча далиллар бор ёки йўқлиги



Абдували САЙБНАЗАРОВ,  
сиёсий шархловчи.

номаълум. Жиноят эса масоғадан бошқариладиган курилмалар ёрдамида амалга оширилган.

Кейинги 10 йилда чет эл жосуслик хизматлари томонидан беш нафар эронлик олимларга суннкасад уюштирилган бўлиб, унинг тўрттаси муваффақиятли чиқсан. Жиноятчига оид аниқ ишоралар йўқ экан, бунга оид реакция қандай бўлишини ҳам айтиш қийин. Маълумки, Сулеймоний Бағдод аэропортида йўқ қилингач, эронликлар Ироқдаги Америка базаларини ўққа тутишганди. Аммо америкалиқ ҳарбий хизматчилар жабрланмаслиги учун барча иш амалга оширилган. Чунки ракета ҳужумлари тўғрисида улар олдиндан огоҳлантирилган. Бу сафар эса Истроил ёки Саудияга қандайдир зарба берилса, эронликлар буни бевосита амалга оширмайди, балки ўз иттифоқчилари, олайлик, Сурия ва Ямандаги қуролли гурухлар кўмагида бажаради. Ўзгараётган вазият ҳам расмий Техронни куч ишлатишдан тийиб туради.

Дональд Трамп Жозеф Байденга президентлик сайловини бой берди. Байден умумқамровли ҳаракатлар режасининг муаллифларидан бири бўлган президент Барак Обама сиёсатининг давомчиси ҳисобланади. Эрон сайланган янги президентдан санкцияларни юмшатиш ёки олиб ташланиши кутилаётганини яшираётгани йўқ. Трампдан эса ноҳуш совғалар кутилаётгани аниқ. Янги президент инаугурацияси кутилаётган 20 январгача у давлат раҳбари бўлиб қолади, демакки, Байденнинг Эрон расмийлари билан кутилаётган мулоқотини бартараф этишга вақт етарли. Илгарироқ Эронга зарбалар берилиши ғояси жиҳдий муҳокама этилганини хабар берган «New York Times» газетаси энди манбаларига таяниб, Оқ уйга Фахризоданинг қотили маълум эканини ошкор қилди. Гўёки АҚШ разведкаси Эрон физиги ўлими ортида ҳақиқатда Истроил турғани юзасидан ахборотга эга. Аммо на МРБ, на Трамп бу мақолага муносабат билдириди. Балки изоҳ ҳам бермас.

## «Фахризода, бу исмни эслаб қолинг»

Техрон останасида Эроннинг етук ядрочи олимларидан бирининг ўлдирилиши тафсилоти Ислом Республикасида террорчилик ташкилотларига қарши кураши

билан боғлиқ жиҳдий муаммолар борлигини кўрсатди. Америкалиқ экспертлар Эрон атом бомбаси отасининг ўлими Техроннинг ташки таҳдидлардан химояланышта қодир эмаслигининг исботи ўлароқ баҳолашди. Аммо ташки душманлар таъсирининг самарадорлиги бу мамлакатда ички душманларнинг мавжудлиги билан боғлиқ.

Эрон мудофаа вазирлигининг мудофаа инновацияси ва тадқиқотлари ташкилотини бошқарган Ислом инқилоби қўриқчилари корпуси зобитининг ўлдирилиши учун масъулиятни нуфузли Америка ОАВ Истроил зиммасига юклаётган бўлса, Техрон АҚШ ва Саудия Арабистонини тумон остига олган. Бу мамлакатларнинг барчаси Эрон қаршилик кўрсатиш миллий кенгаси (NCRI) ва унинг ҳарбий қаноти «Мујаҳедин-е Khalq»(МеҚ)ни қўллаб-кувватлаб келган ва ҳозир ҳам дастаклайди. ОАВнинг таҳминига кўра, бу тузилмалар АҚШ кўмагидаги 2009-2012 йилларда Эрон ичкарисида исён тайёрлашган. Қатор эксперталрга кўра, бу ташкилотнинг 2019 йил куз фаслида мамлакатда кўтарилган тўс-тўполонларга алоқаси бор.

«Anna-news.info» ахборот-таклий порталиниң қайд этишича, «Фахризоданинг исми 2018 йили Истроил Бош вазири Бинямин Нетаньяху томонидан «Эрон папкаси» ҳақида нутқ сўзлаган пайтда тилга олинган: «Фахризода, бу исмни эслаб қолинг», – деган эди Нетаньяху. Истроил раҳбарининг сўзларига кўра, олим Эрон ҳарбий ядрорий бўлинмаси ёпиғанидан кейин Мудофаа вазирлигига «максус лойиҳалар» устида ишлаган. Маълумотлар Истроил махsus хизматлари томонидан олинган бўлиб, улар бунинг учун Мужхиддин ҳалқ агентларини ёллаган бўлиши мумкин.

Ходиса юз берган 28 ноябрь куни Эрон олий диний раҳбари Оятуллоҳ Али Ҳаманай олимнинг ўлими учун жавобгарларни қатъий жазолашга чақирди. Аммо теракт ижроилари тутилмаган бўлса, кимни жазолаш мумкин? Жиноятни содир этишда айбланаётган мамлакатларга қарши ракета ҳужумлари ва аниқ террактлар кўринишида қаршилик кўрсатиш Эрон мағлубиятга учраши муқаррар бўлган глобал уруш бошланишини англатади. Шунинг учун Техрон пауза олгани аниқ.

## Етим болаларга ойлик тўлов бериладими?

— Ҳукумат қарори билан етим болалар таълим муассасаларида таълим-тарбия оладиган муддатда тўлиқ давлат таъминотида бўлиши ҳақида эшилдим. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Саодат АХМЕДОВА.  
Сирдарё вилояти.

Севара ЎРИНБОЕВА,  
Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Ҳудди шундай Ҳукуматнинг «Етим болалар ва ота-онасиининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий химоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»гича қарорига кўра, бундай тоифадаги болаларнинг шахсий харажатлари учун ҳар ойда базавий хисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида (446 минг сўм) пул маблағлари тўланади.

Давлат таъминотида бўлган болаларга таълим муассасини битираётганда, ишга қабул қилинаётганда кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар сотиб олиш учун БХМ-нинг 100 баравари (22 млн. 300 минг сўм), йўл харажатлари учун БХМнинг 5 баравари (1 млн. 115 минг сўм) миқдорида битирув нафақаси берилади.

## «Давлат рақамининг ўрнига исмини ёзib қўйса...»

— Танишим ёшлиқ қилиб, машина рақамининг ўрнига ўз исмини ёзив олгани учун йўл-патруль ҳодимлари томонидан тўхтатилди ва унга нисбатан баённома тузилиди. Айтинг-чи, бундай вазиятда қандай жавобгарлик бор?

Нурилло ТУРСУНОВ.  
Қашқадарё вилояти.

Ортиқ ҲАМИДОВ,  
Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар  
4-сон ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи:

— Йўл ҳаракати қоидаларига кўра, давлат рўйхатлаш рақам белгилари кўринмайдиган, қалбакилаштирилган, ўзгартирилган бўлса, транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, давлат рақам белгиларини кўриш имкониятини чеклайдиган, уларни англашга тўсқинлик қиласиган турли ашёлар ўрнатиш ва қоплама суртиш — ана шу курилмаларни мусодара қилиб, фуқароларга — 223 минг сўмдан 669 минг сўмгача, мансабдор шахсларга эса — 669 минг сўмдан 1 млн. 115 минг сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

«Mahalla» газетаси таҳририяти жамоаси Қашқадарё вилояти бўйича ўз мухбири **Шоҳиста Бозоровага** онаси

Курбоной аянинг вафоти муносабати билан ҳамдарлик билдиради.

## Нафақа олишда кимларга устунлик берилади?

— Ногирон фарзандим бор, унга нафақа тайинлашда имтиёз борми? Умуман, нафақа олишда кимларга устунлик берилади?

Наргиза СОЛИЕВА.  
Сурхондарё вилояти.



Ўғилой ЎРОЗОВА,  
Маҳалла ва оиласи қўллаб-күвватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Қонунчиликка кўра, 14 ёшгача болалари бўлган оиласарга нафақа, 2 ёшга тўлғунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам олишда айрим тоифаларга устунлик хукуки берилади. Жумладан, ота-онасиининг иккисини ҳам йўқотган, болалар тарбияси билан эса қариндошлар шуғуланаётган оиласар, ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оиласар, 14 ёшгача бўлган иккиси ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар) шундай хукуқдан фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, ногирон боласи бўлган оиласар, болани тўлиқ бўлмаган оиласада тарбиялаётган оналар (оталар), ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида бандликка кўмаклашиш марказларида хисобда турган оиласар, ёлғиз пенсионерлар шундай устун ҳукуқка эгадирлар.

## Қачон судланганлик ҳолати тугалланади?

— Ҳусусий ташкилотга ишга кирмоқчи эдим, бирор судланганлигим сабабли ишга қабул қилишмади. Ваҳоланки, озодликка чиққанимга 3 йил бўлди. Айтингчи, судланганлик ҳолати жазо ўталгач, қанча муддатдан кейин олиб ташланади?

Наримон ИСЛОМОВ.  
Тошкент вилояти.



Жаҳонгир АЛИЕВ,  
Ўрта Чирчик тумани адлия бўлими бошлиғи

— Шахснинг судланганлик ҳолати шартли ҳукм қилингандарга нисбатан — синов муддати тугаган кундан бошлаб, мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач тугалланади. Бундан ташқари, жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек, муайян хукуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин — 1 йил ўтгач, озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин — 2 йил ўтгач, 10 йилдан кўп бўлмаган, шунингдек, 15 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — мос равишда 7 ва 10 йил ўтгач судланганлик ҳолати олиб ташланади.

Меҳнат кодексига кўра, муқаддам судланган шахсларни ишга қабул қиласиган (бундан қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно) ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганлиги муносабати билан ишга қабул қиласиган мумкин эмас.

Нега фақат бир вилоят талабалари амалиётга жўнатилди?

— Тиббиёт институтида ўқидиган қашқадарёлик талабалар амалиёт ўташ учун ўз вилоятига жўнатилипти. Лекин бошқа худуд талабалари ўқишини давом эттиришпти. Нега фақат бир вилоят талабалари амалиётга юборилпти?

Содик ТУРСУНОВ.  
Қашқадарё вилояти.



Ўқтам ИСМОИЛОВ,  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармаси бошлиғи:

— Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли фармонига мувофиқ, 20 кун давом этиши мўлжалланган бу амалиёт Қашқадарё вилояти мисолида бошланди ва босқичмабосқич ҳамма ҳудудларда давом эттирилади. Қашқадарёда бошланишига сабаб, Президентимизнинг вилояттага ташрифи давомида аҳолини рўйхатдан ўтказиш, антропометрик кўрсаткичларини аниқлаш ва саломатлигини текшириш топшириги берилган. Бу жараёнга барча соҳа ҳодимлари сингари ўша ҳудуддан бўлган юқори курс талабалари, клиник ординаторлар ва магистрлар ҳам жалб қилинмоқда.

Бунда талабаларнинг ўйлакларни тўлаб берилади. Аммо уларнинг вақтинча фаолияти учун ҳақ тўлаш кўзда тутилмаган. Барча қатнашиши шарт бўлса-да, касалликка чалингандар, ҳомиладорлар ва бошқа қатор сабабларга кўра талаба амалиётта жалб қилинмаслиги мумкин. Бу борада таълим муассасалари раҳбарияти ўрганиб чиқади ва хулоса чиқаради.

